

**МАКТАБГАЧА ЭКОЛОГИК  
ТАЪЛИМИ ВА ТАРБИЯ**



*Асқар Нигматов*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ  
ҚЎМИТАСИ**

***МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР ВА  
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
(МТМРМҚТМОИ)***

**Асқар Нигматов**

**МАКТАБГАЧА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ  
ВА ТАРБИЯ**

***МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ УЧУН***

**ДАРСЛИК**

**ТОШКЕНТ  
«НАВРУЗ» нашриёти – 2020**

**КВК 84.12(50`zb)2**

**М 45**

**УКК: 158.10.4**

**Нигматов А.Н. Мактабгача экологик таълим ва тарбия.** Дарслик. – Т.: «Навруз», 2020. -160 б.

Дарслик дунё ҳамжамияти учун ўта долзарб бўлиб турган «Экологиянинг долзарб муаммолари»га доир илмий ва амалий асосларни иллюстратив тарзда ёритиб берувчи ижодий асардир. Уни тайёрлашда муаллиф мактабгача таълимнинг ўзига хос томонлари, яъни бошқа таълим босқичидаги муассаса ўқувчиларидан фарқли равишда кичик ёшдаги болажонларнинг таълим ва тарбия олишида уларнинг фаолияти доимо катталар билан биргаликда бўлиши инobatга олинган. Мавзуларни ёритишда эса оддийдан мураккабга томон, турли шакл ва кўринишдаги расм, чизма, жадвал ва инфографикалардан кенг фойдаланилган.

Дарслик мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган рахбар ва ходимлар, касб-хунар ҳамда олий таълимнинг тегишли йўналишидаги педагог, ўқувчи, талаба, магистр ва докторантлар учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррирлар:**

*Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Чиқиндилар билан ишлаш соҳадаги ишларни мувофиқлаштириш ва таъкил этиш бошқармаси бошлиғи Абдуллаев У. Ш.*

*МТМРМҚТМО институтининг Маънавий ва илмий ишлар бўйича проректори, п.ф.н., доцент Закиров А.А.*

**Тақризчилар:**

*ТИҚХММ институтининг Экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси профессори, б.ф.д. Исмаилходжаев Б.Ш.*

*МТМРМҚТМО институтининг Ўқув ва методик ишлар бўйича проректори, п.ф.н., доцент Абдуназарова Н.Ф.*

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тармоқ илмий-техник кенгаш (2020 йил 22 апрель 3-сонли мажлис баёни) ва МТМРМҚТМОИ Илмий кенгаш (2020 йил 30 апрель 3-сонли мажлис баёни) томонидан муҳокама қилинган ва тегишли йўналиш бўйича дарслик сифатида нашрга тавсия этилган.

**ISBN 978-9943-381-06-3**

**© А.Н. Нигматов, 2020**

**© «Навруз», 2020**



## Матнда кўп учрайдиган номларнинг шартли қисқартмалари ва ўлчов бирликларнинг шартли белгилари

Матнда учрайдиган номлар ва ўлчов бирликлари	Шартли қисқартмалар ва белгилар
<b><i>Бошқарув органлари ва ўқув модулининг номи</i></b>	
Ўзбекистон Республикаси	ЎзР
Бирлашган миллатлар ташкилоти	БМТ
Қорақалпоғистон Республикаси	ҚҚР
Мақтабгача таълим вазирлиги	МТВ
Мақтабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти	МТМРМҚТМОИ
Мақтабгача таълим ташкилоти (муассасаси)	МТТ
Олий таълим вазирлиги	ОТВ
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Экодавқўмита
Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги	Ўзстандарт
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази	Ўзгидромет
Оммавий ахборот воситалари	ОАВ
Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	ҲФХ
<b><i>Ўлчов бирликлари</i></b>	
гектар	га
килограмм	кг
километр	км
метр	м
метр квадрат	м <sup>2</sup>
метр куб	м <sup>3</sup>
киловат	кВт
киловатт–соат	кВт/с
мегаватт	МВт
градус Цельсийда	С <sup>0</sup>



## МУНДАРИЖА

§§	Мавзулар	Бети
Муқаддима		6
<b>1-боб. ЖАМИЯТ – ТАБИАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВА ЭКОЛОГИЯ</b>		
1.1.	Одам, инсон ва табиат муносабатларини уйғунлаштириш зарурати	8
1.2.	Экология фанининг юзага келиши ва ҳозирги ҳолати	19
1.3.	Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати	26
Қайтариш учун саволлар ва тест топшириқлари		34
<b>2-боб. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ</b>		
2.1.	Экологик фан, таълим ва тарбия: тушунчаси, мазмуни, моҳияти	35
2.2.	Мактабгача таълимда экологик илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт	44
2.3.	Мактабгача экологик таълимга замонавий ёндошув	60
Қайтариш учун саволлар ва тест топшириқлари		70
<b>3-боб. ЭКОЛОГИК БОШҚАРУВ ВА МЕНЕЖМЕНТ</b>		
3.1.	Давлатнинг экологик бошқаруви	72
3.2.	Экологик менежмент	85
3.3.	Мактабгача таълимда экологик бошқарув ва менежмент	95
Қайтариш учун саволлар ва тест топшириқлари		104
<b>4-боб. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ЭКОЛОГИК ТЕКШИРУВ ВА ЖАВОБГАРЛИК</b>		
4.1	Мактабгача таълим ташкилотларида экологик бошқарувни текшириш	105
4.2.	Мактабгача таълимда экологик жавобгарлик	116
Қайтариш учун саволлар ва тест топшириқлари		139
Глоссарий		141
Экология ва атроф-муҳит муҳофазасига тегишли қонун ҳужжатлари		144
Тавсия этиладиган адабиётлар		150
Интернет веб-сайтлари		152
Дам олинг ва табиатдан завқланинг		154
Муаллиф ҳақида		160



**«Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин»**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев***



## МУҚАДДИМА

2017–2021 йилларда ЎзРни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4.4-бандида «Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш...», 5.1-бандида эса «...атроф табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг ечимини топиш» масаласи қўйилган. ЎзР 2019 йил 16 декабрдаги «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 апрелдаги «Мактабгача ҳамда умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 352-сонли ҳамда 2019 йил 27 майдаги «ЎзРда экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 434-сонли қарорларида мактабгача таълим тизимида экологик таълим ва тарбияни таъминлаш орқали миллий экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишга эришиш долзарб муаммо бўлиб турибди.

Мазкур дарслик 2020 йилдан бошлаб юқорида келтирилган қонун ҳужжатларини амалга жорий қилиш мақсадида МТМРМҚТМОИда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг ўқув жараёнига «Экологиянинг долзарб муаммолари ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқув модули негизида жорий қилинди. Ўқув модулининг мақсади – замонавий методологик ёндошув асосида тингловчиларда тегишли билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш. Дарслик муаллифнинг экологик таълим

ва тарбияга оид кўп йиллик тажрибаси, мазкур йўналишдаги «экологик тоза» ва ривожланган давлатларнинг халқаро амалиёти ва замонавий миллий мактабгача таълим–тарбияга қўйилаётган давлат талабларидан келиб чиққан тарзда яратилган.

Дарслик 2020 йилнинг март–апрель ойларида Коронавирус пандемия (COVID–19) инфекциясининг глобал миқёсда тарқалиши муносабати билан Ўзбекистонда эълон қилинган карантин давридаги муаллифнинг «ижод маҳсули»дир.



«Агар инсонлар табиатга нисбатан зўравонлик қилиб, унинг қонунларини қўполлик билан бузсалар, бир кун келиб, табиат уларнинг бошига шундай кулфатларни солиши мумкинки, буни ҳеч қандай куч қайтара олмас»  
*Абу Райхон Беруний*



## 1-боб. ЖАМИЯТ – ТАБИАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВА ЭКОЛОГИЯ



### 1.1. Одам, инсон ва табиат муносабатларини уйғунлаштириш зарурати

Қадимдан буюк алломалар одам киму, инсон ким, табиат нима ҳамда улар ўртасида қандай алоқадорлик бор ва у қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб қидириб келганлар.

Одам сўзи физиологик тушунча бўлиб, у Биология ва Тиббиёт фанлар соҳасида қўлланилади. Одам бошқа тирик мавжудотлардан ўзининг морфологик ва морфометрик, яъни ташқи қиёфаси ва ўлчамлари билан фарқ қиладиган организм. Кишилик жамиятининг буюк куч-қудрати одамзотни алоҳида бир мавжудот сифатида қарашга олиб келди. Айниқса, бундай дунёқараш XIX асрга, яъни илмий–техника инқилоби даврига келиб жуда авжига чиқди. «Табиат устидан ғалаба»га эришган одамзод барча илму фан тармоқларида алоҳида бир куч-қудрат сифатида қараладиган бўлди. Лекин, у аслида алоҳида бир «индивид» ёки ҳеч кимга бўйсунмайдиган «ҳоким» эмас, балки табиатнинг бир бўлаги, «табиат ошхонасининг бир анжомидир».



**Одам** – Ер пленетасида яшовчи, тирик мавжудотлар туркумига кирувчи, лекин мураккаб ҳаётий фаолият юритувчи индивид




Одамнинг бошқа одамлар билан маълум бир ҳудудда тарихан қарор топган гуруҳи ёки уюшмаси – *жамиятдир*. Ҳудди ана шу жамият ёки одамлар жамоаси табиатга нисбатан жуда таъсирчан муносабатдир. Чунки яқка одамга нисбатан унинг жамоаси катта кучга эга. Ундан ташқари, катта ёшдаги одамлар билан *кичик ёшдаги болажонларнинг жамият ва табиатга нисбатан муносабати катталарнинг ҳатти-ҳаркатларига бевосита боғлиқдир* (1.1.1-жадвал).

1.1.1-жадвал

***Катта ва кичик ёшдаги одамларнинг ҳайвонот дунёсидан ажаралиб турадиган жиҳатлари***

<b>Катта ёшдаги одамнинг</b>	<b>Кичик ёшдаги болажоннинг</b>
<b><i>ҳайвонот дунёсидан ажаралиб турадиган жиҳатлари:</i></b>	
онгининг шаклланганлиги	онгининг эндигина шаклланиб бораётганлиги
нутқининг ривожланганлиги	нутқининг эндигина ривожланиб бораётганлиги
ижодий фаоллиги	ижодий пассивлиги
такомиллашган меҳнат қуролларини яратиши ва ишлатиши	такомиллашган меҳнат қуролларидан тўлиқ фойдалана ва ишлата олмаслиги
маънавий ҳамда руҳий ўз-ўзини англай олиши	маънавий ҳамда руҳий ўз-ўзини тўлиқ англай ололмаслиги
муамола лаёқатига эгалиги	муамола лаёқатига эга эмаслиги

Одамни ҳеч қачон табиатдан ва уни ўраб турувчи атроф-муҳитдан ажра олмаслигига шу кунда барча инсониятнинг ишончи ҳосил бўлди. Одамнинг цивилизациялашганлик даражаси ёки уларнинг шу даражага эришган қисми инсон ёки инсониятдир. Инсон, физиологик



Одамларнинг табиатга нисбатан иқтисодий муносабат шаклида бўлиши натижасида Ер планетасида атроф табиий муҳитга таъсир этаётган чиқиндилар миқдори йилига 120 млрд. тоннадан ошиб кетди, техноген бузилган ерлар қуруқликнинг 1%, оқава сувлар миқдори эса чучук сувларга нисбатан 25% ташкил этмоқда. Дунё океанига йилига 10 млн. тонна нефть ва нефть маҳсулотлари тўкилмоқда, атфосфера ҳавосига 25–30 млрд. тонна CO<sub>2</sub> чиқариб ташланмоқда. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турлари 50 йилда 20% камайди. Орол, Чад ва Балхаш кўллари майдони кундан кунга қисқариб бормоқда.

<https://www.yaklass.ru>



**Инсон** – одамларнинг жамият ва табиат олдида муайян ҳуқуқ ҳамда мажбуриятга эга бўлган маданиятли қисми

кўринишдаги одамдан фарқли равишда, бошқа тирик мавжудотлардан устун турадиган, яъни «Оллоҳ ато этган» жиҳатларидан илмий асосда оқилона фойдаланиши. Шунинг учун ҳам инсонни – одамларнинг жамият ва табиат олдида муайян ҳуқуқ ҳамда мажбуриятга эга бўлган, маданиятли (маънавиятли ва маърифатли) қисми, деб аташ мақсадга мувофиқ. Маданият эса инсоннинг бутун умри давомида олган ижобий таълим ва тарбиясининг амалда акс этиши ёки инъосидир.



Инсон цивилизацияси натижасида Ер планетасида 11 500 тадан ортиқ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этилди, уларнинг майдони кейинги 70 йил ичида 23 баробарга кўпайиб, куруқлик ҳудудининг 17%, сув акваториясининг эса 10% атрофида қисмини қамраб олмоқда. Ўзбекистонда 30 та муҳофаза этиладиган ҳудудлар республика умумий ер майдонининг 5,57% ташкил этиб, у 2,3 млн. га дан 8,1 млн. га кўпайтирилди.


<https://www.econews.uz>

Фалсафада **табиат** – объектив борлиқ, яъни бизни ўраб турувчи олам ва унинг хилма-хил шакллари, деб тушунилади. Амалиётда ёки табиий фанларда уни ва барча тирик организмларнинг эҳтиёжларини қондириш манбаи бўлган атроф-муҳит деб қаралади<sup>1</sup>. Фалсафий ёки астрономик нуқтаи назардан қараганда сон-саноксиз юлдузлар, коинот ва унинг чексиз кенгликлари, албатта, инсон иштирокисиз келиб чиққан ва табиийдир. Лекин организмлар, жумладан инсонлар ҳам ўзларининг кундалик ҳаётининг фаолиятларида улардан фойдаланмайдилар ва улардаги жараёнларга ўз таъсирини ўтказмайдилар. Балки барча тирик мавжудотлар ўзларини ўраб турувчи атмосфера ҳавоси, сув, ер, тупроқ, ер ости бойликлари, ўсимлик ва

<sup>1</sup> Н.Ф.Реймерс. Надежды на выживание человечества: Концептуальная экология. – М.: «Россия молодая» - Экология, 1992. – С. 214-282.


ҳайвонот дунёси каби табиат неъматларидан фойдаланадилар ва уларга ижобий, аксарият ҳолларда «олди-орқаси»га қарамасдан салбий таъсир этадилар.

Одамларнинг, тўғрироғи *фуқароларнинг, муайян маъмурий ҳудудда уюшган қисми – давлат* орқали салбий ёки ижобий жараёнларга ҳуқуқ орқали таъсир этиши табиатни, хусусан атроф табиий муҳитни кескин ўзгартириб юбориши муқаррар. Лекин атроф табиий муҳитни маълум бир мамлакатда салбий ёинки ижобий ўзгариши ҳозирги илмий-техник инқилоби даврида, албатта, ўзга давлат ёки давлатларга, яъни *ҳамжамият*га бевосита боғлиқлиги исбот талаб этмайдиган аксиомадир. Буни Орол денгизи фалокатининг глобал миқёсидаги атроф-муҳитга бўлаётган салбий (1.1.1-расм) ёки Жанубий Америкадаги Амазонка дарё ҳавзасидаги тропик ўрмонзорларнинг Ер планетаси атмосфера ҳавосига ижобий таъсирида кўриш мумкин. Хуллас, инсон, жамият, давлат ва ҳамжамият ўзаро узвий боғланган, бири иккинчисидан, иккинчиси учинчисидан, учинчиси тўртинчисидан ёки аксинча келиб чиқадиган кишилиқ жамиятининг турли шакллари дир. Улар доимо атроф табиий муҳит билан узвий боғланган.



1.1.1-расм. «Орол денгизи» ва океан сувининг шўрланганлик даражаси

Кишилик жамиятининг узоқ муддатли тарихий ривожланиш даврида унинг табиатга нисбатан 5 та муносабат шакли ҳукм сурмоқда. Ҳозирги атроф табиий муҳит ҳолати кишилик жамиятининг табиатга нисбатан «иқтисодий–экологик» муносабат шаклидан «экологик» муносабат шаклига, иқтисодий–маданиятли даражадан «экологик-маданиятли» даражасига ўтсагина барча диний (Қуръон, Забур, Таврот, Инжил) китобларда эслатиб ўтилган «қиёмат куни»дан бизларни узоқлаштириши мумкин (1.1.2-расм).



1.1.2-расм. *Атроф табиий муҳит ҳолати: кеча, бугун, эртага*

XXI асрга келиб кўпгина давлатлар ўз иқтисодий муносабатларини экологик нуқтаи назардан мажбурий баҳолаш, яъни «яшил сертификатлаш» тизимига ўтказиб бормоқда. Айниқса бундай экологик маданиятли кишиларнинг экологик муносабат шакли қурилишда кенг жорий қилинмоқда. Масалан, Россия Федерацияси Санкт–Петербург шаҳрининг Приморский туманида «Лахта Маркази» қурилмоқда. Россиянинг «Газпром нефть» компаниясининг буюртмасига кўра лойиҳани Буюк Британиянинг RMJM–Robert Matthew Johnson Marshal компанияси ишлаб чиққан, қурилишни эса Туркиянинг Renaissance Construction компанияси олиб бормоқда.<sup>1</sup> Узокдан яхта каби 462 метрлик кўринишга эга бўлган бу иншоат лойиҳаси 75 баллик «яшил» экологик сертификат олди. Чунки ундаги барча фаолият экологиялаштирилгандир (1.1.3-расм).



1.1.3-расм. Санкт–Петербург шаҳридаги «Лахта Маркази» лойиҳаси, қурилиши ва «яшил» сертификати

<sup>1</sup> [https://www.spb-guide.ru/page\\_21128.htm](https://www.spb-guide.ru/page_21128.htm)

Барча фанларда бўлгани каби Экологияда ҳам бир қатор аниқликни талаб қилувчи терминшунослик ва атамашуносликка дасрликда алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Масалан, кишилиқ жамиятини ўраб турувчи табиатни турли адабиёт ва оммавий ахборот воситаларида турлича – «*атроф-муҳит*», «*атроф муҳит*», «*атрофдаги олам*» «*атроф табиий муҳит*», деб атайдилар. Хўш қайси бир ибора илмий-амалий нуқтаи назардан тўғри ва уларни қандай ҳолатда қўллаган маъқул?



Мақтабгача таълимнинг 2018 йилгача амалда бўлган «Болажон» давлат ўқув дастурида турли ёшдаги гуруҳларда ўтказиладиган машғулотлар «Атроф-муҳит билан таништириш» ва «Табиат билан таништириш» номларида алоҳида олиб борилган. Амалдаги «Илк қадам» давлат ўқув дастурида эса «Атрофдаги олам билан таништириш» ва «Табиат билан таништириш» номлари билан алоҳида олиб борилмоқда.

Албатта, юқорида номлари келтирилган ибораларни турлича ишлатилиши табиий ҳолат. Чунки, ҳар бир муаллиф ўзининг ихтисослиги, ёзма асари ёки оғзаки маърузасининг кимларга бағишланганлиги ва ҳаттоки, унинг касбий маҳорати ҳамда илмий салоҳиятига қараб мазкур ибораларни турлича ифода этади. Нима бўлганда ҳам биз ушбу ибораларга илмий изоҳ беришга ҳаракат қиламиз.

**Биринчидан** – агарда ёритилаётган масала кишиларни табиатга нисбатан йўналтирилган оддий, иқтисодий, экологик муносабат шаклларида қаратилган бўлса – «*Атроф табиий муҳит*» сўзлар бирикмасини ишлатиш мақсадга мувофиқ. Чунки кишилар нафақат табиий, балки иқтисодий, ижтимоий-психологик, сиёсий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий ва шунга ўхшаш турли муҳитлар таъсирида туради. Ушбу муҳитлардан табиийсини, экологик нуқтаи назардан, ажратиб олиш мақсадида биз уни «атроф табиий муҳит» сўзи орқали ифода этишни тўғри, деб биламиз.

Лекин, экологик йўналишдаги деярли барча халқаро ва миллий норматив ҳужжатлар ва адабиётларда «*Атроф-муҳит*» (ўзбек тилининг кирилл алифбосидаги грамматикасига биноан «Атроф

муҳит» эмас) сўзлар бирикмаси айнан «атроф табиий муҳит»ни муҳофаза қилиш нуқтаи назардан қаралади. Масалан, Ўзбекистонда – «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси», «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси», халқаро миқёсда – «Атроф муҳит» БМТ декларацияси, Стокгольм-72, Рио-92 конференциялари ва ҳ.к. Шунинг учун ҳам Мактабгача таълимнинг «Болажон» дастурида «Атроф-муҳит билан таништириш» машуғулотларининг номини «Илк қадам» дастурида «Атрофдаги олам билан таништириш» номига ўзгартирилганлиги мақсадга мувофиқ эди.

**Иккинчидан** – ижтимоий-гуманитар фанларда тадқиқот объекти этиб киши, инсон, фуқаро ёки шахс ҳамда уларнинг жамоаси олинади. Шунинг учун ҳам унда киши, кишилик жамияти ва табиат ўртасидаги муносабатни **«инсонларни ўраб турувчи муҳит»**, **«шахс, фуқаро, кишилар ёки кишилик жамиятининг яшаш муҳити»** деб атайдилар. Буни «мутлоқ тўғри» ёки «мутлоқ нотўғри» дейиш мушкул. Лекин кишилар яшаётган ва унинг таъсири доирасидаги табиий муҳит (Табиатшунослик ўқув курси нуқтаи назаридан) қолган турдаги организмлар, жумладан ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, микро ва наноорганизмларнинг ҳам яшаш муҳитидир. Фақатгина улар табиат билан ҳамоҳангликда, яъни маълум бир мувозанатни сақлаган ёки «келишган» ҳолда яшайдилар ҳамда ривожланадилар. Кишилар эса, ўзига хос «онгли мавжудот» – индивид сифатида табиат билан «келишмасдан» ҳам яшашлари мумкин, деган ғоя йўқ эмас. Бундай ҳолатда одамларни ўраб турувчи табиий муҳит ёки уларни яшаш муҳити, сўзсиз, «кишилик жамиятини ўраб турувчи атроф табиий муҳит» ёки «жамиятнинг атроф-муҳити» деб айтилиши ҳам мумкин.

**Учинчидан** – одам ва табиат Ер планетасида жуда узвий боғланган ва ўзаро кучли таъсир доирасида туради. Айнан ўзаро таъсир доирасида, чунки кишиларни табиатга бўлган ҳар қандай таъсири (хоҳ у ижобий ёки салбий кўринишда намоён бўлмасин) охир оқибатда уларнинг ўзига акс садо бўлиб қайтади (ё раҳматини ёғдиради ёки ўчини олади). Буни стихияли равишда англаган ибтидоий одамлар табиатни бир бўлаги сифатида, унинг «бағри»да

яшаб келганлар. Аксинча, собиқ Иттифоқ давридаги меҳнат тақсимотида Марказий Осиё республикаларини хом-ашё ва айниқса, пахта етиштириш базаси қилиб олиниси «Орол муаммоси»ни юзага келтирди. Одамлар эса ушбу экологик инқирозли ҳудуддан кўча бошладилар. Чунки, атроф табиий муҳитни инқирозли даражада бузилиши аҳоли ўртасидаги барча муносабатларга ўзининг салбий таъсирини ўтказа бошлади. Кишиларнинг беҳовотир ва соғлом яшашлари қийинлашмоқда. Минтақанинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишига жиддий путур етказилмоқда.





Зардуштийларнинг муқаддас Авесто китобининг Вандидод қисмида<sup>1</sup> табиат унсурлари – ер, сув, ҳаво ва оловни аждодларимиз худо деб билганлар. Ер ва олов худоси – «Митра»га одамлар сиғинишган. Уларни илоҳий куч деб билишган ва уларга етказилган зарар учун, ҳаттоки, ўлим жазосини қўллашган. Сувни ифлос қилиш олий тангрига қилинган хуруж деб қаралган. Табиатга нисбатан бундай дунёқарашлар зардуштийлар динининг асосини ташкил қилган ва унда зикр этилган қадимий ахлоқ-одоб қоидалари шу даврдаги 16 та давлат ҳудудида амал қилган.

Кишилиқ жамиятининг атроф табиий муҳитга салбий таъсири орқали юзага келган экологик ҳолат маълум бир ҳудуд ёки минтақаларда моддий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-психологик, маънавий-маърифий муҳитларни ҳам ўзгартириб юбориши ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Бунга «Чернобиль АЭС фожиаси», «Фукусима АЭСдаги фавқулодда вазиятлар», «Орол денгизи инқирози» каби техноген–экологик тусдаги вазиятларни мисол қилиб кўрсатса бўлади. Ёки, 2020 йилда «COVID-19» пандемия коронавирус инфекциясининг глобал миқёсда тарқалиши натижасида жаҳон иқтисодиётдаги ҳаракатларнинг кескин сусайиши оқибатида атроф табиий муҳит ҳолатининг жонланиши Хитой ва Франциядаги экологик вазият мисолида кўрсатиш мумкин (1.1.3-расм). Хитой янги

<sup>1</sup> Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси.-Т.: “Шарқ”,2001.- 384 б.





1.1.3-расм. Хитой (1 йил давомида) ва Францияда (2020 йил март ойида 25 кун ичида) атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасининг пасайиши (<https://storage.kun.uz/source>)

йил байрамидан кейинги тўрт ҳафта давомида мамлакатдаги карбонат ангидрид чиқиндилари деярли 25 фоизга қисқарган. NASAнинг спутник тасвирларида эса Хитой устидаги азот диоксиди ўртача 36

фоизга пасайган, Испания ва Францияда эса деярли 10 фоизга қисқарган. Ҳиндистондаги илк изоляция кунидан кейин ҳавонинг ифлосланишини мониторинг қилувчи станциялар азот диоксидининг тарихдаги энг паст кўрсаткичларини намоён қилган.

Бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам «COVID-19» пандемия коронавирус инфекциясининг глобал миқёсда тарқалиши 2020 йилнинг 16 мартдан эълон қилинган карантин кўплаб фуқароларни уйда қолишга мажбур қилди. Аксарият муассасалар, корхоналар ва савдо шоҳобчалар фаолияти тўхтатилди ёки масофадан туриб ишлашга уларни мажбур этди. Бу ўз навбатида ижтимоий ҳаётга ва иқтисодиёт тармоқларига жуда катта зарар келтирди.

Бироқ, бундай ижтимоий-иқтисодий салбий ҳолат Ўзбекистон миллий таълимида кўпдан буён амалга ошириш жуда сустр кечаётган «Масофавий таълим тизими»ни жадал суратларда йўлга қўйишга, Интернет алоқа воситаларини чекка қишлоқларгача етиб боришига ва унинг тезлигини ошишига олиб келди. 2020 йил 8 апрель «Спутник Ўзбекистон» мобил версияси маълумотларига кўра ўз-ўзини изоляция қилиш режими экологик нуқтаи назардан «экотизимларнинг жонланиши»га олиб келди. Ўзгидромет маълумотига кўра 2020 йилнинг 24 март кунини Тошкент шаҳридаги атмосфера ҳавосининг ифлосланиш ҳолати индекси 4,15 баллни ташкил этган бўлса, 6 апрель кунини метеорологлар уни 2,5 баллгача пасайишини қайд этди.


Амалиётда интеграциялашган атмосфера ифлосланиш индекси (ИСА) бешта устувор ифлослантирувчи ингредиентлар: чанг, углерод оксиди, азот диоксиди, олтингугурт диоксиди ва аммиак ёрдамида ҳисобланади. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш (ИСА) бўйича таснифлаш қуйидагича сифат жиҳатдан: 0–4 балл – паст; 5–6 – ўрта; 7–13 – юқори; 14 дан юқори – жуда юқори даражада баҳоланади.



2020 йил март–апрель ойларининг 13 кунини Тошкент шаҳрида Карантин туфайли атмосфера ҳавосида: чанг – 0,16 дан 0,14 мг/м<sup>3</sup> гача (1,1 дан 0,9 ПДКгача); азот диоксиди – 0,04 дан 0,02 мг/м<sup>3</sup> гача (1дан 0,5 ПДКгача); углерод оксиди – 2,6 дан 2,2 мг/м<sup>3</sup> гача (0,9дан 0,7 ПДКгача) миқдори пасайган. Олтингугурт диоксиди ва аммиакнинг ҳаводаги таркиби ўзгаришсиз қолган, яъни 0,003 ва 0,01 мг / м<sup>3</sup> (0,06 ва 0,25 ПДК).

«Спутник. Ўзбекистон»

**Хуллас,** жамият ва табиат муносабатларининг ижобий ёки салбий муносабати бевосита катта ёшдаги одамларнинг ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ. Шунинг эсадан чиқармайлики, бу ҳаракатлар болажонларнинг юриш туришида, атроф табиий муҳит ҳолати ва саломатлигида ўз аксини топади. Кишилиқ жамиятининг куч-қудрати жадал суратларда ошиб бораётган бир пайтда экологик вазият кўпроқ табиатга эмас, балки инсон, жамият, давлат ва ҳамжамият фаолиятига, яъни уларнинг экологик маданиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Биз, одамлар, табиатдан ажралган тарзда яшай олмас эканмиз, унинг ажралмас бир бўлаги сифатида ўзимизни инсон тариқасида хис этиб, ҳаёт кечиришимизга тўғри келади. Зеро экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишга эришмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.



## 1.2. Экология фанининг юзага келиши ва ҳозирги ҳолати

Экология нима? Нима учун биз ХХІ асрда унинг ҳам назарий, ҳам амалий ечимини топишга ҳаракат қилаяпмиз? Ушбу муаммо иқтисодий форумлар, таълим–тарбия босқичлари, маданий ва жисмоний ҳордиқ чиқариш тадбирлари, халқаро сиёсий учрашувлар, ҳаттоки, бизнес-шоуларда ҳам қизғин муҳокама мавзусига айланиб бормоқда. Дунёнинг барча минтақаларида экологик йўналишдаги турли кўриниш, шакл ва ҳажмга эга бўлган китоблар, журналлар, рисола-ю мақолалар, ўқув адабиётлар миллионлаб нусхада чоп этилмоқда. Унга оид янгиликлар ва маълумотларни аҳолига етказиш учун барча турдаги замонавий ахборот технологиялар қўлланилмоқда. Бундай ижобий ҳаракатларга қарамай ҳанузгача «экология нима ўзи» деган саволга бир ҳилда жавоб топиш қийин. Бу эса илмда, айниқса, таълим-тарбияда асло йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатдир.

Таълим жараёнида, мактаблар, академик лицей ва коллежларда ҳанузгача экология мустақил мажбурий таълим ўқув курси сифатида

эътироф этилмаган. Ахир-оқибат барчамиз бирдек гўзал табиат кўйнида ором олиш, ҳордиқ чиқариш ва саломатлигимизни тиклашни хоҳлаймиз. Лекин, гўзал табиат гўшалари кундан кунга камайиб, аҳоли сони ва унинг иқтисодий кенгликлари эса аксинча кўпайиб бормоқда. Мазкур ҳолат, муаллифни эндиликда экология мавзусига мактабгача таълим нуқтаи назаридан қарашга олиб келди.



**Факт** XIX асрда Марказий Европада «илмий-техник инқилоби» натижасида аҳоли ҳаддан зиёд кўпайиб, жамият ва давлатнинг иқтисодий-сиёсий ҳаракатлари табиат қонуниятларини инкор эта бошлади. Натижада, атроф табиий муҳит издан чиқиб, организмлар тур ва кўлам жиҳатдан камайиб борди, одамлар эса аввал учрамаган турли касалликларга чалина бошадилар. Натижада кишилар атроф табиий муҳит ҳолати сақланиб қолинган Америка, Австралия, Янги Зеландия каби «цивилизация оёғи етмаган» қитъа ва оролларга кўча бошладилар. Буни сезган жамият, давлат ва ҳамжамят сардорлари XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Европада ижтимоий муносабатларда санитар-гигиеник талабларини кучайтириш, қонунлар ва саноат ишлаб чиқаришни экологиялаштириш, зиддиятли давлатлараро алоқаларни экология орқали «хал этишга» ундади. Оқибатда “Экология” деган фан юзага келди ва у халқаро миқёсга олиб чиқилди. Чунки, одам билан табиат ўртасидаги «келишмовчилик» нафақат атроф табиий муҳитга, балки давлатларнинг ички ва ташқи муносабатларига салбий таъсир эта бошлади. Шунинг учун ҳам 1972 йилдан буён Халқаро ҳуқуқда *«атроф табиий муҳит»* ибораси ўрнига умумлашган *«атроф-муҳит»* деган ибора ишлатила бошлади.

Н.Ф.Реймерс


Надежды на выживание человечества

Концептуальная экология, 1992

Замонамизда компьютер, информатика, ҳуқуқ, қонун, давлат каби энг кўп ишлатиладиган сўзлардан бири – экологиядир. Хўш, экология нима ўзи деган савол туғилиши муқаррар. Чунки, антик даврда «Фалсафа», ўрта асрларда «Теология» кишилиқ жамиятида қандай оммалашган бўлса, шу кунда «Экология» ҳам шундай кенг тарқалгандир. Шунинг учун бўлса керак, ҳар бир олим, мутахассис ёки ижодкор ўзини «Экологман» деб ҳисоблайди. Майли, нима бўлганда ҳам экологиянинг тарафдорлари кўпаяверсин. Аммо фанда, айниқса, таълимда битта сўз, атама, термин ёки ибораларни турлича ифода этилиши, унинг мазмун ва моҳиятига турлича ёндашишга

сабаб бўлади. «Экологлар»нинг эса фан ёки таълимга берган ёрдамларидан кўра зарарлари кўпроқ бўлишга олиб келиши мумкин.

Анъанага кўра, *экология* – *тирик организмлар ўзаро ва уларни яшаш муҳити ўртасидаги муносабат ҳақидаги фан* деб юритилади. Бу маъно унинг грекча атамасидан келиб чиққан тарзда ифода этилган. Чунки, грекчада «oikos» – уй, яшаш жойи, яшаш макони, «logos» – таълимот (фан эмас) деган маънони англатади. Ушбу атамани биринчи бўлиб фанга немис табиатшунос биолог олими Эрнст Геккель 1866 йилда чоп этилган ўзининг «Организмларнинг умумий морфологияси» деган китоби орқали олиб кирди (1.2.1-расм). Унинг таърифига кўра, «Экология – табиатни иқтисодий жиҳатдан тадқиқ қилиш орқали ҳамма тирик организмларнинг органик ва ноорганик муҳит унсурлари билан бирга, унинг таъсир доирасида турган антогонистик ва ноантогонистик алоқадорликда бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўртасидаги муносабатларни очиб бериши»дир.



1.2.1-расм. Эрнст Геккель ва унинг «Организмларнинг умумий морфологияси» китобининг муқоваси

Э.Геккель буюк инглиз олими Чарльз Дарвиннинг организмларнинг эволюцион ривожланиши тўғрисидаги таълимотини ривожлантириб, ҳар қандай тирик организм атроф табиий муҳитга мослашиб, ўзининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини

ўзгартириб бориши, мослашмагани эса табиий танлаш асосида қирилиб кетишини асослаб берди.<sup>1</sup>

Нима учун «Экология» фани айнан Европада, XIX асрнинг иккинчи ярамида ва биологлар томонидан кашф этилди, деган ўринли саволлар туғилади. Чунки:

- XIX аср ўрталарида айнан Марказий Европада «илмий-техникавий инқилоб» юзага келди ва жамиятнинг табиатга нисбатан таъсири Германиянинг Силезия ва Рур саноати ривожланган иқтисодий зонасида кескин намоён бўлди.

- Инқирозли табиат зонасида тирик мавжудотлар яшаш муҳитининг ёмонлашуви ўз навбатида организмларнинг тури, популяцияси ва жамоасини сон ва сифат жиҳатдан кескин ўзгаришига олиб кела бошлади. Тадқиқотлар натижасида бу жумбоқнинг ечимини топган биологлар илк бор «Экология», яъни тирик мавжудотларнинг яшаш макони ҳақидаги таълимотни алоҳида таълимот (фан тармоғи эмас) сифатида эътироф этиш таклифини бердилар.



**Факт.** XIX асрнинг иккинчи ярамида Марказий Европадаги ижтимоий ҳолатни ёзмоқ учун Рейн дарёси бўйига келган француз журналистининг сиёҳи тугаганда, у ифлосланган дарё сувидан сиёҳдон сифатида фойдаланади. Тавсия сифатида у шундай деб ўз мақоласида ёзган эди,– «Агарда, Рейн дарёсининг манзарасини расмда акс эттирмоқчи бўлган рассом учун турли рангдаги бўёқларни ўзи билан кўтариб юриши шарт эмас, унинг барчаси дарё сувида мужассам».

Р.Дажо

Основы экологии, 1975

Мазкур ҳолат айнан Европада илк бор экологик дунёқарашларни шакллантиришга олиб келди. Экология ушбу даврда биологик фанлар тизимига кирган эди. Замонлар ўтиб, XX асрнинг 70-йилларига келиб, 1972 йил 5 июнь куни очилган «Атроф-муҳит» Стокгольм халқаро конференциясидан сўнг, *экология нафақат таълимот, балки мустақил фан соҳаси, таълим йўналиши ва амалиёт тармоғига*

<sup>1</sup> Яблоков А.В., Юсуфов А.Г. Эволюционное учение (дарвинизм).– М.: «Высшая школа», 1997.

айлана бошлади. Ҳозирги кунда биз билган юздан зиёд экологик фанлар мавжуд бўлиб, улар деярли барча фан тармоқларини қамраб олган<sup>1</sup>.

Э.Геккелдан сўнг экология атамасининг таърифига кўплаб ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилмоқда. Лекин, ҳанузгача, унинг бирламчи мазмуни ва моҳияти умумий тарзда сақланиб қолинди. Турли қарашлар ва адабиётлардаги турлича ғоя ва фикрларни умумлаштирган ҳолда биз «Экология»ни кенгайтирилган ва қисқартирилган тушунчасини умумлаштиришга ҳаракат қилдик.



*Экология кенгайтирилган тарзда – муайян экотизимларда (тирик мавжудотларнинг яшаш маконида) организмлар ўзаро ва уларнинг атроф табиий муҳити ўртасидаги муносабатларнинг турли (сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, табиий каби) жиҳатларини тадқиқ қилувчи фан соҳаси, унга оид билим, кўникма ва малакаларни берувчи таълим ҳамда ахлоқ–одоб қоидаларини оммалаштирувчи тарбия йўналиши, ушбу муносабатларни оптималлаштирувчи амалиёт тармоғи.*

Йирик эколог олим Н.Ф. Реймерснинг фикрига тўлиқ қўшилиб, Экологияни умумлаштирилган тарзда – кишилиқ жамиятини Ер планетасида яшаб кетиши ҳақидаги таълимот, деб таъриф бера оламиз.



*Экология қисқартирилган тарзда – тирик мавжудотларнинг яшаш макони ҳақидаги таълимот.*

*Экологиянинг мақсади – ҳозирги ва келажак авлодларнинг барқарор ривожланишини таъминловчи экотизимлар хавфсизлигига эришиш учун экологик фан, таълим, тарбия ва амалиёт бирлигини таъминлаш. «Экологик фан → таълим → амалиёт» ягона тизимда турар экан, ҳанузгача қуйидаги масалалар ўз ечмини топмаган (1.2.2-жадвал).*

Ваҳоланки, экологик хавфсизлик миллий хавфсизликнинг ажралмас бир қисми бўлиб, бошқа хавфсизлик омилларидан ўзининг

<sup>1</sup> Нигматов А. Экология нима?.–Т.: «Faylasuflar нашриёти», 2014

яширин тарзда кечиши, секин-асталик билан кишилик жамиятидан «аламини олиши» билан фарқланади. Шунинг учун ҳам замон талабларига мос равишда миллий миқёсда экологик сиёсатни кўриб чиқиш ўта долзарб масаладир. Чунки, ҳозирга келиб мамлакатимизда экологик вазият ва атроф-муҳит ҳолати қониқарли даражада деб бўлмайди.

1.2.2-жадвал

*Экологиянинг ечимини кутаётган масалалари*

1	→	Экологиянинг умумэтироф этилган илмий-назарий асослари ишлаб чиқилмаган.
2	→	Глобал миқёсда унинг тарихи, ҳозирги ҳолати ва келажак истиқболларини турли экотизимлар доирасида узвий боғланган ҳолда баҳоланмаган.
3	→	Глобал миқёсда экологик концепция ва ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилмаган.
4	→	Миллий миқёсда экология ва атроф-муҳит муҳофазасига доир кадрлар тайёрлаш тизими замон талаблари даражасида йўлга қўйилмаган.
5	→	Регионал миқёсда экологик қонунчилик базаси ҳар томонлама таҳлил қилинмаган ва уни амалиёт билан боғлаш механизми шаклланмаган.
6	→	Экологик таълимни барқарор ривожланиш қоидаларига мос равишда қайта кўриб чиқилмаган.
7	→	Миллий экологик таълим ва тарбиянинг мажбурийлик принципи амалда қўлланилмаган.

Шунинг учун ҳам кейинги 3 йил давомида экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида олиб борилаётган сайил ҳаракатлар экологик таълим–тарбияни республикаимизда мактабгача таълимдан бошлаш зарурлигини уқтирмақда. Бу жуда маъқул ҳаракат, лекин донишмандлар айтмоқчи, балки одамни инсон тариқасида шакллантиришни бешикдан, яъни «ЭКОЛОГИК АЛЛА»дан бошлаган ундан ҳам маъқулдир. XXI асрда мисли кўрилмаган тарзда



содир бўлаётган «COVID-19» пандемия коронавирус каби экологик офатлар (айнан экологик, зеро у атроф табиий муҳит ҳолатидан келиб чиққан тарзда глобал миқёсда намоён бўлмоқда) бизни табиатга нисбатан иқтисодий муносабат шаклимизга қаратилган «она табиат жавобидир».

Ўзбек миллати, айниқса, айёлларимиз болажонлиги билан бошқа халқлардан фарқ қилади. Ўзи емаган ноз-неъматларни боласига тортиқ қилади, ўзи минмаган автоуловни боласига раво кўради, ўзи кўрмаган олис юртларни боласига кўрсаткиси келади, ўзи роҳат қилиб дам олмаган гўзал табиат қўйнида боласини дам олишига борини сочади. Чунки «соғлом атроф табиий муҳит – саломатлик гарови» эмасми. Болаларимиз биздан-да соғ, ақли, бой ва бахтли бўлсин дея дуо қиламиз. Миллий миқёсда кишилиқ жамиятининг табиатга нисбатан муносабат шакли келгусида қандай бўлишини қуйида ёритиладиган давлатимизнинг экологик сиёсатидан билиб олишингиз мумкин.



Ўзбекистонда 2018 йил республика бўйича атмосфера ҳавосига чиқарилган жами ифлослантирувчи моддалар миқдори 2,492 млн тоннани ташкил этган, шундан қарийб 63 фоизи кўчма манбалар ҳиссасига тўғри келган. Ҳайвонот дунёсининг 15,7 минг туридан 184 таси, ўсимлик дунёси 11 минг туридан 327 таси «ЎЗР Қизил китоби»га киритилган. 2017 йилда 114,7 млн т ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари, шу жумладан қайта ишлаш мумкин бўлмаган захарли чиқиндилар – 41,6 млн т (36,2 %) ва қайта ишлаш мумкин бўлган захарли чиқиндилар — 42,8 млн т (37,3 %) ҳосил бўлган. Лекин, чиқиндилар кўмиладиган ва утилизация қилинадиган 296 та жой, шу жумладан қаттиқ маиший чиқиндилар учун (221), саноат чиқиндилари (16), қурилиш чиқиндилари (4), шлам жамланадиган (21), чиқинди омборлари (15), махсус полигонлар (19), шунингдек, хавфли чиқиндилар утилизация қилинадиган 23 та жой замон талаблари даражасида эмаслиги аниқланган. 10 млн гектар яйловлар тубдан яхшиланишга муҳтож. Республикада кўчадиган қумлар қарийб 1 млн га майдонни эгаллайди ва ушбу ерларнинг 200 минг гектари сўнгги вақтда суғориладиган майдонлар атрофида пайдо бўлган. Бу эса, чўллашиш жараёнининг жадаллашувида намоён бўлувчи жиддий таҳдидни вужудга келтирмоқда. Ерлар деградацияси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жалб қилинган суғориладиган ҳудудларда ҳам рўй бермоқда. 1990 йилдан буён, 692,6 минг га ер тупроқнинг ифлосланиши, антропоген босимнинг кучайиши каби сабабларга кўра натижасида фойдаланишдан чиқарилган. Сув олиш лимитидан фойдаланиш таҳлили шуни кўрсатадики,

Ўзбекистон ўрта ҳисобда 85 фоиз, 2008, 2011, 2018 йиллардаги каби сув камчил йилларда эса 70 — 75 фоизга яқин сув олади. Автотранспорт воситаларининг атмосфера ҳавосига чиқараётган ифлослантирувчи моддалари ҳажми ошиб боришига транспорт воситаларининг экологик даражаси, фойдаланилаётган ёқилғи ва йўл ҳаракатини ташкил этиш сифатига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

*2030 йилгача бўлган даврда ЎзРнинг  
Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси*



### **1.3. Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати**

Мустақиллик туфайли ЎзРда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги ўзига хос ривожланиш йўли ЎзССРнинг марксизм-ленинизм ғоясига таянган, социалистик, режали, идеологиялашган ички сиёсатидан тубдан фарқ қилди. Эндиликда Ватанимиз собиқ Иттифоқнинг меҳнат тақсимоотидаги «ресурс ўлка» сифатида фойдаланиш тамойилини инкор этиб, уни маҳаллий аҳолининг «яшаш макони» сифатида қарашга ундади. Табиий, ижтимоий-табиий ва табиий-ижтимоий воқеа, жараён ва ҳодисаларни илмий билишда экосферада кечаётган табиий, атропоген-табиий, антропоген-табиий жараёнларни инсон фаолиятисиз ҳамда унинг натижасида ўзгаришини таққослашни тадқиқ қилишга олиб келди.

Миллий мустақиллик ғояси режалаштирилган иқтисодёт, барча кишиларни бир хилда ижтимоий таъминлашга эришиш утопияси, табиий ресурс ҳисобига яратилган рақобатга йўналтирилган ноэкологик муносабат, ягона миллат ғоясини акс эттирувчи маънавий-маърифий тарғибот методологиясидан воз кечишга ундади. Аммо, собиқ Иттифоқ парчаланиб, мустақил давлатлар пайдо бўлганидан сўнг экологик таълим қандай методологик асос ёки концепция билан қуролланган эди, деган ўринли савол туғилади. Ҳар бири ўз ривожланиш йўлига кирган мустақил давлатларда, хусусан Ўзбекистонда ҳам, кўпгина фанларда бўлгани каби экологик таълим-тарбияда «методологик вакуум» юзага келди. Чунки, Иттифоқ тайзиқидан қутулган Ўзбекистон олимлари назарий ва фанларнинг

методологик масалаларига оид чуқур изланишлар олиб боришди, деб айтолмаймиз. ЎзРнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўз вақтида бу борада шундай фикр билдирган эди,- «Сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам вакуум – бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Яъни, агар ўз ғоянг бўлмаса, сенинг юртингда четдан ғоя келиб ҳукмронлик қилади. Шу маънода мустақил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз, халқимиз, миллатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз холисона ёзмасак, уни бошқалар бошқача қилиб ёзади. Ёзиш билан чекланса майлику-я, бизни, ўсиб келаётган авлодни, ҳатто олимларимизни ҳам ўз йўриғига солишга ҳаракат қилади»<sup>1</sup>. Шундан келиб чиққан тарзда экологик таълим–тарбиянинг мавжуд методологик асосларини замон талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш зарур.




«Маърифат» газетасининг 2008 йил 31 май 43-сонида Беҳзод Мамадиевнинг «Ҳиндистон ёшлари: кеча ва бугун ёхуд авлодлар ўртасидаги зиддият» мақоласида 1,2 млрд. нафардан ортиқ аҳолиси бўлган, ўзбек ёшлари XX асрнинг 50-80 йилларида орзу қиладиган «эртаклар юрти»да турли ёшдаги кишилар ўртасидаги маънавий «девор» юзага келганлиги ҳақида бизларга жуда ибратли мисоллар келтирилган. Кейинги 10-12 йил давомида иктисодиётни эркинлаштириш сиёсати орқали жадал суратда кириб келган моддий бойлик ўзи билан ғарб маданиятини ҳам олиб келди. Беш йил аввал Ҳиндистон кўчаларида сигарета чакаётган аёлни умуман топиб бўлмаса, ҳозирда уларнинг гуруҳлари ҳар қадамда учрамоқда. Натижада, мамлакатда ғарбона яшашни хоҳлайдиган (АҚШ аҳолисидан ҳам кўпроқ) ёшлар ва қадимий анъаналарга содиқ қолаган ёши катталар қатлами юзага келди. Талабалар орасида ўтказилган социологик сўровномаларда уларнинг 80 фоизидан ортиғи келгусида чет элда ишлашни давом эттириш ва ғарбда яшашни маъқул деб билишган. Миллий анъаналарга содиқлик эскилик сарқити эканлигини айтишган. Бу эса гўзал ва қадимий Ҳиндистон учун катта хавфдир. Шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг «Таълим тўғрисидаги сиёсат лойиҳасида» миллий кадриятлар оёқ остида қолиб кетаётгани ҳақида алоҳида таъкидланиб ўтилган.

<sup>1</sup> Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат / "Мулоқот" журналы 5-сон. 1998 й.

Инсон маданияти узлуксиз ва узвий боғланган таълим–тарбия бирлигидан иборатлигини Ғарб мамлакатларида кенг касса прокатларидан жой олган кинофильмларни эслаб ўтиш жоиз. «Рембо», «Терминатор» каби кинофильмларда террористларнинг аксарияти жуда чуқур билимли ва ўткир истъдод эгаси ҳисобланади. Улар ўқув юртларида олган назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларини инсон фаровонлиги учун эмас, балки кишиларни ваҳимага тушириб, илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиб, ўзларининг ювуз мақсадларига эришмоқни хоҳлайдилар. Бундай ёвуз фазилатга эга бўлган шахсаларда таълим (маърифат) борку, лекин тарбия (маънавият) йўқ. Шунинг учун ҳам эл-юрт тинчилиги, жамият ва давлат ривожини, барқарор ривожланиш қоидаларини ҳаётда акс эттириш бевосита ҳамма йўналишда фаолият олиб бораётган педагоглар учун ўта маъсулиятли мураббийлик бурчидир.

Афсуски, бу борада Ҳиндистон жаҳон тажрибасидан фойдалангани йўқ. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан мағлубият билан чиққан Япониянинг 1947 йилдаги «Таълим тўғрисида асосий қонун»ида миллий ўзликни ва маънавий мезонларни сақлаган ҳолда ўқув жараёнига Ғарбнинг илғор тажрибаларини татбиқ этиш мақсади қўйилган эди. Ҳозирда иқтисодий салоҳият нуқтаи назаридан АҚШ ва Хитойдан сўнг учинчи ўринда бораётган мазкур мамлакатда тарбия (маънавият) масалалари мутахассислар тайёрлашда энг бирламчи омил сифатида қаралиб келинаётир. Бу ўринда Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган фалсафий фикрларини эслаб ўтиш жоиз. Буюк маърифатпарвар муаллим бобомизнинг умуминсоний қадриятларга бағишланган ибратли сўзлари ҳозирда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Бу аксиома схемаси айниқса 7 ёшгача бўлган болалар учун ўта муҳим аҳамият касб этади (1.3.1-расм). Зеро тарбия орқали болажонларнинг маънавияти, таълим орқали эса маърифати шакллантирилади. Охир-оқибатда биз юксак маданиятли инсонни жамият учун тайёрлашимизда хизмат қилади, деб хулосалаш давлатимизнинг экологик сиёсатига ҳам жуда мос тушади.



1.3.1-расм. *Юксак маданиятли шахсни шакллантириш схемаси*

Юксак маданиятли инсонгина жамиятда фаровон ҳаёт сари интилади ва халқ учун хизмат қилади. Киши маънавиятли бўлса-ю, маърифатли бўлмаса – у замонамиздан орқада қолади. Маърифатли бўлса-ю, маънавиятли бўлмаса – олган билимини ёмонликка ишлатади. Инсон, жумладан болажон ҳам билимли ҳам тарбияли бўлсагина эл-юрт учун фойдаси тегадиган «инсон» бўлиб етишади. Лекин, фанда айниқса, педагогикада «таълим» ва «тарбия» тушунчалари алоҳида категория ёинки фаолият тури сифатида юритилади.

Яқин-яқинларгача Ўзбекистонда таълим – кишиларга илм бериш ёки тегишли билим, кўникма ва малака билан уни қуроллантириш сифатида қараб келинган. Айнан кишиларга, яъни кўпчиликка қаратилган жараён сифатида ишлатилиб келинган. Зеро таълим Давлатшунослик ва Жамиятшунослик фанларида ижтимоий категория сифатида қаралади ва шунинг учун ҳам унда одам, шахс, фуқаро, индивид каби сўзлар ишлатилмайди. Замонавий компетенциявий ёндошувга асосланган таълим эса кишиларга эмас, айнан индивидга қаратилмоқда. Собиқ Иттифоқ даврида мен сўзидан кўрқиб ишлатилган «биз» ўрнига эндиликда «мен» сўзи ишлатилмоқда. Зеро таълим ва тарбияда жисмоний шахсга индивидуал ёндашиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар бир шахсинг ёки индивиднинг компетентлиги турлича, бири иккинчисидан фарқ қилади. Компетенциявий ёндошувга асосланган таълим ва тарбия орқали биз ўз касбини устаси бўлган юксак маданиятли шахсни тайёрлаш имкониятига эга бўламиз. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон тарихида илк бор 2019 йил 16 декабрда қабул

қилинган ЎзР қонуни «*Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида*» деб номланиши бежиз эмас, албатта.

Халқаро миқёсда 2015 йил 24 сентябрда БМТ томонидан умумэтироф этилган «Барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадлар»<sup>1</sup>га кўра инсоният ҳам ривожланишдан тўхтамаслик, яшаш маконимиз бўлган табиат ҳам ўз эволюцион қоидаларидан инқирозга томон юз тутмаслиги учун бизлар «табиат–жамият уйғунлиги»да яшашимизга тўғри келади. Буни ЎзР Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йилнинг 6 мартда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятига бағишланган йиғилишда алоҳида таъкидлаб ўтди ва мазкур давлат бошқарув тизимида кадрлар тайёрлаш муаммоси жиддий масала эканлигини эълон қилди<sup>2</sup>. Чунки, Ўзбекистонда экологик муаммоларнинг ечимини топиш учун қуйидаги долзарб масалаларга кадрларнинг эътиборини қаратиш зарур (1.3.1-расм).

	<b>Чиқиндилар</b>	<b>Иқлим ўзгариши</b>	
<b>Биологик хилма-хилликнинг йўқолиб бориши</b>			<b>Биологик, кимёвий ва физик ифлосланиш</b>
	<b>Демографик вазият</b>	<b>Ноэкологик таълим ва тарбия</b>	

1.3.1-расм. *Ўзбекистонда атроф табиий муҳит ҳолатига кескин таъсир этувчи омиллар*

<sup>1</sup> [www.undp.org](http://www.undp.org) > content > undp > home > sustainable-developm Goals | UNDP

<sup>2</sup> <https://nuz.uz/uzbekiston>.

Кадрлар тайёрлашда атроф табиий муҳитга таъсир этувчи омилларнинг бирламчи кўрсаткичларини аниқлаш, уни замонавий технологиялар асосида баҳолаш, масофадан туриб назорат қилиш ва мониторингини жадал суратларда олиб бориш ҳамда тегишли илмий асосланган чора-тадбирларни кечикмай амалиётга жорий қилиш талаб этилади.

ЎзРнинг ички сиёсати, миллий қадриятлари, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва экологик вазиятга қараб ўзбек халқининг яшаш макони сифатида тадқиқот методларини танлаш ва уларни иерархик поғонада тизимлаштириш замон талабидир. 2017-2021 йилларда ЎзРни ривожлантиришнинг бешта утувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш мақсадида 2019 йил 30 октябрда ЎзР Президентининг «**2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида**» ПФ–5863-сонли фармони қабул қилинди. Ўзбекистоннинг ушбу стратегик ғоялар тизими – концепциясида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этиш, республика аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар кун тартибида белгиланиб олинди (1.3.2-жадвал)

Республикада экологик муаммолар ечимини топишга хизмат қиладиган таълим тизимини жорий қилиш билан ҳисса қўшиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик саводхонлигини ошириш, экологик онги ҳамда маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, экологик таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида ЎзР

---

<sup>1</sup> ЎзР Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги 434-сонли «ЎзРда экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 2-банд 2-хатбошида белгиланган «таълим

1.3.2-жадвал

*2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги вазифалар*

<p>Қўриқланадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш</p>		<p>Заҳарли кимёвий ва радиоактив моддалардан экологик хавфсиз фойдаланишни таъминлаш</p>	
<p>Экологик кам хавф туғдирувчи материал ва маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш</p>		<p>Чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг экологик хавфсиз тизимини такомиллаштириш</p>	
<p>Атроф-муҳит объектларини (атмосфера хавоси, сув, ер, тупроқ, ер қаъри, биохилма-хиллик, қўриқланадиган табиий ҳудудлар) антропоген таъсир ҳамда бошқа салбий таъсир қилувчи омиллардан сақлаш ва сифатини таъминлаш</p>		<p>Аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг шаффофлик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш бўйича тегишли давлат идоралари учун йўл харитаси, дастур ва режаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган муддатларда уларни амалиётга жорий қилиш</p>	



дастурларини мавжуд экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш вазифаларидан келиб чиқиб такомиллаштириш» устувор йўналишлар сифатида белгиланган. Концепциянинг 8-боби «Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш босқичларида экологик таълим тизимини такомиллаштириш»да белгиланган норматив-ҳуқуқий талаблардан келиб чиққан тарзда МТМРМҚТМОИдаги кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг ўқув жараёнига «Замонавий экологик муаммолар» мавзусидаги ўқув модул киритилди.



*Экологик таълим концепцияси – экологик таълим-тарбия муаммоларини аниқлаш ва уларнинг ечимини топишга доир ҳолат тизими.*

МТМРМҚТМОИ профессор-ўқитувчиларининг ташаббуси билан ундаги кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг ўқув жараёнига 2018 йилнинг сентябрь ойидан «Экологик таълим ва тарбия» ўқув модули танлов фан сифатида ўқув режага киритилди. ЎзР Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 6 августдаги 7/1 ва 6-сонли қўшма қарорига биноан 2020 йилнинг январь ойидан эса «Экологиянинг долзарб муаммолари ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқув модули деярли барча тоифаларга татбиқ этилди. Экологик таълим концепциясига мувофиқ равишда МТТда бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш керак бўлади.

Мактабгача таълимда «Экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш»га доир янги қарорларнинг асосий мақсади амалдаги «Илк қадам» давлат ўқув дастурига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш орқали тарбияланувчиларни (болажонларни, зеро мактабгача тарбия ташкилоти эмас балки таълим муассаси) МТТда табиат билан таништириш билан чекланиб қолмасдан, балки уларни **экологик маданиятли** қилишнинг илк қадамларини сингдиришдир.

МТТда экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш болажонларни табиат билан таништириш давомида уларни ўраб турган *маҳаллий шароитдаги атроф табиий муҳити* –

экологизмларни (яшаш жойи, макони, уйини) муҳофаза қилиш, ундаги табиий ресурслардан оқилона фойдланиш ва уларнинг бузилганларини қайта тиклашда керак бўладиган билим ва кўникмаларга эга қилиш вазифаси юклатилади.



### Қайтариш учун саволлар

1. Мактабгача таълим бошқа турдаги таълимдан нимаси билан фарқ қилади?
2. «Одам» ёки «инсон» атамаларини қандай ҳолатларда қўллаш тавсия этилади?
3. Экологик таълим қандай сабабларга кўра юзага келди?
4. Экология қайси бир фан соҳасига киради ёки ... ?
5. Ўзбекистоннинг янги экологик сиёсати нималарда ўз аксини топган?
6. Экологик концепцияга қандай таъриф бера оласиз?



### Тест топшириқлари

1. Экология – экологизмларда организмлар ўзаро ва уларни атроф табиий муҳити ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилувчи ... .
  - А) иқтисодиёт тармоғи
  - Б) таълим йўналиши
  - В) тарбия воситаси
  - Г) фан соҳаси
2. Одамларнинг онгидан ташқарида ва меҳнат фаолияти маҳсулоти бўлмаган нарсалар ... деб аталади.
  - А) жамият
  - Б) ҳамжамият
  - В) табиат
  - Г) таълим.
3. Экологик концепция қайси жавобда тўғри баён этилаган?
  - А) экологик ғоялар тизими
  - Б) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақидаги ғоялар тизими
  - В) табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ғоялар тизими
  - Г) атроф оламни муҳофаза қилишга доир ғоялар тизими.



## 2-боб. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ



### 2.1. Экологик фан, таълим ва тарбия: тушунчаси, мазмуну, моҳияти

*Экология фани* экологик таълим ва тарбиянинг фундаментал илмий-назарий асоси бўлиб хизмат қилади. У фан сифатида организмларнинг яшаш муҳити ҳақидаги қонун ва қонуниятларини тадқиқ қилса, ундан олинган илмни кадрлар тайёрлаш тизимига айнан экологик таълим ва тарбияни жорий қилади. Тегишли таълим ва тарбия орқали тайёрланган кадрлар эса амалиётда жамият билан табиат муносабатларини оптималлаштириш йўлидаги чоратадбирларни кундалик ҳаётимизга татбиқ этади.

Барча фан ва ўқув курсларига қўйиладиган асосий талаблардан бири қандай тадқиқот методологиясига эга эканлиги. Зеро таълим назариясининг бош масаласи унинг методологиясидадир. Шунинг учун бўлса керак файласуф ва педагогларнинг мунозара марказида айнан мазкур масала кўндаланг бўлиб туради. Афсуски, ҳамма фанларда бу ҳақда ягона бир фикр мавжуд эмас.

Методология юнонча «metodos» – «билиш» ёки «тадқиқ қилиш» «logos» – «таълимот» деган сўзлар йиғиндисидан олинган. Умумлашган тарзда фанда *методологияни* – *илмий билиш методларига оид таълимотлар йиғиндисидан, тўғривоғи бу ерда ҳам тизими*, дейиш мумкин. Чунки, методологиянинг қуйида санаб ўтиладиган қисмлари, яъни тадқиқот методлари айнан муайян бир кетма-кетликда ва иерархияда тизимлаштирилади.



*Тизим* – муайян бир мақсадда нарса, ҳолат, жараён, ҳодисаларни қисмларга ажратиш ва уларни иерархик поғонага, яъни қатъий вертикал кетма-кетликда жойлаштириш.

Методология метод эмас ва ундан фарқли равишда реал шароит ва замонга қараб, ё эволюцион ёинки ноэволюцион тарзда ўзгариши мумкин. Метод эса ўзгармайди, янгилари яратилади ва улар эскиларининг ўрнига илмий билишда қўлланилади холос. Методларни тизимлаш эса муайян ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, экологик, маънавий-маърифий реал шароитдан келиб чиққан тарзда амалга оширилади. Масалан, собиқ Иттифоқ даврида деярли барча фанлар, жумладан экологик фанлар таълим методологияси марксизм-ленинизмнинг утопик коммунизм қуриш ғоясига асосланган сиёсий тизимга мослаштирилган эди<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, экологик муносабатлар айнан табиат ва жамият муносабатларига қаратилгандир. Мазкур муносабатлар реал шароитдан келиб чиққан тарзда турли шаклларда намоён бўлар экан. Шунинг учун ҳам экологик фанлар методологияси «табиат» тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтишимизга тўғри келади. Фалсафада *табиат* деб *объектив борлиқни, яъни бизнинг онгимизга, ҳатти-ҳаракатимизга боғлиқ бўлмаган моддий дунёнинг хилма хил шакллари ва турларига* айтилади.

Доимо ҳам инсон онги ва тафаккури унга илмий билиш объекти сифатида қарай олмайди. Лекин, одамлар ўзларининг кундалик ҳаётий фаолиятларида табиатдан бевосита ёки билвосита тарзда фойдаланадилар. Фойдаланиш ортган сари янги-янги фан ва улардан келиб чиқадиган ўқув курс қирралари юзага келаверади.

Адабиётларда Табиатшунослик – табиатни илмий билишга қаратилган фанлар тизими<sup>2</sup>, деб юритилган. Аммо у фанлар тизими эмас, чунки Табиатшуносликка оид тизимлашган фанлар ажратилмайди. Шунинг учун ҳам «Табиатшунослик» мустақил фан тариқасида эмас, балки ўқув курси сифатида таълим жараёнида иштирок этади. Табиатни илмий билишга тааллуқли фанлар эса табиий ёки табиийёт фанлар гуруҳига ажратилади<sup>3</sup>. Экология эса

---

<sup>1</sup> Человек, общество и окружающая среда // Географические аспекты использования естественных ресурсов и сохранения окружающей среды.- М.: «Мысль», 1973.- С.10-11.

<sup>2</sup> Нигматов А. Экология нима? –Т.: «ТДЮИ нашриёти», 2002. 4-б.

<sup>3</sup> Фанлар.О.Файзуллаев.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 9-ж. 182-б

мустақил фанлар тизимига киради. Шунинг учун ҳам **«Табиат билан таништириш»** ҳамда **«Экологик таълим ва тарбия»** мазмунан ва моҳиятан бир-биридан фарқ қилади.



**Табиатунослик** – табиатда учрайдиган, содир бўлган, кечаётган ва кечиши мумкин бўлган нарса, ҳолат, жараён ва ҳодисаларни мустақил ҳамда уларни кишилар ҳаёти билан боғлиқ қонун ва қонуниятларини илмий билишга қаратилган ўқув курси ёки модули.

Фанларни ўқув машғулотлари нуқтаи назардан гуруҳлаштиришда «Экология» табиий фанлар қаторига киритилади. Савол туғилади «Ижтимоий экология», «Экология ҳуқуқи», «Инсон экологияси» каби фанларчи? Улар ҳам табиий фанлар тизимида туради-ми? Ижтимоий-гуманитар фанлардан фарқли, ижтимоий–гуманитар экологик фанлар («Шаҳар экологияси», «Амалий экология», «Инсон экологияси», «Демоэкология», «Агроэкология», «Соцгуруҳлар экологияси» кабилар) – табиат ва кишилик жамияти ўртасидаги муносабатларни ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар орқали (призмасида) талқин қилади. Агарда ижтимоий ва гуманитар экологик фан атроф табиий муҳитдаги ҳолат, жараён ва ҳодисаларни «асосий мезон» тариқасида инобатга олмас экан, уларнинг тадқиқотлари «соф ижтимоий фанлар» гуруҳига қўшилиб кетади, яъни экологик фанлар тизимини тарк этади. Ушбу масалани назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш «Экология назарияси» фанининг замонавий долзарб муаммоларидан биридир.

Экологиянинг назарий асослари унинг ривожланиш ва шаклланиш тарихи билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги кунда яна бир бора **«Экология назарияси ва тарихи»** ўқув курси ёки модулини экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш касбий йўналишдаги барча таълим ва тарбияга мустақил предмет сифатида ўқув жараёнига татбиқ этиш зарурлигини исбот қилинмоқда. Нима бўлганда ҳам, экологик фанларнинг *тадқиқот предметида* – экотизимлар доирасида кечган, кечаётган ва кечиши мумкин бўлган табиий, ижтимоий, ижтимоий-табиий ва табиий-ижтимоий ҳодиса, жараён ва

ҳолатларнинг турли жиҳатларини (табiiй, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий...) акс этмоғи лозим. Ана шундагина тадқиқотлар экологик характерга эга бўлади.

Фалсафий таълимот нуқтаи назаридан олганда **экологик таълим методологияси** – *реал ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, экологик вазиятда экотизимларда кечаётган табiiй, ижтимоий-табiiй ва табiiй-ижтимоий ҳолат, жараён ва ҳодисалар ҳақида билим, кўникма ва малака беришга қаратилган методларни танлаш ва тизимлаштириш*. Методологиянинг кенгрок фалсафий маъносига кўпроқ ёндошиш орқали Ўзбекистонда мактабгача экологик таълим методологиясида қуйидаги талабларни бажариш лозим:

✎ *экологик таълимга оид тадқиқотларни муайян экотизимлар (болажонларнинг яшаш макони) доирасида олиб бориш;*

✎ *методларни танлаш ва уларни тизимлаштиришда амалдаги ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик, маънавий-маърифий ва технологик шароитлардан келиб чиқиш;*

✎ *республиканинг табiiй ва маъмурий ҳудудий фарқланиш хусусиятларини инобатга олиш;*

✎ *табiiй, ижтимоий-табiiй ва табiiй-ижтимоий ҳолат, воқеа, жараён ва ҳодисаларни тадқиқ қилиш;*

✎ *экологик таълим ва тарбиянинг ўзига хос тадқиқот методларини ишлаб чиқиш;*

✎ *илмий билиш методларини реал шароитдан келиб чиққан ҳолда тизимлаштириш.*

Экологик таълим методологиясида ижтимоий шароитни инобатга олишда тадқиқотларни ижтимоийлашувига, яъни инсон томонидан жамиятда яшаш имконини берувчи билимлар, нормалар ва қадриятлар тизимининг ўзлаштирилишини инобатга олиш керак<sup>1</sup>. Бу Фалсафанинг илмий билишдаги, Социологиянинг ижтимоий уюшмаларнинг ривожланишдаги (масалан, халқлар ва мамлакатлар тараққиёти уларнинг экологик вазиятга қараб жойлашувига бевосита

<sup>1</sup> Методология. Фалсафа. Қомусий луғат. –Т.: «Шарқ», 2004. 147-б.

боғлиқлиги<sup>1</sup>), Психологиянинг инсонларнинг руҳий ҳолатидаги, Тарихнинг даврий ўзгаришдаги, Этнографиянинг маҳаллий халқнинг турмушидаги қонун ва қонуниятларини инобатга олиш зарурлигини кўрсатади. Акс ҳолда, экологик таълим ва тарбия



Чўл зонасидаги воҳаларда жойлашагн МТТда болажонларга экологик таълим ва тарбия беришда қуйидаги методологик ёндошувга асосланиш керак: воҳа экотизимларининг реал экологик, иқтисодий, технологик, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий вазиятидан келиб чиққан тарзда педагогик методларни танлаш; танланган методларни амалий нуқтаи назардан тизимлаштириш; экологик таълим–тарбияга тавсия этилаётган болажонларнинг экологик онги ва маданиятини инобатга олиш; ҳудуднинг тарихий-экологик анъанавий усуллариغا эътиборни қаратиш; болажонларнинг экологик руҳий ҳолатини баҳолаш.

тадқиқотлари ижобий натижаларни ва айниқса, амалий самарасини бермаслиги мумкин. Масалан, амалдаги ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик, маънавий-маърифий шароитлардан ҳаттоки, технологик имкониятлардан келиб чиқиш. Ҳар бир тадқиқотчи ёки педагог экологик фанлардан илмий изланишлар ёки унга оид таълим жараёнини олиб бораётганида давлат, жамият ва шахс талабидан келиб чиқишни тақазо этади. Бу экологик фан ва таълимни муайян экотизимлар доирасида баҳолаш даражасида тадқиқотлар ўтказиш демакдир. Бу ўринда мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос равишда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг миллий моделидаги беш тамойил – иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги; давлатнинг бош ислоҳотчи ва демократик ўзгаришларнинг ташаббускори эканлиги; қонун устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсат устуворлиги; бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш устуворлигини санаб ўтиш кифоядир.

Юқорида келтирилган талабларни илмий билиш учун зарур ҳисобланган педагогик методларни танлаш ва уларни тизимлаштириш лозим. Зеро педагогик тадқиқот методлари ўз-ўзидан танланмайди. Аввалам бор унда экологик фан, таълим ва тарбия

<sup>1</sup> Социология. Фалсафа. Қомусий луғат. –Т.: «Шарқ», 2004. 374-б.

методлари ҳуқуқий асос, сиёсий ҳолат, иқтисодий имконият, ижтимоий шароит, маънавий-маърифий даража ва экологик вазиятни инобатга олиш керак.

Экологик фан, таълим ва тарбия методларини танлашда тизимли ёндашувни<sup>1</sup> қўллашимиз мақсадга мувофиқ. Чунки, тизимли ёндашув илмий билиш жараёни гипотеза, концепция, режадан бошланиб, унинг назарий асосини ишлаб чиқиш ёки аниқлаштириш ҳамда амалий татбиқига эришиш методларини муайян иерархия (қисмлар зинопосясида) олиб боришни талаб этади. Экологик фан, таълим ва тарбия тадқиқотлардаги мазкур методологик талабни аниқлаш, таълим методларини танлаш ва аналитик-таҳлил методларни қўллашга ундайди.

Экологик таълим ва тарбия назариясида замонавий методологик асосни танлаш ва уни ўқув жараёнида тўғри қўллаш, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги, асосланганлиги ва амалий аҳамиятли эканлигини билдиради. Юқорида келтирилган экологик фанлар тизимидаги ўқув курсларини танлаш, номлаш ва болажонларнинг ёшига қараб тизимлаштириш миллий мактабгача таълим тизимида муҳим аҳамият касб этади.







*Экологик таълим – кишини ҳаётга, жумладан меҳнатга тайёрлашнинг компетенциявий ёндашувга асосланган тегишли, расмий, тизимлашган, муддатли экологик билим, кўникма, малака бериш воситаси.*

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаётий фаолият хавфсизликларини экологик барқарорлик нуқтаи назардан таъминлаш учун уларга экологик билимларни бериш, уларни тегишли кўникмаларга эга қилиш ва малакаларни ҳосил қилиш, яъни экологик маданиятли қилиб тайёрлаш ҳар бир жисмоний шахс ёки индивиднинг турли даражадаги экологик компетентлигини шакллантиришда керакдир (2.1.1-жадвал). Мактабгача таълим ҳам бундан истесно эмас, албатта.

<sup>1</sup> Тизимли таҳлил // Фалсафа: қомусий луғат.–Т.:«Шарқ»,2004. 398-399-б.



**Таълим олувчининг экологик компетентлигини шакллантириш босқичлари**

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг замонавий илмий-назарий ҳамда амалий асосларини билиши;	
Экологик хавфсизликни таъминлаш кўникмаларига эга бўлиши;	
Олган билим ва кўникмаларни амалда қўллаш компетентлигини эгаллаши;	
Бошқаларни экологик талабларга риоя қилишини назорат қилиш (фуқаролик бурчини бажариш), жамоага етказиш, ташвиқот ва тарғибот қилиш малакаларини ҳосил қилиши.	



**Экологик таълимнинг мақсади** – экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун таълимда узлуксиз ва узвийлашган экология ва атроф-муҳит муҳофазасига тегишли кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш ва уни амалга жорий этиш.

**Мактабгача таълимда экологик таълимнинг мақсади** – маҳаллий шароитда экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш учун МТТ тарбияланувчиларни юксак маърифатли инсон қилиб тайёрлашнинг бошланғич (базавий) таълимини йўлга қўйиш.

Одатда, экологик тарбия экологик таълим орқали кириб келади ва у экологик маданият билан баҳоланади. Чунки, замонамизда юксак экологик маънавиятли (мавкуравий, ғоявий ва информацион жиҳатдан шаклланган) ва маърифатли (илмий ва ижодий устуворлик руҳида тайёрланган) жисмоний шахсина экологик таълим орқали олган компетенцияларини маданият кўрсатгичларига олиб чиқа олади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда экологик таълим ва тарбия ажралмас ва ягона тизимда турувчи воситалар мажмуасидир. Тизим эса экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадидаги қисмлар иерархиясидан иборат бўлган ҳолат. Уни амалга татбиқ этиш механизми бир пайтнинг ўзида соат каби ишлайдиган ажратилган тизимдаги қисмларнинг тўхтовсиз ҳаракат қилишида намоён бўлади.



*Экологик тарбия – кишини бутун умри давомида юксак экологик маънавиятли индивид қилиб шакллантириш воситаси.*

*Мактабгача таълимда экологик тарбиянинг мақсади – маҳаллий шароитда экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш учун тарбияланувчиларни юксак маънавиятли инсон қилиб тайёрлашнинг бошланғич (базавий) тарбиясини йўлга қўйиш.*

Экологик таълим ва тарбиянинг мақсадларидан келиб чиққан тарзда мактабгача таълим тизимида куйидаги **вазифалар** юклатилади:

✓ МТТда экологик таълим ва тарбиянинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш;

✓ мактабгача экологик таълим ва тарбия бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилиш ва уни миллий таълим тизимида илмий асосда жорий қилиш (имплементациялаш) механизмини маҳаллий шароитдан келиб чиққан тарзда амалга ошириш;

✓ экологик таълим ва тарбиянинг ўзига хос методологик ҳамда методик асосларини ишлаб чиқиш ва амалада синаб кўриш;

✓ МТТда экологик таълим ва тарбия тажриба-синов бўйича аниқ пилот ўқув муассасаларини белгилаш;

✓ пилот муассасаларда семинар-тренингларни ташкил этиш;

✓ тажриба натижаларини методологик жиҳатдан таҳлил қилиш ва унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб бориш;

✓ мактабгача экологик таълим ва тарбияга доир тўғараклар, кўрсатувлар ҳамда Интернет порталлари ва веб-сайтларни яратиш;

✓ МТТдаги тўғаракларида экологик таълим ва тарбияни ташкил этишнинг методик шакллари ишлаб чиқиш ҳамда унга оид болаларга мос адабиётларни нашр этиш;

✓ мактабгача таълим босқичида, замонавий ахборот технологияларини (масалан, инфографик мультимедиа воситаларини) қўллаган тарзда экологик таълим ва тарбиянинг мазмун ҳамда моҳиятига доир илмий, илмий-амалий, амалий тадқиқотларни олиб бориш ва ҳ.к.

*Экологик таълим ва тарбия орқали болажонларда:*

- коинотдаги ягона ҳаёт мавжуд бўлган Ер сайёраси ҳақидаги тасаввурлар;
- яшаш макони ҳақидаги билимлар;
- табиат ва жамиятнинг узвий боғланганлиги ҳақидаги дунёқарашлар;
- ўз ўлкаси ва республикамизнинг ўзига хос ажойиб табиати, уларнинг пайдо бўлиши ва эволюцион ривожланиши, антропоген ўзгариши, макон ва майдон бўйича тарқалиши ҳақидаги билимлар;
- ундан келиб чиқадиган хусусиятлар, бойликлар, ҳолат, келажак истиқбол ҳақидаги тасоввурлар;
- миллий, регионал ва глобал миқёсдаги табиат ва жамият муносабатларининг узвий боғлиқлиги тўғрисидаги тасоввурлар;
- атроф-муҳитини муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, бузилган табиат мажмуларини қайта тиклашга оид билим ва кўникмалар;
- экологик муаммоларни англаш ва тўғри ҳаракатланиш каби ҳислатлар юзага келтирилади.

**Экологик амалиёт** – экологик маънавиятли ва маърифатли шахс имкониятини ҳаётда қўллашнинг мотивацияланганлик даражаси. Бу дегани жисмоний шахс, жумладан мактабгача ёшдаги болажон ўз экологик маданиятини ҳаётининг фаолиятда нечоқлик зарур эканлигини ҳис этиш, унинг ижобий натижаларидан баҳраманд бўла олиш шароитининг муайян маъмурий бошқарув бирликлар ёки иқтисодиёт тармоқлар доирасида яратилганлик ҳолати, дейиш мумкин. У давлат, жамият ва корпоратив уюшмаларнинг олиб бораётган экологик концепцияси, қонунчилиги, ҳаракатлар дастури, йўл хариталари ва иш режаларида, приоритет тадқиқот йўналишларида, кадрлар тайёрлаш ва уларни амалда татбиқ этилганлигида намоён бўлади.

**Экологик таълим, тарбия ва амалиёт моҳияти** унинг уч йўналишдаги тадқиқот қилиш, ўргатиш ва амалга жорий этиш **предметида** ўз аксини топади:

1. Табиий ва антропоген (кишилар фаолияти натижасида) ўзгарган экотизимларни муҳофаза қилиш;
2. Экотизимларнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

### 3. Бузилган экотизимларни қайта тиклаш.




## 2.2. Мактабгача таълимда экологик илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт

Ўзбекистон Республикаси (ЎзР) Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 24 декабрдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида «Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислох қилишни бошладик»<sup>1</sup>, деган эди. Ўзбекистонда 2020 йилга **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”**, деб номланиши айтилди.

Мамлакатимизда таълимда ўзгаришлар айнан мактабгача таълимни чуқур ислох қилишдан бошланди. Гарчанд у миллий таълимнинг алоҳида тури сифатида Таълим тўғрисидаги қонун ва Миллий кадрлар тайёрлашнинг бирламчи бўғини сифатида тан олинган бўлсада, лекин 2017 йилга келиб 3-7 ёшдаги 2,4 млн. болаларнинг атиги 27% 4940 та давлат ва 269 хусусий боғчаларга камраб олинган эди. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида 2017 йил 30 сентябрда Президентимизнинг ПФ-5198-сонли фармони билан Ўзбекистонда илк бор Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Вазирликнинг асосий функционал вазифаси болажонларни мактабгача таълим муассасаларига (2019 йилдан бошлаб унга мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ) мақоми берилди) қамровни кўпайтириш белгиланди. 2019 йилнинг бошида МТТ сони 7500 тадан ошиб кетди. Уларнинг 3400 таси нодавлат, жумладан 783 та хусусий, 2000 ортик

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. (<http://uza.uz/> эълон қилинганлиги 25.01.2020).

оилавий, 419 та давлат-хусусий шерикчилиги асосидаги боғчаларга жалб этилди ва қамров 44,5% етди (2.2.1-расм). 2019 йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда 5722 та давлат ва нодавлат болалар мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилди. 2019 йилнинг охирига келиб 3-7 ёшдаги болаларнинг қамров кўрсаткичи 52 % етди. 2020 йилнинг июнига келиб МТТ сони 14 200 тадан ошиб кетди. Унда ўсиш кўрсаткичлари асосан оилавий ва корпоратив боғчалар ҳисобига амалга оширилди<sup>1</sup>.



2.2.1-расм. *Мактабгача таълим ташкилотларига кичик ёшдаги болаларнинг қамраб олиш динамикаси*

2019 йил 16 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонунига мувофиқ 2020 йилнинг 16 июнидан бошлаб МТТга қуйидаги гуруҳлар учун болалар қамраб олиниши белгилаб ўтилди: гўдаклик (1 ёшгача); илк болалик (1-3ёшгача); кичик ёш (3-4 ёшгача);

<sup>1</sup> <https://old.mdo.uz> (эълон қилинганлиги 02.06.2020).

ўртача ёш (4-5 ёшгача); катта ёш (5-7 ёшгача)<sup>1</sup> [5]. Ота-оналар болаларни 4 турдаги МТТга бериш имконияти пайдо бўлди: умумий турдаги; кўп тармоқли ихтисослаштирилган; инклюзив гуруҳларга эга; қўшма турдаги. МТТнинг иш режими: қисқа вақтли гуруҳ (кунига 3-4 соат); тўлиқ кунли гуруҳ (кунига 9, 10,5 ва 12 соат); кечаю кундуз бўладиган гуруҳ. МТТ давлат ва нодавлат, жумладан яқка тартибдаги тадбиркор ва 25 нафаргача болаларни қамраб олувчи оилавий мулк шаклида фаолият юритишлари мумкин. Мактабгача таълимдаги ислоҳатларнинг асосий мақсади 7 ёшгача бўлган болаларни МТТга кенгроқ ва кўпроқ тарзда қамраб олишдир.

Эндиликда *МТТни миллий кадрлар тизимининг «тарбия» босқичи эмас, балки «таълим ва тарбия» бўғинига айлантириш ва бошланғич таълимни айнан МТТдан йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.* 2024 йилга келиб 90% олиб чиқиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун республика бюджетидан 1,8 млрд. сўм ажратилмоқда.

Мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш учун ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майда «ЎзРда экологик таълимни ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги 434-сонли қарорининг 3-бобида мазкур тизимга экологик таълимни ривожлантириш бўйича 11 та вазифа белгиланиб олинган. Ушбу вазифаларни амалга татбиқ этиш учун 2019 йил 6 августда Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг *МТТда экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш чора-тадбирлари* бўйича қўшма қарори қабул қилинди. Мазкур вазифаларнинг мазмуни ва моҳияти МТТда экологик таълимни замон талаблари даражасига олиб чиқиш, жумладан экологик илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни йўлга қўйишга қаратилган.

Кадрлар тайёрлашда мактабгача таълимда экологик илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт қандай йўналишда ривожланиши керак, деган ўринли савол туғилади. Аввалам бор илм, маърифат ва

---

<sup>1</sup> ЎзР Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонуни. <https://www.lex.uz>.

рақамли иқтисодиёт сўз ва сўзлар бирикмасига аниқлик киритиб олишимиз даркор. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида илм сўзига 3 хил таъриф берилган<sup>1</sup>. Лекин фанда унинг 1-варианти, яъни *илм* – *ўқиш-ўрганиш, тадқиқот, таҳлил этиш билан эришиладиган билим, кўникма, маълумот*, деган таъриф фанга яқинроқ келади. Нима учун яқинроқ, зеро луғатнинг кейинги вариантларида берилган «инсоннинг маълумот» олиши ҳали уни илмли бўлди дегани эмас. Рус тилида энг оммабоп бўлган С.И.Ожеговнинг луғатида *илм* – *онг орқали борлиқни англаш* <sup>2</sup>, дейилган. Эркин энциклопедия «Википедия»да эса *илм* – *англаш фаолияти натижаси ёки индивидни масаланинг ечимини топишда керак бўладиган маълумотларга эга бўлишлик* <sup>3</sup>, деб берилган. Умуман олганда илм сўзи турли адабиётларда турлича акс эттирилган. Бизнингча *илм*, кишилик жамиятига тегишли ижтимоий, тўғрироғи кишига тегишли гуманитар категория бўлиб, у – *борлиқни онгли равишда англаш, билиш ва тушиниш*дир.



*Илм – борлиқни онгли равишда англаш, билиш ва тушиниш*

*Мактабгача таълимда экологик илм – тарбияланувчиларнинг атроф табиий муҳитини катталар ёрдамида онгли равишда англай олишлари, билишлари ва тушинишлари.* Бунинг асосий мақсади – МТТда тарбияланувчиларни, тўғрироғи, болажонларни чунки 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган ЎзРнинг Мактабгача таълим ва тарбия қонунига мувофиқ МТТ нафақат тарбия, балки узлуксиз миллий таълим тизими босқичидир. Бу босқичда биз болажонларга экологик таълим ва тарбиянинг, яъни экологик маданиятнинг илк элементларини ҳосил қилишимиз лозим.

ЎзР халқаро ташкилотлар томонидан олиб бориладиган «Экологик тоза ва ифлосланган давлатлар индекси»нинг энг максимал кўрсаткичи бўйича 118-ўринда туради (2.2.1-жадвал). Индекс – атроф-муҳит ҳолати кўрсаткичларининг умумлаштирилган

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд.–Т.: «ЎМИ ДИН».–195-б.

<sup>2</sup> Ожегов С.И. Словарь русского языка.–М.: «Оникс 21 век», 2004.– С.299.

<sup>3</sup> Википедия. Знание. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

рейтинги. Мазкур рейтингда мамлакатимизни юқори ўринларга кўтариш учун экологик тоза давлатлардаги тегишли таълим-тарбия тажрибаси ўрганиш мақсадга мувофиқ деб билдик.

2.2.1-жадвал

*Дунёнинг экологик тоза ва ифлосланган давлатлари индекси*

(<https://www.education-medelle.com> сайти маълумотларига кўра)

№	Давлат номи	Индекси	№	Давлат номи	Индекси
1.	Финландия	90.68	118.	Ўзбекистон	63.67
2.	Исландия	90.51	119.	Ливия	63.29
3.	Швеция	90.43	120.	Гренада	63.28
4.	Дания	89.21	121.	Восния ва Герсаговина	63.28
5.	Словения	88.98	122.	Антигуа ва Барбуда	62.55
6.	Испания	88.91	123.	Кения	62.49
7.	Португалия	88.63	124.	Свазиленд	60.63
8.	Эстония	88.59	125.	Крибати	60.48
9.	Малта	88.48	126.	Уммон	60.13
10.	Франция	88.20	127.	Кот-д'Ивуар	59.89

«Экологик тоза» ва ривожланган давлатларнинг биринчи 20 талигидан жой олган минтақа ва мамлакатларда<sup>1</sup> таълим–тарбия ишлари «Экологик маданиятли инсон» потенциалини шакллантириш айнан мактабгача таълим муассасасидан бошлар экан. Бундан асосий мақсад – МТТда болажонларни экологик таълим ва тарбия орқали уларда экологик маданиятнинг илк элементларини юзага келтириш (2.2.2-расм). Умуман олганда Ғарбий Европада болажонлар махсус хўжаликларда ёввойи ҳамда уй ҳайвонлари билан мулоқотда бўлиши ва уларни парвариш қилиш орқали экологик таълим ва тарбияни уч ёшдан бошлаш учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қиладилар.

Ўзбекистонда экологик таълим умумий ўрта таълимда Биология, География, Тарих, Табиатшунослик каби фанларга интеграция қилинган ва эколог-педагоглар томонидан олиб борилмайди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида эса экологик таълим тўлиқ жорий

<sup>1</sup> Википедия. Самые экологически чистые страны мира. Швейцарский консалтинговый центр. <https://www.education-medelle.com>.



<b>Давлатлар</b>	<b>МТТда экологик таълим-тарбиянинг мазмуни</b>
<b>Финляндия</b> 	Тизимли равишда 5 ёшдан бошланади ва у махсус такшил этилган маҳаллий « <i>Табиат марказлари</i> »да олиб борилади
<b>Швеция</b> 	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамияти ва таълим бўйича Миллий агентлик ҳамкорлигида <i>умумдавлат ахборот тизими</i> яратилган
<b>Дания</b> 	Барча педагогик касбий таълим тизимига жорий этилган ҳамда мактабгача таълим йўналишидаги <i>педагогларни тайёрлашда мажбурий</i> ҳисобланади
<b>Австрия</b> 	Мактабгача таълими педагоглари учун <i>доимий семинар</i> ташкил этилган, уларни <i>қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича курслар</i> ишлаб турибди
<b>Норвегия</b> 	Болалар боғчасидаги педагог албатта <i>махсус экологик тайёргарликка</i> эга бўлиши лозим
<b>Германия</b> 	Болаларнинг <i>атроф-муҳит ҳақидаги тасаввур ва билим, табиатни муҳофаза қилишга тайёрлаш, экологик масъулиятли хулқни шакллантиришга</i> йўналтирилган
<b>Япония</b> 	<i>Юксак экологик маданиятли шахсни тайёрлаш</i> атроф-муҳит соҳасидаги мактабгача таълим дастурларида акс этган
<b>АҚШ</b> 	Болажонларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона ва масъулият билан муносабатда бўлишларини шакллантириш жараёнида кенг <i>омма ва нодавлат жамоат ташкилотлари</i> билан бирга олиб борилади
<b>Россия</b> 	12 май « <i>Экологик таълим куни</i> » деб эълон қилинган ва МТТда тегишли байрамлар ўтказилади

### 2.2.2-расм. «Экологик тоза» ва ривожланган давлатларда экологик таълим ва тарбия

қилинмаган ва соатлар миқдори кам бўлгани учун ҳам аксарият ҳолда турдош фан ўқитувчилари томонидан олиб борилади. Ҳудди шундай ҳолат Олий таълимда. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишида ўқишга кириш учун Биология ва География фанларидан тест топшириш орқали эмас, балки Математика ва Кимё фанларидан синовдан ўтиш орқали талабаликка қабул қилинади. Бунинг натижасида экологик таълимда кадрлар тайёрлаш талабаларнинг компетенциясига таянмаган тарзда олиб борилмоқда эди. «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» бўйича таълим йўналишларининг ўқув

режасида 2019 йилга қадар ноэкологик фанлар 70-75%ни ташкил қилар эди. Бундай эколог кадрлар тайёрлашдаги салбий ҳолат МТТда ҳам ўз аксини топган. Дунё тажрибасидан фойдаланиш ва бундай ноэкологик таълимни бартараф қилиш мақсадида юқорида қайд қилинган Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда Мактабгача таълим вазирлиги томонидан қабул қилинган қўшма қарорда МТТда *экологик илмни йўлга қўйиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга жорий этиш* масаласи қўйилган<sup>1</sup>:

✓ *«Илк қадам» давлат ўқув дастурига экологик таълим ва тарбияга доир тегишли қўшимчалар киритиш;*

✓ *болажонларнинг ёш жиҳатларини инобатга олган ҳолда ўқув адабиётларни яратиш;*

✓ *«Экологик бурчак»ларни ташкил этиш ва улардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш;*

✓ *йилнинг асосий «Экологик тақвим» кунларига бағишланган байрамларни ўтказиб бориш;*





✓ *раҳбар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига «Экологиянинг долзарб муаммолари»га бағишланган ўқув модулларни жорий қилиш ва ҳ.к.*

Мактабгача таълимда мазкур Қўшма қарорнинг асосий вазифаси – 2018 йилгача амалда бўлган «Болажон» ва амалдаги «Илк қадам» давлат ўқув дастурларида болажонларни табиат билан таништириш билан чекланиб қолмасдан, балки уларни *экологик илмни* қилиш кераклиги уқтирилган. Бу дегани, *болажонларни* табиат билан таништириш давомида уларни кундалик ҳаётида учрайдиган *маҳаллий атроф-муҳитдаги экотизимларни (яшаш: жойи, макони, уйи) муҳофаза қилиш, ундаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг бузилганларини қайта тиклашда керак бўладиган маълумотларга эга қилишлик* вазифаси юклатилади.

---

<sup>1</sup> ЎзР Мактабгача таълим вазирлиги (МТВ ) ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 6 августда «Мактабгача таълим ташкилотларида экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш чора-тадбирлари» бўйича 7/1 ва 6-сонли қўшма қарори.

2018 йилдан буён МТТда экологик таълим ва тарбиянинг «Илк қадам» давлат таълим дастури асосида йўлга қўйиб келинмоқда (2.2.3-расм).

Тасвирий фаолият, нутқ ўстириш, математика, бадий адабиёт билан таништириш бўйича ўйин-машғулотлар.	
Сайр ва кузатувлар, теварак-атроф билан таништириш.	
Меҳнат топшириқларини бажариш каби фаолиятларнинг барчасида қисман бўлсада экологик таълим вазифаларини уйғунлаштириш.	
Болажонларда билим ва тушунчаларининг бир тизимли бўлишини таъминлаш учун ҳаракат қилиш.	

**2.2.3-расм. «Илк қадам» давлат таълим дастурида табиат билан таништириш талаблари**

МТТда экологик таълим ва тарбияга жорий этиш орқали юқорида қайд этилган вазифалар амалда бажарилмоқда. Жумладан, «Табиат билан таништириш» ўқув курси киритилган. Лекин ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш етарли даражада деб бўлмайди.

Ўзбекистоннинг мактабгача таълим босқичида **экологик илм** бошқа таълим турларидаги илмдан кескин фарқ қилади. Унга тегишли ўқув адабиётлар бир пайтнинг ўзида ҳам болажонларга ҳам тарбиячи, методист, дифектолог, психологларга, яъни барча педагогларга тегишли бўлмоғи даркор (2.2.2-жадвал). Зеро МТМРХҚТМОЙга малака оширишга келган мутахассисларнинг 90-95% экологик илмга тегишли билим, кўникма ва малакага эга, деб бўлмайди.

Мактабгача таълим ташкилотларида «Экологик бурчак» аввалги «Табиат бурчаги»дан фарқ қилиши керак. Унда 2.2.4-расмда

кўрсатилганидек, нафақат жонли ёки жонсиз табиата акс этиши, балки ўша жонли ва жонсиз муҳит бизнинг яшаш маконимиз тариқасида берилиши ва унда 3 хил кўринишдаги ҳолат акс этиши

2.2.2-жадвал

**Мактабгача таълим ташкилотларида педагог ва болажонлар учун  
тавсия этиладиган экологик илм**

<b>Педагоглар учун</b>	<b>Болажонлар учун</b>
<i>Экология</i> – муайян экотизимларда тирик мавжудотлар ўзаро ва уларни атроф табиий муҳити ўртасидаги (оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш, қайта тиклашга доир) қонуниятларни тадқиқ қилувчи <b>фан соҳаси</b> , унга доир билим, кўникма ва малкаларни шакллантирувчи <b>таълим-тарбия йўналиши</b> , ушбу адлоқадорлик қонуниятларини оптималлаштирувчи <b>амалиёт тармоғи</b>	<i>Экология</i> – ўзингиз яшаб турган жой табиатидан оқилона фойдаланиш, уни сақлаш ва бузилганларини қайта тиклашга қаратилган ҳаракат
<i>Экотизим</i> – барча тирик мавжудотлар, жумладан кишиларнинг маълум бир тизимда (глобал, регионал, миллий ва локал) турувчи яшаш макони	<i>Яшаб турган жой</i> – биз яшаётган хона, уй, кўча, боғча, маҳалла, кишлоқ, шаҳар
<i>Оқилона фойдаланиш</i> – экотизимлардаги табиий ресурслардан илмий асосланган тарзда фойдаланиш	<i>Табиатдан оқилона фойдаланиш</i> – ақл билан табиатдан фойдаланишга қаратилган ҳаракат
<i>Муҳофаза қилиш</i> – экотизимларда кечаётган модда ва энергия алмашувининг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш	<i>Табиатни сақлаш</i> – «Она табиат»ни асрашга қаратилган ҳаракат
<i>Қайта тиклаш</i> – бузилган экотизимларни илмий асосда қайта тиклаш	<i>Табиатни қайта тиклаш</i> – бузилган табиатни яхшилашга қаратилган ҳаракат
<i>Экологик онг</i> – экотизимлар оргаэмлар, жумладан кишиларнинг биргина яшаш макони эканлигини англаш	<i>Экологик онг</i> – «Она табиат» бизнинг ҳаётимизда нақадар кераклигини англаш
<i>Экологик маданият</i> – экологик таълим-тарбия орқали олган билим, кўникма ва малкаларни амалда қўллаш даражаси	<i>Экологик маданият</i> – экологик онгни амалда қўллаш олиш даражаси

лозим: экотизимларни муҳофаза қилиш, экотизим ресурсларидан оқилона оқилона фойдаланиш ва бузилган экотизимларни қайта тиклаш. Масалан, бизнинг Институт тингловчилари томонидан менинг раҳбарлигимда тайёрланган «Жажжи эколог» лойиҳа иши «Экологик бурчак»ни ташкил этишда фон ёки ғоявий концепция

сифатида қабул қилиниши мумкин. Кўргазмали стендни ишлатиш методикасини МТМРХҚТМОИ веб-сайтидан мумкин.



2.2.4-расм. Мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган «Экологик бурчак» мазмуни



МТМРМҚТМОИ тингловчилари томонидан мазкур китоб муаллифи раҳбарлигида тайёрланган «Жажжи эколог» малакавий лойиҳа иш «Экологик бурчак»ни ташкил этишда фон ёки ғоявий концепция сифатида қабул қилиниши мумкин (2.2.5-расм). Кўргазмали стендни ишлатиш методикасини Мактабгача таълим менежменти кафедрасида мавжуд.

**JAJJI EKOLOG**

**Ekologiya** - tabiatdan oqilona foydalanish, uni muhofaza qilish va qayta tiklashga qaratilgan fan — ta'lim — amaliyot

**Tabiatni muhofaza qilish** - "ona tabiat"ni asrashga qaratilgan harakat

**Tabiatni oqilona foydalanish** - aql bilan, ya'ni ilm orqali tabiatdan foydalanishga qaratilgan harakat

**Tabiatni qayta tiklash** - buzilgan tabiatni yaxshilashga qaratilgan harakat

**Ekologik ong** - "ona tabiat" bizning hayotimizda naqadar keragligini anglash

**Ekologik madaniyat** - ekologik ongni amalda qulay olishlik darajasi

**Bunday tabiatni muhofaza qilish kerak!**

**Bunday tabiatdan oqilona foydalanish lozim**

**Bunday tabiatni qayta tiklash kerak!**

**Balli "Jajji ekolog"!**

**Senda imkoniyat bor!**

**BU mumkin emas!**

**Bu mumkin!**

Ilmiy rahbar: professor A.N.Nigmatov  
Mualliflar: Mualliflar 5-guruh 2019 yil mart oyi tinglovchilari - N.A.Xatamova, X.U.Yatqabova, M.R.Mexlova, M.Muhiddinova

2.2.5-расм. «Жажжи эколог» деворий кўргазмасининг умумий кўриниши

Йилнинг асосий экологик тақвим кунларига бағишланган байрам ёки утренникларни ўтказиб бориш учун аввалам бор «Экологик тақвим» кўрғазмали плакатларни ишлаб чиқиш тавсия этилади (2.2.6-расм).

<p>2013 - Год охраны окружающей среды</p> <p>События в разные месяцы года</p> <p>1 января - Экологический календарь, утвержденный Комитетом по экологической политике и охране окружающей среды Республики Беларусь.</p> <p>14 марта - День охраны окружающей среды.</p> <p>22 марта - День охраны водных ресурсов.</p> <p>1 апреля - День птиц.</p> <p>7 апреля - День охраны окружающей среды.</p> <p>15 апреля - День экологического образования.</p> <p>18-22 апреля - День экологической культуры.</p> <p>22 апреля - День Земли.</p> <p>3 мая - День птиц.</p> <p>12 мая - День экологического образования.</p> <p>15 мая - День климата.</p> <p>22 мая - День биологической охраны.</p> <p>5 июня - День охраны окружающей среды.</p> <p>16 сентября - День охраны окружающей среды.</p> <p>4 октября - День охраны окружающей среды.</p> <p>12 октября - День охраны окружающей среды.</p> <p>Солнечная, голубая, зеленая, живая - такого цвета моя планета!</p>	<p>14 март – Дарё, сув ва ҳаётни сақлаб қолишга ҳаркат қилиш куни.</p> <p>22 март – Бутунжаҳон сув (сув ресурсларини муҳофаза қилиш) куни.</p> <p>1 апрель – Қушлар куни.</p> <p>7 апрель – Бутунжаҳон саломатлик куни.</p> <p>15 апрель – Экологик билимлар куни.</p> <p>18–22 апрель – Қўриқхоналар ва миллий боғлар куни.</p> <p>22 апрель – Халқаро Ер планетаси куни.</p> <p>3 май – Қуёш куни.</p> <p>12 май – Экологик таълим куни.</p> <p>15 май – Халқаро Иқлим куни.</p> <p>22 май Халқаро биологик хилма-хиллик куни.</p> <p>5 июнь – Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш (экологлар) куни.</p> <p>16 сентябрь – Халқаро Ер планетасининг озон қатламини муҳофаза қилиш куни.</p> <p>4 октябарь – Бутунжаҳон ҳайвонларни муҳофаза қилиш куни.</p> <p>12 октябрь – Халқаро табиий офатлардан ҳимояланиш куни.</p>

2.2.6-расм. Экологик тақвим кунларига бағишланган «Экологик тақвим»нинг деворий кўрғазма намунаси

Экологик кунларни белгилаш МТТ жойлашган маҳаллий шароитлардан келиб чиққан тарзда «Тақвим жадвали»ни ишлаб чиқиш ва айнан ўш кунларда байрамларни ёки тадбирларни ўтказиш тавсия этилади. Масалан, чўл зонасида жойлашган боғчаларда: Қуёш, иқлим, биологик хилма-хиллик, чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш кунларини тақвим ва тадбирлар режасига киритиш зарур. Тоғли ҳудудлардаги боғчаларда: Ер планетасининг озон қатламини муҳофаза қилиш, қўриқхоналар куни, ҳайвонларни муҳофаза қилиш,

табiiй офатлардан ҳимояланиш каби кунларни тақвим режасига киритиш мақсадга мувофиқ. Зеро болажонларнинг кундалик фаолиятларида ёки кўз олдиларида мазкур атроф табiiй муҳит ҳолати, жараён ёки воқеалар содир бўлмоқда.



Чўл зонасида жойлашган боғчаларда: Қуёш, иқлим, биологик хилма-хиллик, чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш кунларини тақвим ва тадбирлар режасига киритиш зарур. Тоғли ҳудудлардаги боғчаларда: Ер планетасининг озон қатламини муҳофаза қилиш, кўриқхоналар куни, ҳайвонларни муҳофаза қилиш, табiiй офатлардан ҳимояланиш каби кунларни тақвим режасига киритиш мақсадга мувофиқ. Зеро болажонларнинг кундалик фаолиятларида ёки кўз олдиларида мазкур атроф табiiй муҳит ҳолати, жараён ёки воқеалар содир бўлмоқда.

Киши, жумладан болажон экологик илмли бўлди дегани ҳали экологик маданиятли даражага етиб борди дегани эмас. Уни мазкур даражага етиб олиши учун болажон *экологик маърифатли*, яъни *МТТда замон талабига жавоб берадиган экологик таълим олиши* лозим. Бизларга маълумки, экологик маърифат таълим орқали, маънавият эса тарбия орқали болажонларга сингдирилиши мумкин. 2020 йилни «илм» ва «маърифат» сўзлари билан бирга эътироф қилишдан мақсад – ўзбек халқи, жумладан ёшларимизни нафақат экологик илмли, балки замон талабларига жавоб бера оладиган экологик билимли, кўникмали ва малакали қилиб тайёрлашдир. Мактабгача таълимда экологик маърифатнинг мақсади – турли миқёсда экологик хавфсизликни таъминлашга ўз хизматини кўрсатиш учун болажонларда дастлабки экологик билим ва кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат.

МТТда болажонларни дастлабки билим ва кўникмаларни шакллантириш учун мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган раҳбар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш курсларига экологиянинг долзарб муаммоларига доир «Мактабгача таълимда экологик таълим ва тарбия» ўқув модулини 2 соат назарий, 4 соат кўчма ва 4 соат амалий машғулотни ўқув режасига киритиш мақсадга мувофиқдир. *Назарий машғулотларда* – экологик таълим ва тарбия тушунчаси, мазмуни ва моҳияти очиқ берилади. *Кўчма машғулот* экологик талаб даражасида ташкил этилган МТТда илғор

тажрибани ўрганиш ва алмашиш орқали олиб борилади. Сўнгра, олинган билим ва тажрибага таянган тарзда, *амалий машғулотда* ҳар бир тингловчи ўзининг ҳудуди ёки МТТда экологик таълим-тарбияни йўлга қўйиш бўйича истиқболли дастур, режа ва «йўл харитаси»ни ишлаб чиқади ва презентация қилади. *Малакавий лойиҳа иш* ҳам айнан МТТда экологик таълим ва тарбияни ташкил этиш, олиб бориш ва оммалаштиришга қартилган стенларни ва макетларни яратиш, методик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш, тавсияномаларни бериш, инфографик мультимедиа воситасини турли вариантларини ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Мактабгача таълим йўналиши бўйича қайта тайёрлашнинг 4 ойлик курсида «Экологик таълим ва тарбия» ўқув модули 12 соат, 6 ойлик курсларида 18 соатлик ўқув модули сифатида берилгани мақсадга мувофиқ. Назарий, амалий ва кўчма машғулотлар ўртасидаги нисбат 1(билим):1(кўникма):1(малака) нисбатида бўлгани педагогик тажрибадан келиб чиққан тарзда маъқул деб биламиз. Зеро, ҳозирги кунда қайта тайёрлашга келаётган тингловчиларнинг экологик маърифат даражаси замон талабида деб айтиш мушкулдир.

ЎзР Президентининг 2019 йил 18 майдаги «Рақамли иқтисодиёт» ва «электрон ҳукумат» тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4321-сонли қарорининг 3.б–бандида «давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этиш, ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш» вазифалари қўйилган. *Рақамли иқтисодиёт – рақамли технологияларга таянган иқтисодий фаолият, яъни электрон бизнес ва коммерция билан боғлиқ бўлган рақамли товар ишлаб чиқиш ва хизматларни кўрсатиш*<sup>1</sup>.

Ушбу ғояни илк бор фанга 1995 йил АҚШнинг Массачуста технологик университети профессори Николас Негропonte фанга

---

<sup>1</sup> Нигматов А. Компетентный подход в образовании// Ж. Мактабгача таълим (методика ва назария). №10.2019.–15–17-б.



олиб кирди. У товарларнинг физик ҳолат ва ҳаракат ўлчамлари бўйича эмас, балки рақамлар орқали ифода этишни маъқул деб билди.



**Рақамли иқтисодиёт** – рақамли технологияларга таянган иқтисодий фаолият, яъни электрон бизнес ва коммерция билан боғлиқ бўлган рақамли товар ишлаб чиқиш ва хизматларни кўрсатиш<sup>1</sup>

Н.Негропонтте иқтисодий муносабатларда қатнашувчи барча нарсаларни (объектларни) ва кишиларни (субъектларни) рақамли технологиялар кўринишида акс эттириш ва уни электрон тарзда бошқариш мумкинлигини исботлади<sup>2</sup>. Бу иқтисодиётнинг катта ҳажмдаги маълумотлар базасини яратиш, алмашиш ва хоҳлаган масофага жуда катта тезликда узатиш имкониятини беради. Масалан, МТТда зудлик билан «Экологик бурчакни» яратиш керак бўлиб қолди. Ушбу масаланинг ечимини жадал суратларда топиш учун Интернет орқали иш жойимиздан туриб қуйидаги алгоритмларни, яъни кетма-кетликдаги «қадамлар»ни бажариш орқали рақамли иқтисодиётдан фойдаланилади:

*1-қадам*, «Таълим хизмати» порталига кирилиб, унда «Экологик бурчак»ни яратишнинг турли хил вариантлари билан «Маълумотлар базаси» орқали танишиб чиқилади;

*2-қадам*, ўзингизни МТТда «Экологик бурчак»ни жойлаштириш жойингизга қараб аниқ бир вариантни танлаб оласиз, унинг барча параметрларини таҳлил қиласиз ва буюртма лойиҳасини ишлаб чиқасиз;

*3-қадам*, «Экологик бурчак»ни тайёрлаб берадиган корхонанинг барча реквизитлари билан танишиб чиқилади, имкониятлари баҳоланиб, шартларини ўрганилади ва кафиллик даражаси аниқланади;

<sup>1</sup> Википедия. Цифровая экономика. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

<sup>2</sup> N.Negroponte . Bits&Atoms. University of Phoenix (<https://ru.wikipedia.org/wiki>).

4-қадам, буюртмани тегишли корхона сайтыга жўнатилиб, оператив равишда ундан жавоби олинади;

5-қадам, электрон равишдаги шартнома тузилгандан сўнг, ҳисобимиз турган банк орқали тегишли молия маблағни ўтказиб берасиз ёки депозит ҳисобидан банк кафиллиги орқали буюртмани бажаришга киришилади;

6-қадам, буртманинг бажариш жараёнини, яъни «Экологик бурчак» лойиҳаси, бажариш йўллари, ишлатиладиган материаллар ва жиҳозлар, хавфсизлик даржаси, кафиллик муддатлари ҳақида Интернет орқали назорат ва мониторингини олиб борилади;

7-қадам, назорат эса буртма тайёр бўладиган кунни аниқ қилиб олиш имкониятини яратади ва транспорт корхоналари билан электрон шартнома орқали уни ўз муддатида МТТга етказишни таъминлайди.

Будай масофадан туриб барча амалларни рақамли иқтисодиёт орқали оператив равишда амалга ошириш учун албатта, миллий, минтақавий, маҳаллий ва локал миқёсда тез ишлайдиган Интернет тармоғи ва ахборот технологияларига эга бўлиш, рақамли маълумот ва хизматлар банкини яратишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам «Рақамли иқтисодиёт»ни кўпинча «*Интернет иқтисодиёт*» ҳам деб аташади<sup>1</sup>.

Республикамизда «Рақамли Ўзбекистон–2030» давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш орқали ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни эса кескин камайтириш учун иқтисодиёт соҳаларида рақамли трансформацияни амалга ошириш, миллий ахборот технологияларини ривожлантириш ва бу йўналишда инвестициялар жалб этиш зарурлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти бир неча бор таъкидлаган. Мактабгача таълимда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш – «Телебоғча» шаклидаги таълим ва тарбия сифатини кўтарувчи ресурс бўлиб ҳисобланилади. У ўқув, ўқув-методик, илмий-педагогик, ташкилий, ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий, кадрлар, моддий-техник таъминотни рақамлаштириш

---

<sup>1</sup> В.Чумаков. Стратегии цифрового лидерства // В мире науки. № 10. 2019.– С. 70-77.

орқали таълим–тарбияни юқори поғонага жадал суратларда олиб чиқиш имкониятини берувчи кишилиқ жамияти фаолиятидир. МТМРМҚТМОИда МТТда рақамли экологик таълим ва тарбияга ўтиш учун қуйидаги мавзулар бўйича малакавий лойиҳа ишлар ва илмий тадқиқотлар олиб бориш тавсия этилади:

1. МТТда экологик таълимни ривожлантириш бўйича рақамли электрон каталог яратиш.

2. «Жажжи эколог» мавзусида инфографик мультимедиа воситасини ишлаб чиқиш.

3. МТТнинг ривожлантириш марказларида экологик хавсизлиқни таъминлаш бўйича инфографик мультимедиа воситасини тайёрлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонат олами бўйича инфографик мультимедиа воситасини тайёрлаш.

5. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимлик олами бўйича инфографик мультимедиа воситасини тайёрлаш.

6. МТТда «Экологик бурчак»ни ташкил этиш бўйича инфографик намунавий стенд лойиҳасини яратиш.

7. Экологик саналарга бағишланган маҳаллий шароитни инобатга олувчи инфографик тақвим плакатларни тузиш.

8. «Она табиат» мавзусида инфографик мультимедиа воситасини ишлаб чиқиш.

9. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари учун «Экология ва атроф-муҳит муҳафазаси» мавзусида инфографик стент лойиҳасини яратиш ва ҳ.к.

**Хулоса қилиб айтганда** Мактабгача таълимда экологик таълим ва тарбияни янги босқичга олиб чиқувчи илмни, болажонлар ва педагогларнинг экологик маърифатини шакллантирувчи таълимни, замонавий ахборот технологияларини экологик бошқарувга татбиқ этувчи рақамли иқтисодиётни амалга жорий этиш замон талабидир.



## 2.3. Мактабгача экологик таълимга замонавий ёндошув

Ўзбекистоннинг мактабгача таълим босқичида **экологик таълим ва тарбия** бошқа таълим турларидан тубдан фарқ қилади. Унга тегишли ўқув адабиётлар бир пайтнинг ўзида ҳам тарбияланувчиларга ҳам тарбиячи, методист, дифектолог, психологларга, яъни педагогларга тегишли бўлмоғи даркор (2.3.1-жадвал). Зеро ЎзР МТВ қошидаги МТМРМҚТМОЙга келган

2.3.1-жадвал

### Мактабгача таълим ташкилотларида педагоглар ва болажонлар учун тавсия этиладиган экологик илм

Педагоглар учун	Болажонлар учун
<i>Экология</i> – муайян экотизимларда тирик мавжудотлар ўзаро ва уларни атроф табиий муҳити ўртасидаги (оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш, қайта тиклашга доир) қонуниятларни тадқиқ қилувчи <b>фан соҳаси</b> , унга доир билим, кўникма ва малкаларни шакллантирувчи <b>таълим-тарбия йўналиши</b> , ушбу адлоқадорлик қонуниятларини оптималлаштирувчи <b>амалиёт тармоғи</b>	<i>Экология</i> – ўзингиз яшаб турган жой табиатидан оқилона фойдаланиш, уни сақлаш ва бузилганларини қайта тиклашга қаратилган ҳаракат
<i>Экотизим</i> – барча тирик мавжудотлар, жумладан кишиларнинг маълум бир тизимда (глобал, регионал, миллий ва локал) турувчи яшаш макони	<i>Яшаб турган жой</i> – биз яшаётган хона, уй, кўча, боғча, маҳалла, қишлоқ, шаҳар
<i>Оқилона фойдаланиш</i> – экотизимлардаги табиий ресурслардан илмий асосланган тарзда фойдаланиш	<i>Табиатдан оқилона фойдаланиш</i> – ақл билан табиатдан фойдаланишга қаратилган ҳаракат
<i>Муҳофаза қилиш</i> – экотизимларда кечаётган модда ва энергия алмашувининг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш	<i>Табиатни сақлаш</i> – «Она табиат»ни асрашга қаратилган ҳаракат
<i>Қайта тиклаш</i> – бузилган экотизимларни илмий асосда қайта тиклаш	<i>Табиатни қайта тиклаш</i> – бузилган табиатни яхшилашга

	қаратилган ҳаракат
<i>Экологик онг</i> – экотизимлар орғазмлар, жумладан кишиларнинг биргина яшаш макони эканлигини англаш	<i>Экологик онг</i> – «Она табиат» бизнинг ҳаётимизда нақадар кераклигини англаш
<i>Экологик маданият</i> – экологик таълим-тарбия орқали олган билим, кўникма ва малкаларни амалда қўллаш даражаси	<i>Экологик маданият</i> – экологик онгни амалда қўллай олиш даражаси
<i>Экологик фаннинг мақсади</i> – ҳозирги ва келажак авлодлар учун экотизимларнинг хавфсизлигини таъминлашга доир тадқиқотларни олиб бориш	<i>Экологик илмнинг мақсади</i> – болажонларни «она табиат» қўйнида соғ ва саломат юришларини таъминлаш
<i>Экологик таълимнинг мақсади</i> – экотизимлар хавфсизлигини таъминлаш учун кишиларни юксак экологик маърифатли қилиб тайёрлаш	<i>Экологик таълимнинг мақсади</i> – болажонларга «она табиат» унинг яшаш макони эканлиги ҳақидаги билимларни бериш
<i>Экологик тарбиянинг мақсади</i> – экотизимлар хавфсизлигини таъминлаш учун кишиларни юксак экологик маънавиятли этиб тайёрлаш	<i>Экологик тарбиянинг мақсади</i> – болажонларда «она табиат»га бўлган меҳр–муҳаббатни уйғотиш

мутахассисларнинг аксарияти тегишли экологик билим, кўникма ва малакага эга эмаслар. Кадрлар тайёрлашнинг мактабгача таълим йўналишида педагогик касб-ҳунар ҳамда олий ўқув юртларида экологлар ўрнига табиий фанлар бўйича мутахассислар (биология, география, кимё, физика фанлари профессор–ўқитувчилари) табиат билан таништириш ўқув машғулотларини ўтиш билан чекланиб қолаптилар. Мактабгача таълим учун унинг афзаллик томонларига яна бир бор тўхталиб ўтишни маъқул деб билмадик.

ЎзР иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўсиш сурати кейинги 3 йил давомида 8 фоиздан кам бўлмади. Мустақиллик туфайли иқтисодий юксалиш 6 баробарга, аҳолининг реал даромадлари эса 12 баробарга ўсди. Бу эса ўзбек халқининг ҳаёт даражасида ҳам ўз аксини топмоқда. Айниқса мазкур ҳолат таълим соҳасида яққол намоён бўлмоқда. Уни замонавий кўринишдаги *инфографика* орқали кўрғазмали равишда кенг оммалаштириш, тарғибот-ташвиқот қилиш

жуда долзарб масаладир. Буни ЎзР мактабгача таълим тизимида тегишли Интернет тармоқларида берилаётган турли кўриниш, шакл ва турдаги инфографикалар орқали тасовур қилиш қийин эмас<sup>1</sup> (2.3.1-расм).

*Инфографика – бирон бир мавзуга тегишли ахборотларни график ҳолатда бериш. Унинг мақсади – муайян ҳолат, жараён, ҳодиса ва воқеаларга оид ахборотларни графика, жумладан расм, чизма, карта, рўйхат, диаграмма, блок-схема, реестр, ёзув, жадвал, рақамлар ёрдамида бир бетда баён этиши орқали фойдаланувчига кўргазмали қилиб етказиш.*

Инфографика ахборот дизайнининг бир тури сифатида, ё статик ёки динамик кўринишда акс этади. Инфографика орқали ҳар қандай мураккаб ҳолат, жараён ва воқеалар ягона бир қоғоз ёки электрон бетда иллюстратив равишда баён қилинади.



2.3.1-расм. *Мактабгача таълимда инфографиканинг имтиёзли томонлари*

Замонавий интерфаол инфографикалар ахборот технологияларини кенг қўллаётган усуллардан бўлиб, у

<sup>1</sup> Материал семинара «Использование технологии "инфографика" в образовательной деятельности с детьми дошкольного возраста» <https://mosmetod.ru>.

[HTML5](#), [CSS3](#) ва [Java Script](#) дастурларидан фойдаланган тарзда 3D форматда ишлаб чиқилмоқда. Мазкур инфографика тури қайд қилишдан ташқари, веоасбобли доскалардан ҳамда тез молашувчан ва ўзгарувчан реал вақт давомида қўллашни ҳам назарда тутди. Картографияда интерфаол инфографика методини қўллаш орқали кўчиб юрувчи қушларни сони ва ҳаракатини қайси ҳудуддан ўтаётгани, жой ландшафти, оқимини динамик ҳолда (анимация орқали) кузатиш ва тадқиқ қилиш имкониятини очиб беради.

Ўзбекистонда ушбу масала бўйича махсус илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Инфографикалар ўқув адабиёти сифатида эмас, балки давлат идоралари ([www.ziyo.edu.uz](http://www.ziyo.edu.uz), [www.uznature.uz...](http://www.uznature.uz)), нодавлат ва халқаро ташкилотлар ([www.ekomaktab.uz](http://www.ekomaktab.uz), [www.unesco.org](http://www.unesco.org), [www.undp.org...](http://www.undp.org)) фаолиятига доир ишларни баён этишда фойдаланилмоқда, холос.

Инфографиканинг қўлланиш соҳаси жуда кенг: бошқарув, педагогика, журналистика, тарих, география, статистика, тиббиёт, ҳарбий, картография, информатика ва ҳ.к. Шунинг учун ҳам унинг ҳар хил тоифаси, ахборот бериш усули ва турлари мавжуд. Лекин мактабгача таълимнинг турли ёшдаги гуруҳларига қараб улар турлича ишлаб чиқилиши лозим (2.3.2-расм). Масалан:

***Болажонларнинг ёшига қараб:***

- кичик гуруҳлар учун – расмларда;
- ўрта гуруҳлар учун – расм ва кичик сонларда;
- катта гуруҳлар учун – расм ва катта сонларда;
- тайёрлов гуруҳлари учун – саволли ва топишмоқли расмлар ҳамда сонларда.

***Ахборот бериш усулига қараб:***

- кичик ва ўрта гуруҳлар учун – айрим расмларни анимациясиз бериш;
- катта ва тайёрлов гуруҳлар учун – анимациялар орқали ахборотларни бериш.

***Ахборот манбаига қараб:***

- кичик гуруҳлар учун – репродуктив, яъни оператив режимда аниқ бир маълумотларни бериш;



2.3.2-расм. *МТТдаги турли гуруҳларда берилиши тавсия этиладиган инфографикалар*

- кичик ва ўрта гуруҳлар учун – аналитик, маълумотларни таҳлил қилишга йўналтириш;
- тайёрлов гуруҳлари учун – реконструктив, яъни муайян воқеаларни хронологиик баён этиш лозим.

Кейинги 4-5 йил ичида инфографикалар таълим ва тарбия соҳасига ҳам жуда жадал суратда олиб кирилмоқда<sup>1</sup>. Индекси юқори бўлган ривожланган мамлакатларнинг таълим ва тарбия жараёнига интерфаол инфографикалардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. **Интерфаол инфографика** – ҳолат, жараён ва воқеаларга оид ахборотни ҳаракатдаги ва овозли расмлар, жумладан график, фото, чизма, карта, рўйхат, диаграмма, блок-схема, реестр, жаadwal, рақамларни бир бетда баён этиш.

**Интерфаол инфографикаларга киради:**

- *статистик* – статистик тасвири маълумотларни ўқиш ва кўриш учун қўлланиладиган инфографика турлари;
- *ҳаракатдаги* – фойдаланувчини кўриши, ўқиши ва эшитиши учун ахборотларни фиксация (қайд) қилишга доир инфографика турлари;
- *интерфейс* – фиксация (қайд) қилинган ёки болалар тўлдириб борадиган ва ахборотларни ўзгартириш имкониятига эга бўлган инфографика турлари.

<sup>1</sup> Нигматов А., Нигматова Г. Мустақиллик йилларида таълим соҳасини модернизация қилишда инфографиканинг ўрни. // Ж. «Таълим, фан ва инновация». 3/2016. 10–14-б.



Миллий мактабгача таълимнинг ўқитиш воситаларидан бири «инфографик таълим», яъни болажонларда муайян компетентлик хусусиятларини ҳосил қилувчи инфографикага асосланган ўқув адабиётлари, электрон дарслик, электрон мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш. У МТТда таълим ва тарбия самарадорлигини оширувчи, оддийдан мураккаб ҳамда ихтисосликка томон йўналтирилган иллюстратив-ахборот олиш имкониятини берувчи материаллар кенг қўлланилган ўқув адабиётлари сирасига киради. Янги авлод ўқув адабиётларини мактабгача таълим тизими учун яратиш, уларни тажриба-синовдан ўтказиш ва тегишли методик ишланмалар, йўриқномалар яратиш шу куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Йилнинг асосий экологик кунларига бағишланган байрамларни ўтказиб бориш учун аввалам бор маҳаллий шароитдан келиб чиққан «Экологик тақвим» номли кўргазмали плакатларни ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Мактабгача экологик таълимда «Болажон», «Илк қадам» ва «ЎЗРда экологик таълимни ривожлантириш концепцияси»да берилган талабларнинг фарқини билиб олиш учун МТМРМҚТМОЙга келган тингловчиларга 2.3.2-жадвалда келтирилган саволларни бериш керак бўлади. Унда «Ақлий ҳужум» методи орқали мавзунини таҳлил қилиш учун тингловчиларни 3 гуруҳларга ажратиб олинадиган ва уларга 2.3.2-жадвалда қўйилаётган саволлар бўйича топшириқлар берилади. Тингловчилар эса давлатнинг МТТда экологик таълим ва тарбияга қўйилаётган талабларнинг даврий ўзгариши ёки такмоллашиб борётганлигини 1 та кичик гуруҳда мустақил равишда аниқлаштириб оладилар.

Педагог дарсининг якунида тингловчилар билдирган турли фикларни умумлаштириб ягона бир мақсадни аниқлаштириб олади, яъни ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг Мактабгача таълимда «Экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш»га доир янги сиёсатни, 2018 йилгача амалда бўлган «Болажон» ва амалдаги «Илк қадам» давлат ўқув дастурларидан фарқли равишда тарбияланувчиларни

**Ўзбекистон Республикасининг янги экологик сиёсатининг даврий ўзгариши  
ва уни МТТда тутган ўрнини «Ақлий ҳужум» методини қўллаш орқали  
аниқлаштириб олиш**

<b>Тингловчиларга бериладиган топишириқлар</b>	<b>1-гурух</b>	<b>2-гурух</b>	<b>3-гурух</b>	<b>Умумий хулоса</b>
«Болажон» давлат ўқув дастурида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир таълим ва тарбияга қўйилган талабларни аниқланг?				
«Илк қадам» давлат ўқув дастурида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир таълим ва тарбияга қўйилган талабларни ажратиб беринг!				
«ЎзРда экологик таълимни ривожлантириш концепцияси» экологик таълим ва тарбияга қўйилаётган замонавий талаблар қандай бўлмоғи керак?				


(болажонларни, зеро МТТ тарбия эмас балки таълим муассаси) табиат билан таништириш билан чекланиб қолмасдан, балки уларни экологик маданиятли қилишнинг биринчи қадамларини жорий қилиш кераклиги уқтиради.

Сўнгра, педагог тингловчилар ёрдамида МТТда экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш бўйича умумий хулосани эълон қилади, муҳокамага қўяди ва уни илмий асослаб беради. Бу дегани, *болажонларни табиат билан таништириш давомида уларни ўраб турган маҳаллий шароитдаги атроф табиий муҳити – экотизимларни (яшаш: жойи, макони, уйи) муҳофаза қилиш, ундаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилганларини қайта тиклашда керак бўладиган маълумотларга эга бўлишлик вазифаси юклатилишини тушунтириб беради.*

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги қарори билан тасдиқлаган «ЎзРда Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси»нинг мақсади – ёш авлодда экологик маданиятни шакллантириш, экология соҳасидаги илм-фанни инновацион технологияларни жалб қилган ҳолда такомиллаштиришдан иборат.

Концепцияга биноан МТТга «Эколог болажон» дастури «Экологик йўлакчалар»ни жорий этиш масаласи қўйилган. Шунингдек, «Она табиат» мавзусида очик ҳавода таништирув соатларини ўтказиш режалаштирилган. Экологик таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш учун мактабларда «Энг яхши экологик тоза мактаб», «Энг яхши эколог ўқувчи» кўрик танловлари ўтказилиши кўзда тутилган. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар ўртасида «Экология билимдони» мусобақаси ташкил этилиши лозим. Олий таълим муассасаларининг талабалар турар жойларида «Эко клублар» фаолияти йўлга қўйилганлиги ҳақида, экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид зарур материаллар ва бошқа маълумотлар беришга мўлжалланган «ekologiya.uz» сайти ишга туширилди (2.3.3-расм).

«Ekologiya.uz» сайтида мамлакатимиз ҳудудида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш экологик мувозатни сақлаш фаолиятига алоқадор маълумотлар тақдим этилади. Бу орқали дастурга кириш ва рўйхатдан ўтиш орқали 3 (ўзбек, рус ва инглиз) тилларда дастурчиларга саволлар билан мурожаат қилиш, янгиликлардан баҳабар бўлиш, статистик маълумотларни олиш, турли ишланмаларни таҳлил қилиш ва халқаро тажриба билан



2.3.3-расм. Интернет тармоғидаги «ekologiya.uz» сайтнинг кўриниши

танишиш мумкин. Маълумотларни «uForum», «telegram», «Facebook», «Silwer» орқали олиш ва тарқатиш имконияти яратилган.

2019 йил 6 августда ЎзР Мактабгача таълим вазирлиги (МТВ ) ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси «Мактабгача таълим ташкилотларида экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш чора-тадбирлари» бўйича 7/1 ва 6-сонли қўшма қарори ижросини таъминлаш мақсадида МТМРМҚТМОИ томонидан **«Мактабгача таълим ташкилотларида экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш концепцияси» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда шу кунгача МТМРМҚТМОИда 2019-2020 йиллар давомида амалга оширилган ишлар, яъни:**

✓ 2020 йилнинг январь ойидан бошлаб «Экологиянинг долзарб муаммолари» мавзусидаги ўқув модули барча тоифадаги мактабгача таълим тизимидаги ходимларнинг малакасини ошириш учун 2 соатлик ва уларни қайта тайёрлаш тингловчилари учун 8 соатлик ўқув жараёнига татбиқ этилди;

✓ 2020 йилнинг май ойидан бошлаб тизимдаги мутахассисларга «Экологиянинг долзарб муаммолари ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» мавзусида масофавий таълим бўйича Аудио дарс машғулоти олиб борилмоқда, Online курси тестлари ва малакавий лойиҳа иш мавзулари бўйича ҳимоялар орқали уларнинг малакаси баҳоланмоқда;

✓ «Мактабгача экологик таълим ва тарбия» ўқув қўлланмаси 10 б.т.да тайёрланди ҳамда Қўмитанинг илмий-техник Кенгаши (2020.04.22, 3-сонли баённома) ва Институтнинг Илмий Кенгаши (2020.04.28, 3-сонли баённома) муҳокамасидан ўтказилди ва нашр этилди;

✓ Қўмитанинг Илмий-техник Кенгаши, Институтнинг Илмий Кенгаши ҳамда диссертацияларни экологик нуқтаи назрдан баҳолаш мақсадида Илмий семинарда Менежмент кафедраси профессори, г.ф.д. А.Нигматов 2019 йилдан буён фаол эштирок этмоқда;

✓ 2019 йилнинг ўзида мактабгача экологик таълим ва тарбияга доир илмий-амалий, ОАК рўйхатига киритилган халқаро рейтингли

журналларда экологик таълим ва тарбияга доир ўнлаб мақолалар чоп этилди;

✓ 2019 йилда мактабгача экологик таълим-тарбияни такомиллаштириш бўйича 2 та PhD докторлик диссертацияси мавзуси бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Давлатимизнинг экологик сиёсати, Қўшма қарор ва халқаро тажрибалардан келиб чиққан тарзда Мактабгача таълимда экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш учун *келгусида қуйидаги чора-тадбирлар*:

1. Тошкент шаҳридаги боғчалардан бирини Республикада экологик таълим ва тарбия йўналишидаги намунали мактабгача таълим ташкилоти(МТТ)га айлантириш (МТВ, Институт);

✓ МТТга «Жажжи эколог» деб ном бериш, уни ташкил этиш (Институт) ва ривожлантириш концепцияси, лойиҳалаш вариантлари, йўл харитаси, дастур ҳамда режалари ишлаб чиқиш (Ўздавэкология, Институт);

✓ боғча учун кадрларни танлаш (Тошкент ш.МТВ), тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Қўмита Маркази (Ўздавэкология) ва Институтда (МТВ, Институт) йўлга қўйиш;

✓ «Жажжи эколог» номидаги МТТда олиб бориладиган ўқув, ўқув-методик ва тарбиявий дастурлар, ўқув адабиётлар, тарбиявий тавсиялар ва кўрсатмаларни яратиш (Институт) ва чоп этиш (Ўздавэкология);

✓ Қўмита қошидаги Марказ ва Институтга Республикаимизнинг барча маъмурий бирликларидан малака ошириш ва қайта тайёрлашга келаётган тингловчилар «Жажжи эколог» МТТда кўчма машғулотларни ўтказиш тартиби бўйича Низом ишлаб чиқиш ҳамда амалга жорий этиш (Ўздавэкология, МТВ, Институт).

2. Мактабгача экологик таълим ва тарбияга доир илм, маърифат, маънавият ва рақамли иқтисодиётни акс эттирувчи махсус «Болажонлар учун экология» фан, таълим ва амалиётга бағишланган махсус рўкни Қўмитанинг «Экологик хабарнома» журналида очиш (Ўздавэкология).

3. Жадал суратларда сон ва мулк шакли жиҳатдан кўпайиб борётган мактабгача экологик таълим ва тарбияга доир (болажонлар ёши, психологик хусусияти ва жисмоний имкониятларини инобатга олган тарзда) 7 тилда адабиётлар, луғатлар, энциклопедия ва буклетлар, деворий кўрғазма ва тақвим плакатлари ишлаб чиқиш (Ўздавэкология, МТВ, Институт).

4. Мактабгача экологик таълим ва тарбияга доир иш натижаларини «Болажон» ТВ ва «Ёшлар овози» радио каналларида «Эколог болажон» ва махсус Интернет сайт («bebieko») орқали кенг оммага тарғибот-ташвиқот қилиш (МТВ, Ўздавэкология).

5. Мактабгача таълим тизими учун юридик мақомдаги экологик таълим ва тарбияга доир «Экологик хизмат»ни олиб борувчи тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш кабиларни **ишлаб чиқиш ҳамда амалга жорий этиш** мақсадга мувофиқдир (Экопартия, МТВ, Ўздавэкология).

**Хулоса** қилиб айтганда, мактабгача экологик таълим ва тарбия тизимининг ўзига хослиги – бир пайтнинг ўзида нафақат болажонлар учун, балки катталар учун ҳам тегишли билим, кўникма ва малака бериш керак. Болажонларнинг экологик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган замонавий маънавият ва маърифат бериш воситаларидан фойдаланиш замон талабидир.



### Қайтариш учун саволлар

1. Экологик таълим ва тарбиянинг методологик томонлари нимада?

2. «Табиатшунослик» ва «Экология» атамаларига таъриф беринг!

3. Экологик таълим билан экологик тарбиянинг нима фарқи бор?

4. Нима учун МТТда бир пайтнинг ўзида ҳам тарбияланувчиларга ҳам тарбиячиларга экологик таълим–тарбия беришимиз лозим?

5. «Экологик тоза давлатларда» экологик таълим-тарбия қандай йўлга қўйилган?

6. Мактабгача таълимда рақамли иқтисодиётни Сиз қандай тасовур қиласиз?



## Тест топшириқлари

**1. Мактабгача экологик таълимнинг методологик ёндошувида қандай ҳолат инобатга олиниши керак?**

- А) экологик вазият
- Б) иқтисодий имконият
- В) миллий сиёсат
- Г) ҳар уччаласи ҳам инобатга олинади.

**2. Махсус «Табиат марказлари»да боланинг 5 ёшидан бошлаб экологик таълим ва тарбия қайси бир давлатда олиб борилади?**

- А) Норвегия
- Б) Швеция
- В) Германия
- Г) Финляндия

**3. «Жажжи эколог» деворий кўргазмадаги карточкадаги расмлар қай тарзда ва нимани акс этиши керак?**

- А) рангсиз, фотосуратларда ва табиатни акс эттириши
- Б) рангли, фотосуратларда ва табиатни акс эттириши
- В) рангсиз, қўл чизмада ва маҳаллий ижтимоий шароитдан келиб чиқиши
- Г) рангли, қўл чизмасида ва маҳаллий табиий шароитдан келиб чиқиши.



## 3-боб. ЭКОЛОГИК БОШҚАРУВ ВА МЕНЕЖМЕНТ



### 3.1. Давлатнинг экологик бошқаруви

Бозор иқтисодиёти амалиётида, жумладан мактабгача таълим тизимида «бошқариш» ва «бошқарув» каби сўзлар жуда кўп учрайди. Лекин уларнинг тушунчасига нисбатан ягона бир ёндошув ҳанузгача аниқланмаган (3.1.1-жадвал).

3.1.1-жадвал

#### *«Бошқариш» ва «бошқарув» сўзларига берилган таърифлар*

<b>Бошқариш</b>	<p>Ҳар хил табиатли (биологик, ижтимоий, техник ва ҳ.к.) уюшган тизимлар элементи функцияси; бу тизимларни муайян тузилмада сақлаш, фаолият тартибини бирор маромда тутиб туриш, уларнинг дастур ва мақсадларини амалга оширишни таъминлайди</p>	<p>Энциклопедик луғат. – Т.: ЎСЭ, 1988. –Б.119–120</p>
	<p>Хўжалик объектининг иқтисодий тизими ҳолатини тартибга солиш ва йўналтириш жараёни; субъектлар, идоралар томонидан кишилар ва иқтисодий объектларга онгли мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатишни билдиради, уларнинг фаолиятини йўналтириш ва кўзланган натижаларга эришиш мақсадларида амалга оширилади</p>	<p>Ўзбекистон Мииллий энциклопедияси. 2-жилд. – Т.: ЎМЭ, 2001. – Б.185.</p>
	<p>Муайян бир усул ёки жиҳоз орқали ниманидир тартибга солиш, йўналтириш, ишлатиш</p> <p>Давлатни идора қилиш усули</p>	<p>Словарь русского языка. – М.:Изд. иностр. и нац. словарей, 1961. – С. 691</p>
<b>Бошқарув</b>	<p>Хўжалик объектининг иқтисодий тизими ҳолатини тартибга солиш ва йўналтириш жараёни</p>	<p>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Т.:ЎМЭ, 2006. –Б. 344-345</p>
	<p>Ниманидир бошқариш ҳаракати. Масалан – давлат бошқарув органлари, ташкилот ёки муассасани бошқариш, жиҳозлар мажмуасини бошқариш, сўзларни тузиш (синтактик бошқарув), бошқаришни олиб боришдаги инсон ҳаракатлари</p>	



Юқорида берилган таърифлардан шундай хулоса қилиш мумкинки **бошқариш** – бу ҳолат, **бошқарув** эса **жараёндир**. Экологик бошқарув ҳам ижтимоий категорияга, яъни кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш шаклидир. Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун уни боқариш керак бўлади. Лекин, экологик бошқарувда бир муҳим барқарор ривожланиш талаби – «*ҳамма нарса инсон ва унинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун*» деган тамойилга амал қилинади. Шунинг учун ҳам «Экология» фан соҳаси, таълим–тарбия йўналиши ва амалиёт тармоғида «ҳозирги ва келажак авлодлар учун» деган ибора бирламчи аҳамият касб этади.



**Экологик бошқарув** – атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи ва экологик хавфсизликни таъминловчи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи органлар ваколатлари, функциялари ва уни амалга ошириш усулларини қўллаш механизми.

Экологик хавфсиз яшаш (тирик мавжудотлар) ва фаолият юритиш (одамлар) муҳити – организмларнинг муайян экотизимларда беҳатар ҳолатда кўпайиши, ўсиши ва ривожланиши учун тоза, соғлом ва қулай атроф табиий муҳит ҳолати.



**Экологик бошқаришнинг мақсади** – ҳозирги ва келажак авлодлар учун барча тирик мавжудотлар яшаш ва фаолият юритиш муҳитининг экологик хавфсизлигини таъминлашдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш.

Экологик бошқарувнинг мақсадига эришиш учун **экологик фан, таълим–тарбия ва амалиётда қуйидаги вазифаларни** бажариш жараёнини тартибга солиш лозим:

- замон талабларига тўлиқ мос келадиган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига кадрлар таёрлаш, қайта таёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини шакллантириш;
- экологик таълим–тарбияни оммавий ва одат тусига айлантириш, яъни «экологик маданиятли шахс»ни тайёрлаш;
- экологиянинг умумэтироф этилган ҳамда амалиёт билан узвий боғланган илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш;

- тарихи, ҳозирги ҳолати ва келажак истиқболини турли миқёсда (*глобал, регионал, миллий, локал*) белгилаб бориш;
- табиат бойликларни ҳисобга олиш, баҳолаш, назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш;
- ҳамжамият, давлат ва жамиятнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги талабларини амалга кенг жорий қилиш;
- экологик тусдаги фуқаролик жамияти (нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат уюшмалари) институтларини бошқарувдаги фаолиятини йўлга қўйиш;
- экологик назоратни ўрнатиш ва уларни тавсия кучидаги маълумотларидан бошқарувда кенг фойдаланиш механизмини шакллантириш;
- турли миқёсда истиқболга йўналтирилган экологик-ҳуқуқий меъёр, концепция, режа ва дастурларни экологик вазиятга қараб такомиллаштириб бориш ҳамда ишлаш механизмини яратиш;
- турли миқёсда экологик жавобгарликни белгиловчи ихтисослашган тергов, суриштирув, прокуратура ва суд органлари тизимини яратиш;
- экологик муносабатларни рағбатлантириш ёки мотивациялашнинг ҳуқуқий тизимини ишлаб чиқиш;
- фаолият юритувчи «экологик тез ёрдам» хизматини ташкил этиш;
- экологик тангликдаги қуруқлик (Оролбўйи, Чернобиль, Марказий Африка каби) ҳудудлари ва сув (Орол денгизи, Балхаш ва Чад кўллари каби) акваторияларини халқаро ҳамжамият орқали ҳал қилиш;
- турли миқёсдаги экологик терроризм ва коррупциянинг олдини олиш йўллариини ишлаб чиқиш;
- жамиятнинг табиатга нисбатан экологик муносабат шаклини амалга жорий қилиш ва ҳ.к.

Эътибор билан юқорида қайд этилган экологик вазифаларга назар солсак «турли миқёсда» деган ибора кўп ишлатилган. Зеро халқаро миқёсда умумэътироф этилган экологик принциплардан бири «турли миқёсдаги экотизим ўзаро узвий боғланган ва улар ҳеч қандай

маъмурий чегара қонидларига бўйсинмайди». Айниқса глобаллашув жараёни тобора кенгайиб бораётган бир пайтда маҳалла, туман, шаҳар ва республикада хоҳ ижобий, хоҳ салбий экологик фаолият албатта экотизимларнинг юқори иерархия зинапоясида ёки поғонасида турувчи яшаш маконига ўз аксини албатта топади. Буни экологик бошқарувда ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак. Масалан, Марказий Осиё мелиорация ва ирригацияга доир собиқ Иттифоқ бошқарувидаги ноэкологик сиёсат глобал миқёсдаги «Орол фожиаси»га олиб келди. Хитой, Ҳиндистон ва АҚШ каби давлатларнинг атмосферага ҳаддан зиёд кўп чиқараётган чиқиндилари «глобал иқлим иссиши»ни сабабчиси бўлиб қолмоқда.

Экологик бошқарувни самарали олиб бориш учун уни бир қатор тизимлашган қисмларга ажратиб олинади (3.1.1-расм). Экологик бошқарув тизими қисмларининг иерархик жойлашуви айнан унда кўрсатилган қатъий кетма-кетликда жойлаштирилади ва у амалга тадбиқ этилади.



3.1.1-расм. Экологик бошқарув тизимида хизмат қиладиган қисмлар

Экологик бошқарув айнан *экологик кадастр* аниқроғи, табиий объектларнинг кадастрини юритишдан бошланади. Кадастр – француз тилида «kadastre» – реестр, рўйхат, деган маънони англатади.

Одатда, ушбу рўйхатлаш умумий объектлар бўйича эмас, балки аниқ бир моддий, жумладан, табиий объектларга нисбатан қўлланилади.

ЎзРнинг 2000 йил 15 декабрдаги «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига биноан экологик кадастр давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбу ягона тизим республика ва унинг муайян ҳудудлари табиий–иқтисодий салоҳиятининг ягона умумдавлат ҳисоб-китоби юритилишини ва баҳоланишини таъминлашга мўлжалланган кўп мақсадли тизим тариқасида яратилади.

**Экологик кадастр** – экотизимларнинг жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдори, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган (ўзгарувчан) маълумотлар ва ҳужжатлар тизими. Экологик кадастр объектлари турли мамлакатларда турлича белгиланади. Масалан, ЎзРда Давлат кадастрларидан экологик кадастр объектларига 10 таси киритилиши мумкин (3.1.2-расм).



3.1.2-расм. Экологик кадастрни юритиш объектлари


Экологик кадастрни юритишда худудни тўлиқ қамраб олиш, фазовий координатларининг ягона тизимини қўллаш, услубиятнинг умумийлиги, ахборотнинг аниқлиги ва оммавийлиги каби ҳуқуқий принципларга асосланилади. Мазкур кадастрларни ижроия ҳокимият, махсус ваколатланган давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан аксарият ҳолларда давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам уларни номлашда кўпинча «давлат» сўзи қўшиб ишлатилади.

Давлат экологик кадастр объектларини баҳолаш – бу табиий унсур ҳамда экотизимларнинг сифат ва қиймат жиҳатлари. Экологик кадастр объектлари бўйича ҳужжатлар – экотизим ва унинг компонентларига нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар йиғма жилди, картаси (плани), китоби, ҳолати ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Экологик кадастр объектлари бўйича ахборот давлат бошқарув органларига бепул, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга эса белгиланган тартибда ҳақ эвазига тақдим этилади.

Экологик кадастр экологик назоратни олиб боришнинг иқтисодий, ижтимоий, табиий, ҳуқуқий асоси бўла олади. ЎЗР 2013 йил 27 декабрдаги «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ *экологик назорат – атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизими.*

ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 августдаги 216-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомга биноан унинг объектлари, шакллари, турлари ва олиб бориш методлари умумлаштирилган тарзда берилган (3.1.3-расм).

**Экологик назорат йўналишлари:** экологик назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш; фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи



3.1.3- расм. Экологик назорат объектлари, шакллари ва турлари

учун қулай атроф-муҳитни яратиш; экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат (Вазирлар Маҳкамаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Саноат хавфсизлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмиталари, Соғлиқни сақлаш, Сув хўжалиги ва Ички ишлар вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси), маҳаллий

давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқарув, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар билан атроф-муҳитнинг муҳофаза қилиниши ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш борасида ҳамкорлик қилишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш; экологик назорат соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, экологик назорат жуда кенг қамровли ва турлича йўналишдаги фаолият бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у ягона тизимга бирлаштирилади.

*Экологик назорат хизмати тизимига:* давлат экологик инспекциялар хизмати; экологик мониторинг хизмати; ҳуқуқни муҳофаза қилиш давлат органлари хизмати; ички идоравий ва ишлаб чиқариш органлари хизмати; жамоат бирлашмалар хизмати киради.

Экологик назорат инспекцияси давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ҳамда махсус ваколатланган давлат идоралари томонидан амалга оширилади. Улар ҳам ўз экологик бошқарув ваколатларидан келиб чиққан тарзда умумий ва махсус экологик назоратловчи давлат органларига ажратилади.

*Экологик мониторинг* – экологик назоратнинг биринчи босқичи бўлиб, у атроф-муҳит (эко-тизимлар) ҳолатининг даврий ўзгаришини (кадастр маълумотларига асосланган тарзда) кузатиб бориш, ҳисобга олиш, баҳо бериш ва истиқболни белгилаш тизими. У локал, миллий, регионал ва глобал миқёсда олиб борилади.

Ўзбекистонда миллий экологик мониторинг тизими 1972 йил БМТнинг Стокгольм конференциясида қабул қилинган атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган резолюциясида акс эттирилган принципларга мос равишда олиб борилмоқда. Унинг ҳуқуқий асоси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддаси, 2002 йил 3 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг 111-сонли қарори билан тасдиқланган «Атроф табиий муҳитни давлат мониторинги тўғрисида»ги Низом, махсус ваколатланган давлат органларининг Низомлари ҳамда бошқа қонун ости норматив ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади. Лекин, Ўзбекистонда экологик

мониторинг «атроф-муҳит мониторинги» деб юритилади ва у фақатгина давлат органлари томонидан олиб борилади дейиш нотўғридир. Экологик кадастрдан фарқли равишда, экологик мониторинг нодавлат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш идораларига ҳам хос бўлган назорат туридир.

Экологик мониторинг хизмати давлат бошлиғи, ҳокимиятлар ва ижроия органларига атроф-муҳит (экотизимлар) ҳолатига доир маълумотларни ўз вақтида етказиб бериш орқали экологик йўналишдаги махсус ваколатланган давлат инспекцияси хизмати фаолиятини аниқ ва жадал суръатларда олиб боришга асос бўлади. Экологик мониторинг маълумотлари очиқ-ошкора равишда олиб борилиши керак. Ушбу ахборот, аввало, экологик бошқарув органларида умумлаштирилади ва баҳоланади. Салбий экологик ҳолат бўйича мониторинг маълумотлари дарҳол аҳолига эълон қилиниши талаб этилади.

Экотизимларнинг миқдори, сифат ва бошқа хил кўрсаткичлари, улардан фойдаланиш ҳажми, тартиб тамойилини ҳисобга олиб бориш учун давлат табиий ресурслар кадастрини юритади. Экотизимлар ҳолатига зарарли таъсир этиши мумкин бўлган объектлар, уларни ифлослантирувчи зарарли моддалар, уларнинг миқдори, ишлаб чиқариш ва коммунал чиқиндиларининг ҳажмлари, таркиби ҳам назорат этиб борилади ва давлат ҳисобига олинади.

Бошқарув органларида доимо ҳам экологик қоида ва қонуниятларни тушунадиган ходимлар бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда назоратчилар мутахассислар хулосасини олишга тўғри келади. Фанда уни *экологик экспертиза* деб аталади. Экспертиза сўзи лотинчада «expertus» – «тажрибали» деган сўздан олинган бўлиб, у маълум бир масалани тажрибали мутахассис томонидан хулосалаш демакдир.

ЎзР экологик қонунчилигида илк бор экологик экспертиза 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг махсус VI бўлим 24–27-моддаларида ёритиб берилди. Ушбу қонуннинг 4-моддасида эса экологик экспертизанинг мажбурийлик принципи белгилаб қўйилди. Лекин, «Табиатни



муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун экологик экспертизанинг императив (қатъий) шартларини белгилади холос. Унинг асл моҳияти, турлари, олиб бориш методлари, муддатлари, принциплари ва объектлари эса ёритилмай қолган эди. 2000 йил 25 майда қабул қилиниб, 1 июлдан кучга кирган «Экологик экспертиза тўғрисида»ги ЎзР Қонуни ҳуқуқий-экологик механизмни шакллантиришда ва уни ҳаётга татбиқ қилишда катта ҳисса қўшди десак асло муболаға бўлмайди.

*Экологик экспертиза – режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш.*

Экологик экспертизанинг асосий мақсади ва вазифалари – мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни режалаштириш ҳамда амалга оширишдан аввал ушбу фаолиятни экологик талаблари хусусан, фуқаролар соғлиғига қай даражада таъсир этиши мумкинлигини аниқлаш, шунингдек, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг экологик талабларга жавоб бера олиши етарлилиги ва илмий асосланганлигини аниқлашдан иборат (3.1.4-расм).

Экологик экспертиза объекти бўлиб давлат дастурлари, концепцияларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш кучлари, ижтимоий ва иқтисодий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш лойиҳаларини тузиш; барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш, ҳужжатларни тайёрлаш ва ўтказиш; техника, технология, материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар тайёрлаш; алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва фавқулодда экологик вазият ҳамда экологик офат зона(тегра)лари мақомини бериш; шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни амалий қўллаш механизми ҳам экспертиза объекти бўлади ва улар, албатта, мутахассислар хулосасига муҳтождир.



3.1.4-расм. Экологик экспертиза турлари, принциплари, объектлари, субъектлари ва усуллари

Экологик экспертиза *давлат, жамоат ва ихтисослаштирилган фирмалар* томонидан ўтказилиши ҳам мумкин. Лекин, *давлат экологик экспертизасидан* ўтиш инсон фаолиятининг юқорида санаб ўтилган ҳамма жабҳалари учун мажбурийдир. Шунинг учун ҳам махсус ваколатланган органларнинг турли мақомдаги эксперт бўлинмалари томонидан ўтказилиши мумкин. Агарда хўжалик ёхуд бошқа фаолият юритувчи субъект (буюртмачи) давлат экологик эксперт комиссияси хулосасидан қониқмайдиган бўлса, у ўз эътирозини умумий ёки хўжалик судларида кўриб чиқиш учун даъво билдиришга ҳақли.

Давлат экспертизасини ўтказиш муддати турлича белгиланади. Масалан, Ўзбекистонда унинг муддати 30 кундан ошмайди ва айрим ўта мураккаб шароитларда бош давлат эксперти рухсати билан 2 ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Ушбу экспертиза фаолиятини молиялаш буюртмачилар ҳисобидан амалга оширилади.

Фуқаролар, фуқаролар йиғини, ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан *жамоат экспертизасини* ўтказишга ҳақли. Экологик экспертиза нуқтаи назаридан улар ўз маблағлари ҳисобига, давлат экспертизасидан ташқари мустақил ҳолда экологик экспертизани ўтказишлари мумкин. Фақатгина жамоат экологик экспертиза хулосаси тавсия кучига эга бўлади ва давлат экспертиза хулосасини текшириб кўриш ҳамда судга даъво эътирози билан чиқиш имконини беради.

Жамоат экологик экспертизасини ўтказиш учун фуқаролар, фуқаролар йиғини ёки жамоат ташкилотлари мустақил эксперт комиссиясига «Экологик оқибат аризасини» беришлари керак. Бу аризада улар икки масалани ёритишлари лозим:

- *экологик таваккалликни ҳисобга олган тарзда атроф табиий муҳит ҳолатининг бузилиш оқибатлари;*
- *экологик зарар оқибатларини тугатиш, атроф-муҳит ҳолатини тиклаш ва мўътадиллаштириш учун зарурий чора-тадбирларни кўрсатишлари керак.*

Экспертларнинг вазифаси эса ушбу вазият ёки ҳолатни тўғри ёки нотўғрилигини исботлашдан иборат, холос. Агарда жамоат

экспертизаси давлат экспертизаси хулосаси билан мос келмаса, унда ушбу низоли ҳолат ҳақида давлат экологик экспертизасини тайинловчи давлат органи, прокуратура ёхуд суд органларига муурожаат этиш орқали масалага ойдинлик киритилади.

Бозор муносабатларининг ўзига хос томонларидан бири турли кўринишдаги аудиторлик фаолиятини шакллантиришдан иборат. Аудит инглиз тилида «audit» – «текшириш», яъни бухгалтерия китоблари, ҳисоботлари ва ҳужжатларини тафтиш қилиш, деган маънони англатади. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш 2000 йил 26 майдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун ва шу асосда қабул қилинган ҳужжатлар билан тартибга солинади.

*Экологик аудит* – экологик муносабат субъектларининг бухгалтерия китоблари, ҳисоботлари ва ҳужжатларини тафтиш қилиш. Аудиторлик фаолияти аудитор(аудит фирма)лар томонидан тадбиркорлик фаолияти кўринишида амалга оширилади. Экологик аудит бир мунча ўзига хос кўринишга эга. Экологик аудит уч хил:

- 1) ишлаб чиқариш экологик экспертиза;
- 2) ҳудудий экологик экспертиза;
- 3) экологик консалтинг кўринишида олиб борилади.

*Ишлаб чиқариш объектларини экологик аудитлашнинг* мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир талаб ва йўриқномаларга корхоналарнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғри келиши, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бўйича тавсияномаларни тайёрлаш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланишдаги сарф-харажатларни текширишдир. Бундай текширув ишлари молиялашдан аввал ва назоратловчи органлар билан бўладиган низоли ҳолатларда амалга оширилади.

*Ҳудудий экологик аудит* – аниқ бир ер участкалари ёки ҳудудларни табиий ресурс имкониятларини салбий табиий ҳодисалар ҳамда атроф табиий муҳитга техноген жараёнларнинг таъсирини ва уларнинг турларини аниқлашни баҳолашда қўлланилади. Ушбу экологик аудит тури кўчмас мулк ва ер участкалари юзасидан бажариладиган операциялар билан шуғулланиш; дастлабки хулосани

шакллантириш ва у билан жамоатчиликни таништириш; экспертиза хулосасини тақдим қилиш ва юқори ваколатли органлар томонидан тасдиқлаш; низоларни ҳал қилиш кабилар киради.

Хулоса қилиб айтганда, экологик кадастр, назорат, экспертиза ва аудит экологик бошқарув самарадорлигини оширувчи тизимдир. Унинг кетма-кетлигига амал қилиш, мулк шаклидан қатъий назар, мактабгача таълимда болажонлар ва ходимларнинг соғлом турмуш тарзида ўз ижобий натижаларини беради.



## 3.2. Экологик менежмент

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда илк бор бозор муносабатлари йўлга қўйила бошлади. Дунё бўйича бозор муносабатлари шартли равишда уч хил шаклда: эркин бозор (АҚШ мисолида кўриш мумкин), ижтимоий муҳофазаланган бозор (Швеция мисолида), давлат томонидан бошқариладиган бозор (Хитой мисолида) намоён бўлади. Бир ижтимоий формациядан, яъни тоталитар ва давлат ҳокимияти барча ижтимоий муносабатларни қатъий бошқарадиган социалистик тузумдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ЎзРда давлат ўзининг бош ислоҳатчилик функциясини сақлаб қолиш мақсадида бизларга кейинги 30 йил ичида жадал суратларда ривожланиш йўлига ўтиб олган Хитой Халқ Республикасининг бошқарув шаклини танлаш ва «давлат томонидан бошқариладиган бозор» муносабатларига ўтиб олиш ўз самарасини бермоқда.

Собиқ Иттифоқ республикалари ичида биринчи бўлиб қабул қилинган *ЎзР Конституциясининг* 36-моддасига биноан «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли». *53-моддасида* эса «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини *хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади*. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуворлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва

ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк, бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.», деб битилган.

Асосий қомусимиз – Конституциядан келиб чиққан тарзда 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган ва 6 ой ўтгандан сўнг амалга жорий қилинадиган **«Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»**ги қонуннинг 4-бобида, давлат МТТдан ташқари, **юридик ва жисмоний шахслар томонидан нодавлат, жисмоний шахслар томонидан оилавий кўринишдаги МТТни** ташкил этилиши мумкин, дейилган. Бундай нодавлат МТТ ташкил этиш жараёни 2018 йилдан буён йўлга қўйилган, эндиликда эса буни қонун мақоми даражасига олиб чиқилди.

Бошқарувда «менежмент» термини Республикамизга айнан бозор муносабатларига йўналтирилган иқтисодиёт орқали кириб келди. Собиқ Иттифоқ даврида ҳамма нарса фақатгина давлат мулки сифатида қаралган ва унда менежментга ўрин йўқ эди.

Менежмент ўзи нима? Уни қандай тушунмоқ керак? Адабиётларда унга доир турли қарашлар мавжуд. Қайси бири тўғри-ю, қайси бири нотўғри? Барча саволлар ўринли, зеро 3.2.1-жадвалда келтирилган биргина «Экологик менежмент» атамасига берилган таърифлар бунинг исботидир. Мазкур тушунчаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, МДХ мамлакатларида (аксарият ҳолда иқтисодчилар томонидан) чоп этилаётган ўқув адабиётларда менежмент – «бошқарув санъати», «бошқарув тизими», «бошқариш усули» сифатида акс эттирилган. Лекин, СССР пайтида ҳам қатъий давлат бошқарув санъати, тизими, усуллари амалда бўлган-ку. Аммо ўш даврда бозор иқтисодиёти эмас, балки режали иқтисодиётга таянилган. Унда барча ташкилот, корхона, муассаса, бирлашма каби жамоат, яъни корпоратив уюшмалар фақатгина давлат бошқарув тизимида турган ва улар давлат мулки сифатида фаолият юритганлар. Ривожланган ва кўп асрлик бозор муносабатлари тарихига эга бўлган ғарб мамлакатларида менежмент ижтимоий ҳаёт ва иқтисодиётда мустақил фаолият юритувчи корпоратив мулк сифатида қаралган.

**«Экологик менежмент» тушунчаси адабиётларда берилган таърифлар**

Т/р	“Экологик менежмент” тушунчаси	Муаллифлари	Асарнинг номи ва чоп этилган йили
1.	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати ва стратегияларини амалга тадбиқ қилиш учун компаниялар фаолиятини самарали бошқариш	Gray R, Bebbington J. Walters D., 1993	Е. И. Хабарова. Менежмент в России и за рубежом// Менежмент на стыке экономики и экологии – 2000. - №3. – С.111 – 117.
2.	Умумий менежментнинг бир қисми бўлиб, у экологик қоидаларни корхоналарда ишлаб чиқиш, жорий қилиш, амалга ошириш ва риоя этиш, яъни корхоналарнинг онгли экологик бошқаруви	Fischer H., Wucherer C, Wagner B., Burschel C., 1997.	
3.	Атроф-муҳит билан муносабат	Mueller K., 2001	
4.	Умумий менежментнинг бир қисми бўлиб, у экологик сиёсат, мақсад ва вазифаларни тадбиқ этишдаги корхоналар тузилмаси, режаси, жавобгарликлар тақсимоти, амалиёти ҳамда жараён ва ресурслар	Халқаро стандарт: ISO 14000 и <a href="#">ISO 14031</a> . Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Умумий талаблар.	Т.В.Гусева и др. [Электронный ресурс]. <a href="http://www.14000.ru/articles/viniti.php">http://www.14000.ru/articles/viniti.php</a> .
5.	Корхоналарда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	Европа Иттифоқи ( <a href="#">EMAS</a> ) Экологик менежмент ва аудит. 2000 й.	В. Чижикова // Стандарты и качество. – 2003. № 2. С. 88–91. // ИСО 9000 + 14000. – 2004. № 4. С. 17–19.
6.	Экологик самарадорлик ва адолатлилик принципларга асосланган ўзининг экологик мақсадларига эришишга қаратилган иқтисодийёт субъектларининг ташаббусли ва натижавий фаолияти	Масленникова, Л. М. Кузнецов В. Н. Пшенин. И. С.	Экологический менежмент: учебное пособие – СПб. , 2005. – 200 с.
7.	Экологик сиёсатда акс эттирилган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурларини амалга тадбиқ этиш мақсадида аниқ бир ташкилий тузилмага эга бўлган корпоратив бошқарув тизими	Хабарова, Е. И.	Менежмент на стыке экономики и экологии / Менежмент в России и за рубежом. – 1999.№3. С.111-117
8.	Минитехнотизимларда (корхона, ташкилот ва муассасаларда) экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган корпоратив бошқарув	Нигматов А.Н., Ташпулатов С.Ш., Мухамедов Ш.Н., Хасанова Н.А.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экологик менежмент, 2015
9.	Минитехнотизимларда (корхона, ташкилот ва муассасаларда) атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат компонентларини қайта тиклашга қаратилган корпоратив бошқарув		

Шундай қилиб, «**Менежмент**ни – корпоратив бошқарув, яъни турли нодавлат мулк шаклидаги ташкилот, корхона, муассаса, бирлашма каби жамоат уюшмаларни бошқариш, деб айта оламиз. Экологик менежмент эса – муайян технотизимларда (муассаса, корхона, ташкилот каби жамоат уюшмаларда) экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган корпоратив бошқарув жараёнидир.

Юқорида экология атамасига берилган тушунча нуқтаи назардан қараганда, экологик фанлар объектида (Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанидан фарқли равишда) «минитехнотизимлар» эмас, балки «экотизимлар» атамасини қўшган маъқул. Зеро, экология фанининг объекти – экотизим<sup>1</sup>, лекин у умумэътироф этилган даражада таснифланмаган.

Шундай қилиб **экологик менежмент** – экотизимларда (корхона, ташкилот ва муассасалар каби жамоат уюшмаларида) атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат унсурларини қайта тиклашга қаратилган корпоратив бошқарув, дейиш мумкин. Мазкур тушунча кенгроқ маънода акс эттирилган одатий кўринишга эга бўлиб, у Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишнинг амалий талабларига мос тушади.

Гарчанд менежмент тарихи бозор мунасабатларининг пайдо бўлиш тарихига ҳамоханг бўлсада, унда нафақат миллий миқёсда қабул қилинган тегишли бошқарув талаблари, балки халқаро менежмент талабларига мос тушадиган стандартларга корпоратив бошқарувда амал қилишга тўғри келади.



**Халқаро менежмент стандарти** – муайян корпоратив фойлиятни сертификатловчи ҳамжамият томонидан умумэътироф этилган сифат даражаси.

Экологик менежмент нисбатан янги турдаги корпоратив бошқарув турига киради. Экологик менежмент ривожланиш тарихий босқичлари корпоратив бошқарувга қаратилган ғоялар тизими, яъни

<sup>1</sup> A.Nigmatov. Ekologiyaning nazariy asoslari.–O'FUM nashriyoti, 2013. 42-47-b.



концепцияси билан ажралиб туради<sup>1</sup>. Ушбу босқичларни экологик менежмент нуқтаи назардан қуйидаги гуруҳларга ажратиш ва номлаш мумкин: назоратлаш → тартибга солиш → бошқариш → комплекс бошқариш.




Дунё бўйича 1996 йилда экологик менежментни юритувчи ва халқаро стандартларга жавоб бера оладиган 1 491 та юридик шахслар рўйхатга олинган бўлса, 2000 йилда – 22 897, 2004 йилда – 72 877, 2010 йилда – 235 435 тага кўпайган.

1970 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида давлат бошқарув органларига экологик назорат функцияси бериладиган бўлди (3.2.1-расм). Ушбу назорат корхоналарда турли шакл ва кўринишдаги мослама қурилмаларни ўрнатишга, яъни завод ва фабрикаларнинг қувирларидан чиқаётган чиқиндиларни текшириб бориш ва тегишли жавобгарликка тортиш мақсадида ташкил этилган эди. Бу ҳолат атроф-муҳитни ифлослантиривчи корхоналар учун жуда қимматга туша бошлади. Натижада корхоналарни ички экологик корпоратив бошқарув тизими жорий қилинди. Лекин, мазкур мажбурий чоралар катта самара бермади, яъни «Қувирнинг охири» кўринмай қолди.

1983 йил БМТнинг Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожланиш комиссияси тузилди ва унга «Брундтланд комиссияси» деб ном берилди, чунки комиссия раиси этиб Норвегиялик давлат ва жамоат арбоби Гро Харлем Брунтланд сайланди. У 1987 йил БМТ Саммитида «Бизнинг умумий келажагимиз» номли маърузасида «Иқтисодиёт кишиларнинг қонуний эҳтиёжларини қондириши керак, лекин унинг ўсиш чегараси планетамизнинг экологик имкониятларидан ошиб кетмаслиги лозим», деган талабни бутун дунё ҳамжамияти олдига қўйди. Натижада, 1980 йилларда юридик ва жисмоний шахсларнинг экологик корпоратив бошқариш функцияси

---

<sup>1</sup> Чижикова, В. Практика сертификации систем управления окружающей средой на предприятии по ГОСТ Р ИСО серии 14000 / В. Чижикова // Стандарты и качество. – 2003. – № 2. – с. 88–91.




3.2.1-расм. Экологик менежментнинг ривожланиш босқичлари

юзага келди. Ривожланган мамлакатларда «Чиқиндисиз технологиялар»га асосланган иқтисодиёт пайдо бўла бошлади.

1992 йилнинг июнида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда 179 та давлатдан келган юқори мартабали раҳбарлар Ер планетаси муаммоларига бағишланган қизиқарли ва унумли учрашувлари натижасида 700 бетлик «XXI аср кун тартиби»ни қабул қилдилар. XXI асрга келиб «Барқарор ривожланиш концепцияси»ни, яъни иқтисодий ривожланиш, ижтимоий муҳофазалаш, экологик хавфсизликни таъминлашнинг ягона бир мажмуада турувчи ва бир пайтнинг ўзида уни амалга

оширувчи жараён эканлиги тан олинди. 2010 йил ЎзР Биринчи Президенти И.Каримов ҳам ўзининг БМТнинг Минглик ривожланишга бағишланган Саммитида қилган маърузасида ушбу концепцияни маъқуллади ва Ўзбекистон ҳам ушбу жараёнга фаол кириша боришни таъкидлади.


Экологик менежментнинг мақсади ва вазифалари 3.2.2-расмда акс этган бўлиб, у корпоратив бошқарувнинг мазмуни ва моҳиятига қараб турли шаклда намоён бўлади.



3.2.2-расм. Экологик менежментнинг мақсади ва вазифалари

Ишлаб чиқариш корхоналарида экологик менежмент мақсади таълим хизматини кўрсатишга мўлжалланган муассасалардан тубдан фарқ қилиши мумкин. *Экологик менежментнинг вазифалари* – экологик менежментнинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган чора-тадбирлардан иборат бўлади. Таълим муассасаларида у муайян тизимга солинган ва таълим–тарбия жараёни барча жиҳатларини қамраб оладиган, аввалам бор профилактик хусусиятга эга чоралардан иборат бўлади.


*Экологик менежментнинг тузилиши* – муассаса, корхона ва ташкилотларда экологик бошқарувнинг зарурий қисмлари. Улар тизимлашган кўринишда кўрсатилган бошқарув элементлардан иборатдир (3.2.3-расм).



3.2.3-расм. Экологик менежментнинг тузилиши

Мазкур экологик менежмент элементларини амалда мактабгача таълим ташкилотлари учун биров мушкул туюлиши мумкин. Лекин ушбу элементларни шакллантирмай туриб МТТда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 352-сон қарорида белгиланган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишидаги вазифаларни бажаришлик жуда мушкул бўлади.

Корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш учун қатъий йўналтирилган экологик менежмент принципларига амал қилиш (3.2.4-расм), экологик фаолиятни режалаштириш (3.2.2-жадвал), яъни




3.2.4-расм. Экологик менежмент фаолиятини йўналтирувчи қоидалар

*Экологик менежмент механизми – корпоратив даражада экологик фаолият хавфсизлигини таъминлаш учун муайян муддатга мўлжалланган тактик ёки стратегик ривожланишнинг «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш (3.2.5-расм).* Экологик қонунчилик тизимига оид ҳуқуқий-меъёрий нормаларни муассаса, корхона, ташкилотда жорий этиш жараёни.

*Экологик фаолиятни режалаштириш*

<b>Т/р</b>	<b>Режага киритиладиган масалалар</b>	<b>Изоҳ</b>
1.	<i>Ички ва ташқи экологик фаолият</i>	Фаолият самарадорлигини ошириш учун йўналтирилган чора-тадбирлар
2.	<i>Ходимларни мотивациялаш</i>	Ходимларнинг экологик маданиятини рағбатлантириш
3.	<i>Ички экологик назорат ва мониторинг</i>	Экологик талофатларни олдини олишни профилактикалаш
4.	<i>Экологик фаолият таҳлили ва баҳоланиши</i>	Тегишли маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қарорларни қабул қилиш
5.	<i>Экологик бошқарув ва менежмент тизимини такомиллаштириб бориш</i>	Экологик бошқарув фаолият натижасини прогнозлаш



3.2.5-расм. Экологик менежментни жорий қилиш механизми

Ўзбекистонда турли мулк шакллари ривожланиб бораётган бир пайтда, таълим муассасаларида, жумладан МТТда экологик менежментни йўлга қўйиш шу куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Бундай вазиятда давлатнинг тегишли бошқарув давлат-хусусий шерикчилик асосида олиб борилиши корпоратив бошқарувни давлат сиёсатига мос равишда бошқарилишини таъминлайди ва жамиятнинг экологик хавфсизлиги рўёбга чиқаришда ўз хизматини ўтайди.



### 3.3. Мактабгача таълимда экологик бошқарув ва менежмент


ЎзРнинг 2017 йил 30 сентябрдаги *«Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»*ги ПФ-5198 сонли Фармонида мазкур соҳа узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги МТТ сони 45 фоизни ташкил этиб, болаларнинг қамраб олиниши 30 фоиздан ҳам тушиб кетди, моддий-техника базаси замонавий талабларга жавоб бермай қолди. МТТ фақатгина таълим эмас, балки тарбия муассаси сифатида ушлаб турилди. Шунинг учун ҳам бошланғич таълим умумий ўрта таълимнинг 1–4-синфларида олиб борилди. Эндиликда бошланғич таълимни мактабгача таълим олиб кириш учун унинг бошқарув тизимини тубдан қайта кўриб чиқишга тўғри келади.



**Бошқарув функцияси** – расмий тусдаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатларда белгиланган субъектларнинг тегишли йўналишдаги ижтимоий муносабатларни тарбия солишдаги бошқарув вазифалари.

Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилгандан буён болажонларни МТТга қамраб олиш даражаси 2020 йилнинг март

ойига келиб 55%га етди. Лекин бундай ижобий жараён ҳамма маъмурий бирликларда бирдай эмас (3.3.1-расм).



3.3.1-расм. *ЎзР ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳарида мактабгача таълимга болаларни қамраб олинганлик ҳолатини акс эттирувчи карта*

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида «Ўтган йили амалга оширган ишларимизни танқидий таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман... **«Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак»** деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур. Бунинг учун, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислох қилишни бошладик»<sup>1</sup>.

ЎзР Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги **«Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»**ги ПҚ-

<sup>1</sup> <http://uza.uz/oz/> 25.01.2020



3305-сон қарорига мувофиқ ЎзР Мактабгача таълим вазирлиги (МТВ), Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) мактабгача таълим бўлимлари ташкил этилди. Қарорнинг 1-илоvasи «ЎзР Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисида Низомидан келиб чиққан тарзда уларга экологик тусдаги вазифалар ҳам юклатилди (3.3.2-расм). Чунки, Вазирлик мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавоб берадиган ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

ЎзР Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон қарорига 1-илоvasи **«Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси»** тасдиқланди. Концепция Президентнинг 2018 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3955-сон қарорини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, у 2030 йилгача мактабгача таълим тизимини ривожлантириш мақсадлари, вазифалари, устувор йўналишлари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда мактабгача таълим соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Концепцияда мактабгача таълим тизими ҳолати ва уни ривожлантиришдаги муаммолар ҳамда унинг ечимини топишдаги 9 турдаги тўсиқлар санаб ўтилган. Ушбу тўсиқликларни бартараф қилиш ва бу соҳани барқарор ривожланиш даражасига олиб чиқиш учун истиқболда билвосита тарзда куйидаги экологик тусдаги бошқарув фаолиятини олиб бориш ғояси олға сурилган:

### Мактабгача таълим вазирлигининг экологик тусдаги бошқарув функцияси

- ягона давлат экологик сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- мактабгача ёшдаги болаларни экологик интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний камол топтириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- болаларни мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олиш орқали уларнинг экологик маданиятини шакллантириш;
- замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини экологик ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш;
- миллий экологик маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан экологик тусдаги китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан таъминлаш;
- замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда болаларни атроф-муҳитни муҳофаза қиладиган этиб тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш масалаларини юқори профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган МТТ раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- ходимларни моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ҳамда таълим-тарбия жараёнига экология соҳасида тажрибали, юқори малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни жалб қилиш;
- тарбияланувчилар учун муносиб шарт-шароитлар, шу жумладан, тўлақонли ва рационал, мувозанатли, соғлом ва тўғри овқатланишни таъминлашга, асосланган тиббий кўрсатмалар билан белгиланадиган ҳажмларда ва интенсивликда кўнгилочар ва билим берувчи машғулотлар элементлари бўлган серҳаракат ўйинлар ва машқлар уюштиришга йўналтирилган шарт-шароитлар яратиш;
- болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича экологик профилактикаловчи чора-тадбирларини мувофиқлаштириш.

3.3.2-расм. *Мактабгача таълим вазирлигининг экологик тусдаги бошқарув функцияси*

- соҳадаги экологик меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;
- болаларни экологик интеллектуал, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

- болаларни сифатли экологик таълим–тарбия билан қамраб олиш кўламини ошириш, ундан тенг фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш;

- экологик таълим ва тарбияга доир инновацияларни, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

- мактабгача таълимни экологик жиҳатдан бошқариш тизимини такомиллаштириш, фаолиятни молиялаштиришнинг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш;

- экологик нуқтаи назардан ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга мутлақо янги ёндошувларни жорий этиш;

- мактабгача таълим муассасаларида болаларни экологик тоза озиқ-овқат ва сифатли тиббий парвариш билан таъминлаш.

Юқорида келтирилган ЎзРнинг давлат сиёсатидан келиб чиққан тарзда 2017–2020 йиллар мобайнида ЎзР Мактабгача таълим тизимида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида бир қатор ижобий ишлар амалга жорий этилди. Жумладан, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзР экологик таълимни ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги 434-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида Матабгача таълим вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси 2019 йил 6 августда қўшма қарор қабул қилинди. Қўшма қарор бўйича 5 та банддан иборат «Иш режаси» (3.3.1-жадвал) ва 11 та нафар «Ишчи гуруҳ» аъзолари белгилаб олинди (3.3.2-жадвал).

Қўшма қарорга биноан «Ишчи гуруҳ»га:

- «Иш режа»да белгилан вазифаларни ўз муддатида бажарилишини мувофиқлаштириб бориш;

- белгиланган чора-тадбирларни бажарилишини йўлга қўйиш;

- олиб борилаётган ишлар ва ижобий ўзгаришларни кенг жамоатчиликка ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали намойиш қилиб бориш;

- тегишли давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифалари юклатилди.

**Матабгача таълим вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қўшма иш режаси**

Мактабгача таълими вазирлиги ва Давлат экология қўмитасининг 2019 йил “6” августдаги 718,6 -сонли қўшма қарорига 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги 434-сон “Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш бўйича ҚЎШМА ИШ РЕЖА**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш механизми	Бажариш муддати	Масъул ташкилотлар
<b>Мактабгача таълим тизимида</b>				
1.	Мактабгача таълим муассасалари учун белгиланган давлат таълим талаблари ва таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш.	<p>1) Давлат таълим талаблари ва таълим дастурларига экологик таълим-тарбия йўналишида илғор миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш ва улар асосида болажонларда экологик маданиятни шакллантириш параметрларини белгилаш;</p> <p>2) Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари мазмунини болажонларда экологик маданиятни шакллантириш параметрларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш ва қўшимча индикаторларни белгилаш.</p> <p>3) Мактабгача таълим тизими раҳбар мутахассислиги ҳамда Маткатабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари малакасини ошириш жараёнида республикадаги мактабгача таълим тизими раҳбар ва мутахассислари ва тарбиячиларининг малакасини ошириш курсларига “Экологиянинг долзарб муаммолари” бўйича ўқув масалалари</p>	<p>2019 йил октябрь-декабрь</p> <p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил январь</p>	<p>Мактабгача таълим вазирлиги Давлат экология қўмитаси</p> <p>Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти</p>
2.	«Илк қадам» таянч дастурининг атроф муҳит ва табиатга доир мавзуларини таҳлил қилиш ҳамда зарур ўзгартиришлар киритиш.	<p>1) Дастурда она табиатни асраб-авайлаш, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги мавзуларни кўпайтириш;</p> <p>2) «Илк қадам» таянч дастурида кўзда тутилган экологик таълимга оид мавзулар ва амалий машғулотларни тўлақонли равишда ташкил этиш мақсадида «Эколог болажон» дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2019 йил октябрь-декабрь</p> <p>2019 йил ноябрь</p>	Мактабгача таълим вазирлиги, Давлат экология қўмитаси
3.	Мактабгача таълим муассасаларида «Экология бурчаклари»ни ташкил этиш.	<p>1) мактабгача таълим муассасаларининг «Экология бурчаклари» намуналарини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;</p> <p>2) мактабгача таълим муассасаларининг тасдиқланган намуна асосида «Экология бурчаклари»ни ташкил этиш.</p>	<p>2019 йил август</p> <p>2019-2020 йиллар давомида</p>	Мактабгача таълим вазирлиги, Давлат экология қўмитаси, Ўзбекистон экологик ҳаракати

4.	Мухим экологик саналарга бағишлаб болажонлар ўртасида табиат кўйнида турли амалий машғулотлар ўтказиш.	1) табиатни асраб-авайлаш борасида бутун жаҳон ва мамлакатимизда нишонланадиган муҳим экологик саналар рўйхатини тузиш; 2) экологик саналар бўйича болажонларга бериладиган турли ёш гуруҳлари учун «Эколог болажон» дастури асосида тизимли машғулотлар режасини ишлаб чиқиш; 3) ҳар бир экологик санага бағишлаб табиат кўйнида болажонлар учун экологик машғулотлар ўтказиб бориш.	2019 йил август 2019 йил декабрь 2020 йил январь ойдан бошлаб мунтазам равишда	Мактабгача таълим вазирлиги, Давлат экология кўмитаси, Ўзбекистон экологик ҳаракати
5.	Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги дастлабки тушунчаларни мактабгача ёшдаги болалар онгига сингдириш бўйича дастурларга тегишли мавзуларни киритиш.	1) Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳақидаги дастлабки тушунчаларни мактабгача ёшдаги болалар онгига сингдириш бўйича дастурларга киритиладиган мавзулар бўйича ўқув-методик материалларни тайёрлаш; 2) такомиллаштирилган дастурларни белгиланган тартибда тасдиқлаш; 3) янгиланган дастурлардан мактабгача таълим муассасаларида фойдаланишни ташкил этиш.	2020 йил февраль 2020 йил апрель 2020 йил июнь ойдан мунтазам равишда	Мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон экологик ҳаракати

### 3.3.2-жадвал

## Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг ишчи гуруҳ таркиби

Мактабгача таълим тизимида Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси ижросини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш бўйича		
ИШЧИ ГУРУҲИ ТАРКИБИ		
Т/р	Ф.И.Ш	Иш жойи ва лавозими
1.	С.Турғунов	Мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари, раис
2.	С.Мухторалиев	“Чинор ЭНК” нашриёти раҳбари, ишчи гуруҳи раҳбари, раис ўринбосари
3.	Қ.Олимов	Педагог кадрлар сифатини ошириш ва педагогика коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, аъзо
4.	К.Эшпулатов	Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори, аъзо
5.	В.Ким	Таълим жараёни сифатини таъминлаш ва инновацион педагогик технологияларни жорий этиш бошқармаси, аъзо
5.	Я.Султонов	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш маркази раҳбари, аъзо
6.	Т.Миржалолов	Педагог кадрлар сифатини ошириш ва педагогика коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси, аъзо
7.	С.Ибрагимова	Педагог кадрлар сифатини ошириш ва педагогика коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси, аъзо
8.	Л.Умрзоқов	Санитар тозалаш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва методология бўлими бош мутахассиси, аъзо
9.	Ж.Ишчанов	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси бош мутахассиси, аъзо
10.	Г.Хожабекова	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бошқармаси бош мутахассиси, аъзо
11.	С.Давлатова	Жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш бўлими бош мутахассиси, ишчи гуруҳи котиби

МТМРХҚТМОЙнинг малака ошириш курслари фақатгина назарий машғулотлар билан чекланиб қолинмоқда. Амалий кўникма ва малакаларни олиш ёки кўчма машғулотларда тажриба алмашиш имкониятига эга эмас. Халқаро тажрибадан келиб чиққан тарзда, келажакда МТМРХҚТМОЙда ўқув модули «Мактабгача экологик таълим ва тарбия» номи билан алоҳида бир ўқув модули сифатида 4 ойлик қайта тайёрлаш курсларига 12 соатлик (4 назарий + 4 амалий + 4 кўчма машғулот), 6 ойлик қайта тайёрлаш курсларига 16 соатлик (4+8+4), малака ошириш курсларига 8 соатлик (2+2+4) машғулот тарихида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Институтнинг Малака ошириш курслари тингловчиларнинг Малакавий лойиҳа ишлар сифатида 2018–2019 йиллар мобайнида қуйидаги мавзуларда ижодий фаолият тадқиқотлари олиб борилди:

1. «Жажжи эколог» кўргазмали стендни МТТда қўллаш методикасини ишлаб чиқиш (катта гуруҳлар учун).

2. «Болажонларни табиат билан таништиришда маҳаллий шароитларни инобатга олиш бўйича методик кўрсатма ишлаб чиқиш».

3. МТТда экологик таълимни ташкил этиш бўйича кўрсатма ишлаб чиқиш.

4. МТТда тарбияланувчиларнинг экологик онг ва маданиятини табиат билан таништириш орқали шакллантириш (методик тавсия).

5. «Экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси»нинг намунавий шакллари ишлаб чиқиш.

6. МТТда экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси назоратига тайёргарлик кўриш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Мазкур лойиҳа ишларининг электрон версияси МТМРХҚТМОЙга тингловчиларга тарқатма материал сифатида амалда қўллаш учун берилмоқда. Бундан буён масофавий таълимни мазкур таълим йўналишига жорий қилиш учун Институтнинг Веб-сайтига жойлаштирилмоқда. Институтнинг қайта ташёрлаш гуруҳларига қуйидаги амалий мавзуларни курсни тугатиш ишида ёритиб бериш таклиф қилинмоқда:

1. МТТда тарбияланувчиларни табиат билан таништиришда экологик қоидаларга риоя этиш талаблари.

2. Тарбияланувчиларни табиат билан таништиришда экологик хавфсизлик принциплари ва уларни амалга оширишнинг педагогик йўллари.

3. Мактабгача таълимда экологик таълим ва тарбия методикаси.

4. Мактабгача таълимда экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

5. МТТда экологик таълим ва тарбия бўйича хоналарни жиҳозлашнинг илмий асослари ва ҳ.к.

Ўзбекистон тарихида илк бор 2019 йил 16 декабрда **«Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»**ги Қонун қабул қилинди ва у давлат талаблари асосида фарзандларимизни экологик хавфсиз муҳитда соғлом ва баркамол авлод қилиб вояга етказиш йўлида амалга оширилган муҳим қадамдир. Чунки, мактабгача таълим ва тарбия тизимини тартибга солишга йўналтирилган мазкур қонунда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва қафолатлари белгиланган.

Қонунда мактабгача таълим ва тарбия, жумладан болажонларнинг экологик маданиятини кўтаришда нафақат Мактабгача таълим вазирлиги, балки Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ўз тасарруфида МТТ бўлган бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Унда илк бор 6 ёшли болаларни МТТда мажбурий 1 йиллик бепул ўқув тизими, таълим бериш тили, МТТнинг иш режими, болаларни МТТга қабул қилиш ва улардан чиқариш нормалари, коррупцияга қарши чоралари қонун билан мустаҳкамлаб берилди.



## Қайтариш учун саволлар

1. «Бошқарув» ва «Менежмент» сўзларининг хусусий томонлари нимада?
2. «Менежмент» термининг бозор муносабатларига нима даҳли бор!
3. Мактабгача таълим экологик бошқарувнинг тизимлашган элементларини санаб ўтинг!
4. ЎзР мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси экологик таълим-тарбия қандай вазифаларни юклайди?
5. Матабгача таълим вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қўшма иш режаси МТТда қандай чора-тадбирларни олиб бориш режалаштирилган?
6. МТТда келгусида экологик таълим ва тарбия бўйича нималарни кун тартибига қўйишни маъқул деб биласиз?



## Тест топшириқлари

- 1. Муайян МТТда экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган корпоратив бошқарув жараёни бу...дир.**
  - А) экологик бошқарув
  - Б) экологик менежмент
  - В) экологик бошқариш
  - Г) экологик назорат.
- 2. Болажонларни табиат билан таништиришда биринчи навбатда қандай талаб инобатга олиниши зарур.**
  - А) халқаро тажриба
  - Б) ижтимоий ҳолат
  - В) тарихий сабоқ
  - Г) маҳаллий шароит.
- 3. «Экологик экспертиза» ... деган маънони англатади ва у экологик назоратда ишлатилади.**
  - А) мутахассис хулосаси
  - Б) текширувчи хулосаси
  - В) назоратчи хулосаси
  - Г) ҳеч қайси жавоб тўғри эмас.





## 4-БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ЭКОЛОГИК ТЕКШИРУВ ВА ЖАВОБГАРЛИК



### 4.1. Мактабгача таълим ташкилотларида экологик бошқарувни текшириш

ЎзР Президентининг «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сонли фармони ҳамда «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сонли қарорига мувофиқ *Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 25 апрелда «Мактабгача ҳамда умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»га* 352-сонли қарорни қабул қилинди. Қарорнинг мақсади – МТМ (қуйида МТТ деб юритилади) ягона давлат сиёсатини амалга оширишда уларнинг роли ва масъулиятини кучайтириш, тарбияланувчилари ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ сифатли таълим-тарбия берилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, педагоглар ва бошқа ходимларнинг касбий фаолиятига асоссиз равишда аралашувга чек қўйиш, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан таълим-тарбия сифатига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан тарзда МТТни текширишга қуйидаги вазифалар юклатилади:

- *таълим-тарбия жараёнининг сифатини, педагогларнинг билим даражасини ва педагогик маҳоратини оширишга кўмаклашиш;*
- *қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни содир этиш шарт-шароитларини бартараф қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;*

- амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ўз вақтида ва сифатли таъминланишини таъмин этиш;
- кам самарали тафтишларни қисқартириш билан бир вақтда тўлақонли текширишлар самарадорлигини ошириш;
- очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш, таълим-тарбия жараёни устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;
- давлат органлари ва ташкилотларининг МТТ фаолияти билан боғлиқ вазифалари, функциялари ва ваколатларини аниқ белгилаш ва тартибга солиш.

Мазкур қарорга МТТ бўйича қуйидагилар илова қилинади:

- МТТ фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги Низом;
- МТТ фаолиятини текшириш ваколатига эга бўлган давлат органлари ва ташкилотлари Рўйхати.

Ушбу қарорга мувофиқ равишда ЎзР МТВ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ЎзР Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов, ва мактабгача таълим вазири А.В. Шин, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н. Ташкенбаев зиммасига юклатилди.

Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текшириш тартибининг 1-низомиди асосий тушунчаларга таърифлар берилган:

- **текширишга ваколатли органлар** — МТТ фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар, идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари;
- **текшириш** – МТТ томонидан қонунлар ҳамда улар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини текширишга ваколатли органларнинг бир марта назорат қилиши;

- **режали текшириш** – тизимида МТТ бўлган вазирликлар ва идоралар ёки уларнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари билан келишган ҳолда тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига асосан ўтказиладиган текшириш;

- **режадан ташқари текшириш** – тизимида МТТ бўлган вазирликлар ва идоралар ёки уларнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари билан келишган ҳолда тасдиқланган текширишлар режа-жадвалида белгиланмаган ҳолда ўтказиладиган текшириш;

- **назорат тартибида текшириш** – МТТ илгариги текширишда кўрсатилган қонун бузилишларини бартараф этиши устидан текширишга ваколатли органлар томонидан амалга оширадиган текшириш.

МТТ фаолиятини Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда «Текширувчи» деб юритилади) қўйидагиларни текшириш ҳуқуқига эга:

- ер, ер ости бойликлари, сув, дарахтлар ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш;

- атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини ўрнатиш;

- экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш борасида ягона сиёсатни амалга ошириш;

- чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

- педагоглар ва тарбияланувчиларнинг экологик маданиятини ошириш..

**Режали текширув.** Текширувчи томонидан текшириш режалаштирилаётган йилдан олдинги йилнинг 1 декабригача бўлган муддатда МТТни йиллик текширишларнинг режа-жадвали лойиҳаси, рўйхати, уларнинг манзили, тўлиқ номи, режали текшириш даврийлигини аниқ кўрсатган ҳолда тегишлилиги бўйича МТВ ёки тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар, идоралар ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларига (кейинги ўринларда «Текширилувчи») кўриб чиқиш ва келишиш учун тақдим этилади

4.1.1-жадвал) ва у 15 декабргача тасдиқланади ва барча МТТга 25 декабрга қадар етказиб берилади.

4.1.1-жадвал

**МТТ фаолиятини режали текшириш тартиби**

**СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъект	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси «Текширувчи»	МТТ йиллик текширишларнинг режа-жадвали лойиҳаси ишлаб чиқиш; МТТ текшириш муддати бўйича рўйхатни тузиш; МТТ номи ва манзилни аниқ белгилаш; Электрон шаклда «Текширилувчи»га кўриб чиқиш ва келишиш учун тақдим этиш	Текшириш режалаштирилаётган йилдан олдинги йилнинг 1 декабригача бўлган муддатда
2-босқич	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг <i>худудий бўлинмалари</i> «Текширувчи»	Режа-жадвални тасдиқлайди <i>(352-сонли Қарорда кўрсатилган бошқа 5 та текширувларга бир вақтга тўғри келиб қолмаслиги ҳисобга олинади)</i> 2. Тасдиқланган йиллик режа-жадвал нусхасини «Текширилувчи»га етказиб беради	Ҳар йили 15 декабрга қадар  Ҳар йили 25 декабрга қадар
3-босқич	«Текширувчи»	«Текширилувчи»га: текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқ; текширув дастури ёки саволномаси илова қилинган расмий хатни юборади	Текшириш ўтказилишидан камида 10 кун олдин
4-босқич	Тизимида МТТ бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг <i>худудий бўлинмалари</i> «Текширилувчи»	МТТга: 1. Ёзма хат ёки ички электрон ҳужжатлар айланиши тизими орқали хабар беради; 2. Текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқ, текширув дастури ёки саволномани юборади	Расмий хат олинган кундан бошлаб 1 кун мобайнида
5-босқич	МТТ ҳамда «Текширувчи» вакиллари	Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномани (маълумотномани) имзолайди	Текшириш яқунланган куни

Агар текширишларнинг йиллик режа-жадвали ўз муддатида «Текширилувчи» томонидан тасдиқланмаса ёки асосиз равишда тасдиқлашдан бош тортилса, «Текширувчи» йиллик текширишларнинг режа-жадвали лойиҳасига мувофиқ текширувни амалга оширишга ҳақли.

МТТ фаолиятини текшириш даврийлиги учун белгиланган муддатда бир мартадан ортиқ режали текшириш ўтказилишига йўл қўйилмайди. Янги ташкил этилган МТТда дастлабки икки йил мобайнида режали текширишлар ўтказилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно, яъни кўзда тутилмаган ҳолат содир бўлса.

Тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига текширишга «Текширувчи» ва «Текширилувчи» томонидан келишилган ҳолда *ўзгартириш ва қўшимчалар* киритилиши мумкин.

**Текширишлар режа-жадвали лойиҳаси:** «Текширилувчи»га «Текширувчи»нинг марказий аппарати томонидан ишлаб чиқилади ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тақдим этилади. Белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган таклифлар тегишлилиги бўйича «Текширилувчи» томонидан кўриб чиқилмайди.

Қуйидаги ҳолларда МТТ йиллик текширишлар режа-жадвалига киритилмайди:

- МТТ фаолиятини текшириш учун белгиланган муддатлар инобатга олинмаган бўлса;
- МТТ фаолиятини текширишларнинг йиллик режа-жадвалини шакллантиришнинг қоидалари бузилган бўлса;
- МТТ тугатилган ёки тугатиш жараёнида бўлса;
- МТТнинг режа-жадвалга киритилиши қонун ҳужжатларига зид бўлса.

**Режадан ташқари** текширишлар «Текширувчи» томонидан:

- МТТ тугатилаётганида;
- «Текширилувчи» тизимидаги МТТ фаолиятини текширишни сўраб текширишга ваколатли органга мурожаат этган тақдирда;
- МТТ фаолиятига оид қонун ҳужжатлари, ЎзР Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва прокуратура органларининг топшириқлари

ҳамда давлат дастурларида белгиланган вазифаларнинг ўз муддатида ва сифатли ижро этилишини тезкор ўрганиш талаб этилганда;

- экологик хавфли ҳолат юзага келганда;
- МТТ фаолияти самарадорлиги ва таълим сифатига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган камчиликлар мавжудлиги аниқланганда ёки эришган ютуқлари олдин эришилган ютуқларидан паст бўлган тақдирда;

- текширишга ваколатли органнинг мансабдор шахси маъмурий вазифаларни амалга ошираётганида МТТ томонидан қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги аниқланганда;

- оммавий ахборот воситалари ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги манбаларда МТТ фаолиятига доир қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганда;

- МТТда ташкилий-бошқарув, ўқув-методик, маънавий ва молиявий жиҳатдан жиддий нуқсонлар мавжудлиги тўғрисида ишончли маълумот бўлганда амалга оширилади.

Режали ва режадан ташқари текширишлар муддати 10 кундан ошмаслиги керак.

**Назорат тартибидаги текширишларни ўтказиш «Текширувчи»** уларнинг ўзлари илгари ўтказган текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномада (маълумотномада) белгиланган ҳолатлар бўйича ва муддатларда ёки «Текширилувчи»ларнинг мурожаатига асосан ундан олдинроқ муддатларда, «Текширувчи»нинг буйруғи асосида тегишлилиги бўйича «Текширилувчи»лар камида 10 календарь кун олдин ёзма равишда хабардор қилган ҳолда 5 календарь кундан ошмаган муддатда амалга оширилади.

Илгари ўтказилган текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномада (маълумотномада) муддат кўрсатилмаган бўлса, назорат тартибида ўтказиладиган текширишлар илгари текшириш ўтказилган санадан бошлаб олти ойдан ошиб кетиши мумкин эмас. МТТ томонидан назорат тартибида текширишлар ўтказишга тўсқинлик қилиниши мумкин эмас.

**Текширишларни ўтказиш тартиби. Режали текширишни МТТда ўтказиш учун назоратчилар ўзи билан қуйидагиларни олишлари керак:**

- текширишлар режа-жадвалдан кўчирма;
- текширишга ваколатли органнинг текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи;
- текшириш дастури ёки саволномадан нусха.

**Режадан ташқари текширишни ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:**

- текширишга ваколатли органнинг текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи;
- текшириш дастури ёки саволномадан нусха.

«Текширувчи»нинг масъул ходимлари текшириш бошланишидан олдин МТТ раҳбарини (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахсни) текшириш мақсади билан таништиради, унга ўз хизмат гувоҳномаси ва текширишни ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларнинг (режа-жадвалдан кўчирма, буйруғ, дастур ёки саволнома) нусхаларини топширади.

Текшириш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар нусхаси текширилаётган МТТга тилхат олинган ҳолда топширилган пайт текшириш бошланган пайт ҳисобланади.

Текширилаётган МТТнинг мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги текширишни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Текширилаётган МТТ ушбу ҳужжатларни олишдан бош тортган тақдирда, текширишга ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва текширилаётган МТТ раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахс) имзолайдиган *далолатнома тузилади*. Ушбу далолатномани МТТ раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахс) имзолашдан бош тортганда, далолатномага текширишга ваколатли органнинг масъул ходими томонидан тегишли ёзув киритилади. Бу ҳолда тартибда «Текширишларни рўйхатга олиш дафтари»нинг электрон шакли тўлдирилади (4.1.2-жадвал). Бунда дафтарнинг қоғоз шаклини тўлдириш талаб этилмайди.





Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномага (маълумотномага) «Текширишларни рўйхатга олиш дафтари»нинг тўлдирилган шакли (қоғоз шакли тўлдирилганда – электрон шакли тўлдирилмаганлиги сабаби) ёки дафтар тақдим этилмаганда – унинг тақдим этилмаганлиги тўғрисида текширишга ваколатли органнинг масъул ходими томонидан тегишли ёзув киритилади. Текширишга ваколатли органнинг масъул ходимлари «Текширишларни рўйхатга олиш дафтари»ни тўлдиришдан бош тортган тақдирда, МТТда текшириш ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Текширишга ваколатли орган томонидан илгари текширилган масалалар бўйича қайта текшириш ҳамда бир йилда бир мартадан ортиқ назорат тартибидаги текширишлар ўтказилмайди. Текширишни белгиланган муддатда ўтказиш имкони бўлмаган ҳолларда, жумладан:

- *текширишда иштирок этиши лозим бўлган шахс иштирок эта олмаган;*
  - *текшириш ўтказиш учун талаб қилинган ҳужжатлар МТТ томонидан тақдим этилмаган;*
  - *зарур мутахассислар мавжуд бўлмаган тақдирда*
- текширишга ваколатли органнинг буйруғи асосида текшириш тўхтатилиб, белгиланган тартибда бошқа вақтга кўчирилиши мумкин. Муддати кўчирилган текширишни ўтказиш текшириш тўхтатилган ойдан кейинги ойнинг сўнгги кунидан кечиктирмасдан таъминланиши лозим.

Текширишлар натижалари камида икки нусхада тузиладиган далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилади. МТТни текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) туман (шаҳар) ёки ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар миқёсида умумлаштирилиши мумкин.

Бир кун муддатда ўтказиладиган текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) текшириш ўтказилган кунда, муддати бир кундан ортиқ бўлган текшириш бўйича эса текшириш муддатининг охириги кунидан кечиктирмасдан расмийлаштирилиши шарт.

Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) нусхалари «Текширувчи» масъул ходимлари ва МТТ раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахс) ёки «Текширилувчи» вакили томонидан имзоланади. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) бир нусхаси МТТ раҳбарига (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахсга) ёки «Текширилувчи» вакилига уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйдириб топширилади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади.

Текширилган МТТ ўтказилган текшириш натижаси бўйича ўз эътирозларини далолатномада (маълумотномада) ёзма равишда акс эттириши мумкин. Текшириладиган МТТ вакили текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномани (маълумотномани) олишдан ва (ёки) уни имзолашдан бош тортганда, текширишга ваколатли органнинг масъул ходими бу ҳақида текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномага (маълумотномага) тегишли ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома(маълумотнома)нинг нусхаси бир иш куни давомида МТТга ёки тегишлилиги бўйича тизимида «Текширилувчи»га почта орқали буюртма хат билан юборилади. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) текширишга ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиб борилади.

Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома(маълумотнома)да қуйидагилар ўз аксини топади:

- текшириш жараёнида аниқланган камчиликлар ва умумий хулоса;
- аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ва уларнинг муддати;
- текшириш жараёнида аниқланган қонун ва қоида бузилиши ҳолатларига нисбатан қонунчиликда белгиланган таъсир чоралари.

Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) нусхаси «Текширувчи» томонидан тегишлилиги

бўйича «Текширилувчига» ва ҳудудий ҳокимликларга ёки комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тегишли секторларга киритилиши мумкин. Улар ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома)да кўрсатилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.

Текшириш жараёнида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган тақдирда, бу ҳақидаги маълумотлар текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома(маълумотнома)га киритилиб, унинг бир нусхаси имзоланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай «Текширувчи» томонидан мажбурий тартибда тегишлилиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади. Текшириш ўтказиш вақтида МТТ адвокат хизматидан фойдаланиши мумкин.

«Текширувчи» асосли сабабларга кўра текшириш ўтказиш имкони бўлмаган ёки зарурати қолмаган (тугатирилганлиги сабабли молия-хўжалик фаолияти юзасидан якуний текшириш ўтказилган, жиноят иши юзасидан текширилган, бошқа муассасага кўшилган, фаолият юритмаётган, текшириш даврида текшириладиган объект мавжуд бўлмаган ва ҳ.к.) МТТ текширишлар режа-жадвалидан чиқариш тўғрисида тегишлилиги бўйича «Текширилувчи»га таклиф киритиб борадилар.

Ўтказилган текшириш натижаларидан норози бўлган МТТ низоли масалаларга аниқлик киритиш учун текширишга ваколатли органларнинг юқори ташкилотларига, судга ёки прокуратура органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. МТТ низоли масалаларга аниқлик киритиш учун «Текширувчи»ларнинг юқори ташкилотларига мурожаат этган тақдирда, «Текширувчи» «Текширилувчи» билан қўшимча равишда келишмасдан, фақат МТТнинг мурожаатларида кўрсатилган низоли масалалар юзасидан аниқлик киритадилар.

Хулоса қилиб айтганда, МТТда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли текширувларни олиб бориш болажон ва ходимларнинг экологик хавфсиз муҳитда фаолият

юритишини таъминлашга хизмат қиладиган бошқарув назорат тури бўлиб ҳисобланилади.



## 4.2. Мактабгача таълимда экологик жавобгарлик

Атроф табиий муҳитнинг бузилиши ва ифлосланиши натижасида нафақат тирик мавжудот, балки кишилик жамияти ҳам катта зарар кўрмоқда. Чунки экологик инқирозли ҳолат гўёки инсон баданидаги «яра»га ўхшайди. «Яра»ни даволаш эса, албатта, инсонлардан маълум миқдорда қўшимча моддий ва молиявий ресурсларни сарф қилишга мажбур этади. Оилада бўлгани каби, ҳар бир давлат ёки жамиятда «экологик яра»ларнинг кўпайиши унинг салоҳияти ва қудратини бунёдкорликка ва ривожланишга эмас, балки касалликларни тузатишга сарфланади.

*Экологик рағбатлантириш.* Ҳаётий тажриба тариқасида шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, аҳолининг экологик маданиятини оширишда экологик қонун талабларига риоя қилганларга нисбатан рағбатлантириш методларини қўллаш ҳуқуқбузарликнинг камайиши, интизомий, маъмурий, фуқаровий ва жиноий жазони камроқ қўллашга олиб келади. Юридик тусдаги жазо, албатта, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Лекин у аҳолининг экологик маданиятига ижобий таъсир этмаслиги ҳам мумкин. Чунки ҳеч бир ҳуқуқбузар, аксарият ҳолларда, ўз айбига иқроп бўлмайди ва ўзининг ҳатти-ҳаркатини тўғри деб билади. «Рағбатлантирилган инсонларнинггина хатти-ҳаракатларини олдиндан айтиб бериш мумкин, жавобгарликка тортилганларни эса эртанги кунини номаълум», дея хулоса қилганлиги Дунёга машҳур Дейл Карнеги<sup>1</sup>.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириб, шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, экологик муносабатларни ҳуқуқий

<sup>1</sup> Д. Карнеги. Как завоёвывать друзей, оказывать влияние на людей. – М.: Прогресс, 1992. – С.714.



АҚШнинг металлургия соҳасида магнат даражасига кўтарилган Чарльз Шваб бир куни Дейл Карнегига: «Мақсадга эришмоқ учун рақобатни рағбатлантириш керак» деган эди.

тартибга солишда авваламбор «Жазо кодекслари»дан ташқари, «Ўзбекистон Республикасининг РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ КОДЕКСИ» ва тегишли йўналишдаги процессуал нормаларини эътироф этувчи қонунчилик механизмини яратган мақсадга мувофиқдир.



*Экологик-ҳуқуқий рағбатлантириш – экологик қонунчилик қоида ва талабларини доимий равишда бажариб келаётган ёки ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган атроф-муҳитни ҳолатига кескин таъсир этувчи зарарнинг олдини олиш борасидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятлари учун халқаро ташкилот, давлат органлари ва жамоат уюшмалари томонидан қўлланиладиган юридик тусдаги ижобий оқибатлар мажмуи*

Мактабгача таълимда экологик-ҳуқуқий рағбатлантириш эса унинг тизимида экологик қонунчилик қоида ва талабларини доимий равишда бажариб келаётган ёки ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган атроф-муҳитни ҳолатига кескин таъсир этувчи зарарнинг олдини олиш борасидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятлари учун халқаро ташкилот, давлат органлари ва жамоат уюшмалари томонидан қўлланиладиган юридик тусдаги ижобий оқибатлар мажмуи, дейиш мумкин. Айнан жисмоний шахс – кишилар ва уларнинг уюшмаси, юридик шахслар – юридик мақомга эга бўлган ташкилот, муассаса ва корхоналар.



МТВ ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда МТТнинг ички меҳнат қоидалари акс этган жамоа шартнома ва келишувлари, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда белгилаб қўйилган бўлади. Ҳаттоки, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат ва жамоат олдидаги алоҳида хизматлари учун ходим давлат мукофатларига тақдим этилиши мумкин

ЎзР Меҳнат кодексининг «Меҳнат учун рағбатлантириш» 180-моддасига биноан мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган ходимга нисбатан қўлланилади.

«**Экологик жавобгарлик**» сўзининг маъносини ифодалашдан олдин «жавобгарлик» ўзи нима? деган саволга жавоб беришни мақсадга мувофиқ деб билдик.



**Жавобгарлик** – муайян шахс, жамоа ёки давлатнинг ўзга шахс, жамоатчилик, давлат, давлатлар ва халқаро ҳамжамият олдидаги бурчи ҳамда мажбурияти

Муайян шахс, жамоа ёки давлатнинг ўзга шахслар, жамоатчилик, давлат, давлатлар ва халқаро ҳамжамият олдидаги бурчи ва мажбуриятлари уларнинг хатти-ҳаракатларини ёки ҳаракатсизликларини белгиловчи қоида ва меъёрлар асосида ўрнатилади. Ижтимоий муносабатларни белгиловчи қоида ва меъёрлар миллий ёки халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган, ё бўлмаса ҳар бир миллат, элат ёки халқларнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларидан келиб чиққан, лекин юридик тарзда ҳуқуқий нормада акс эттирилмаган ҳолда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда миллий қадриятларимизга ва ғуруримизга, ўз-ўзини англашга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Узоқ ўтмишни қамраб олувчи тарихимизга қайтадан, объектив равишда назар ташлаганимизда, унинг нечоқлик экологиялаштирилгани ҳис этамиз.



Марказий Осиё халқларининг қадимги маданиятини ўзида мужассамлаштирган биринчи ёзма ёдгорлик манбаи бўлган зардуштийларнинг «Авесто» китобида атроф табиий муҳитнинг софлигига қараб инсонларнинг 800 йилдан 1400 йилгача умр кўрганликлари баён этилади. Авестонинг «Вандидот» қисмида сув ва ердан фойдаланиш, унда жиноят ва жазо, мол-мулк билан боғлиқ масалаларни тартибга солиб турувчи қоидалар битилган. «Вандидот»нинг 13–14-бобларида ҳар куни кишилар экинларни икки мартаба суғоришлари мумкинлиги, лекин суғориш сувининг миқдори бир белкурак кенглигидаги ва чуқурлигидаги ариқ орқали амалга оширишга ҳақли эканликлари баён этилган.

«Наврўз» байрамида Шарқ халқлари урф-одатларига кўра, ҳар бир инсон «янги кун» муносабати билан ерга кўчат қадаши ва уруғ сепиши орқали табиатни ободонлаштириши, ариқ, зовур, ўрмон ва далаларни тозалаши лозим бўлган. Бундай ҳолат ҳар бир кишининг мажбуриятига айлантирилган ва жамоатчилик олдидаги ижтимоий (ҳуқуқий эмас) жавобгарлиги бўлиб ҳисобланган.

Жавобгарликнинг яна бир муҳим элементи – белгиланган қоида ва меъёрларга риоя этмаганлар, яъни ўз бурчи ва мажбуриятларини бажармаганларга нисбатан жамоат, давлат ёки халқаро ташкилотлар томонидан жазоловчи чора(санкция)ларнинг қўлланишидир. *Бундай жавобгарликда 3 та асосий элемент:*

1) давлат, давлатлараро ташкилотлар ёки жамият томонидан ўрнатилган қоида ёки меъёрларнинг мавжудлиги;

2) қоида ёки қонунбузарликларнинг умуммажбурий ҳисобланиши;

3) жазо чораларининг мавжуд бўлиши талаб этилади.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, экологик жавобгарликда: ахлоқий қадриятлар, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, ўрнатилган қоида ва меъёрларнинг бирон-бир давлат, юридик ёки жисмоний шахслар томонидан бузилиши, ноқулай кечинмалар каби талаблардан иборат бўлади.



*Экологик жавобгарлик – ахлоқий қадриятлар, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари томонидан экотизимларни (атроф табиий муҳитни) муҳофаза қилиш мақсадида ўрнатилган қоида ва меъёрларнинг бирон-бир давлат, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бузилиши оқибатида уларга нисбатан қўлланиладиган ноқулай кечинмалар.*

Кўпгина эколог-юристар<sup>1</sup> экологик-ҳуқуқий жавобгарликлар таркибидан махсус турдаги экологик-ҳуқуқий жавобгарликни ажратиб кўрсатадилар. Уларнинг таъкидлашларича, ушбу юридик хусусиятга эга бўлган жавобгарлик интизомий, маъмурий, фуқаровий ва жиноий жавобгарликлардан фарқ қилиб, махсус норматив-ҳуқуқий актлар орқали амалга оширилади. Масалан, экологик нуқтаи назардан

<sup>1</sup> А.Нигматов. *Ekologiya huquqi. Darslik.* – Т.: «Noshir», 2012. – 176–179-б.

ўрмон қонунчилиги асосида шахсларни ўрмонлардан фойдаланишни чеклаш, тўхтатиб қўйиш ёки тупроқ унумдорлигига етказилган зарарни қоплаш.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарликларнинг тўрт кўринишига кўра ажратилади. Назария эса «догма» эмас, у ҳам ривожлана ва такомиллаша боради. Лекин тупроқ унумдорлигини тиклаш фуқаровий, яъни давлат мулкига етказилган зарарни қоплаш, ўрмонлардан фойдаланишни чеклаш, бекор қилиш ва тўхтатиб қўйиш маъмурий-экологик бошқарув талабларини бузиш десак бўлади. Айниқса, таълим соҳасида юқорида айтиб ўтилган масалаларни ёритишда жуда эҳтиёт бўлишимиз зарур, зеро фан ҳали ўқув предмети эмас.

***Бизнингча, экологик жавобгарлик мазмун ва моҳиятига кўра, 3 кўринишда намоён бўлиши мумкин:***

- 1) экологик-ижтимоий;
- 2) экологик-иқтисодий;
- 3) экологик-ҳуқуқий.

**Экологик-ижтимоий жавобгарлик** ижтимоий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, у ҳозирги замон миллий ёки халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланмаган, лекин миллат, элат ёки халқларнинг азалий урф-одатлари, анъаналари орқали авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қоида ва меъёрлар. Масалан, «Наврўз» айёмида теварак-атрофни тозалаш ва кўкаламзорлаштириш қоидасини инкор этган шахсларга нисбатан маънавий жазони қўллаш одати. Жазо чораси сифатида унда жамоатчилик томонидан шахсга нисбатан қўлланиладиган санкция – ахлоқбузарларни тўй ёки маъракаларга қўшмаслик, қизларини келинликка олмаслик, ўғилларига қизларини никоҳламаслик, умуман олганда, уларни жамоатчилик назаридан қолдириш. Буюк Вильям Шекспир: «Мени кўпчилик назаридан қолдирганларидан кўра, қатл қилганлари маъқулдир», – деган эди.



***Экологик-ижтимоий жавобгарлик – киши ёки унинг уюшмасини жамоатчилик олдидаги маънавий жавобгарлиги.***



**Экологик-иқтисодий жавобгарлик** ҳуқуқий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, у миллий ёки халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган, лекин ҳуқуқбузарларга нисбатан жавобгарлик санкциялари сифатида иқтисодий тўлов турини қўллаш борасидаги қоида ва меъёрлардир.



ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг VIII боб «Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий чоратadbирлари» 33-моддасида *«Табиий ресурслардан махсус фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик (шу жумладан чиқиндиларни жойлаштирганлик) ва атроф табиий муҳитга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўлов ундириши»* белигланиб қўйилган.

Иқтисодий жавобгарликда экотизимларнинг табиий ресурсларидан фойдаланиш ва уларни ифлослантириш учун тўловлар қўлланилади. Бу аксиома, чунки ҳар бир инсон, жамоат ва давлатнинг гуманитар ҳуқуқи мавжуд бўлиб, у табиатдан фойдаланмасдан ва охир-оқибатда уни ифлослантirmасдан туриб яшай олмайди. Лекин ушбу ифлослантириш ёки истеъмол қилиш миқдори, албатта, табиат қонунларига бўйсунган тарзда меъёрланган бўлиши керак. Ушбу рухсат этилган меъёрлар – РЭМ (амалиётда рус тилидаги аббревиатураси – ПДК, ПДВХ, ПДУ) каби аббревиатуралар сифатида ишлатилиб, уларнинг юқори кўрсаткичи экотизимларнинг ҳолати ёки уларнинг қайта тикланиш хусусиятларига кўра турли давлатларда, ҳудудларда ёки минтақаларда табақалашган (дифференциал) тарзда ўрнатилади.



XX асрнинг 90-йилларида қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўйича «Ўздавархитектурақурилиш» қўмитаси томонидан ҚМҚ 20401-98 рақамли «Бинолар ва ички водопровод ҳамда канализациялар» бўйича белгиланган миқдорга биноан жон бошига ўрнатилган сувдан фойдаланишлари мумкин бўлган меъёри  $103 \text{ м}^3$ , Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан белгиланган иссиқ сувдан фойдаланиш миқдори эса  $55 \text{ м}^3$  тенг эди.

Ўрнатилган ушбу меъёрлар доирасида шахслар учун солиқ имтиёзлари қўлланилади ва белгиланган тарзда тўловлар ундирилади. Аксинча, сувдан рухсат этилган меъёрдан ортиқча фойдаланиш шахсларга ҳеч қандай имтиёзларни бермайди ва улар ЎзРнинг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни 50-моддасига асосан иқтисодий жавобгарликка тортиладилар. Иқтисодий жавобгарлик тариқасида улардан қўшимча тўловлар ундирилади.

2000 йил 26 январда ЎзР Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва ҳар йили унга ўзгартиришлар (индексация) киритиб туриладиган «ЎзР ҳудудида атроф табиий муҳитга чиқариладиган (ташланадиган) ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва чиқиндиларни жойлаштириш тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби»га биноан атмосфера ҳавосига, сув ва маҳаллий рельефга чиқариладиган чиқитлар миқдори ва уларга нисбатан қўлланиладиган молиявий тўловлар белгиланган. Бундай иқтисодий жавобгарлик фақатгина иқтисодий тўловни, яъни табиатга келтирилган зиённи молиявий қоплашни инобатга олади. Мазкур жавобгарлик кишиларнинг табиат олдидаги жавобгарлигидир.



*Экологик-иқтисодий жавобгарлик – киши ёки унинг уюшмасини табиат олдидаги молиявий жавобгарлиги.*

**Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик** ҳам ижтимоий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, унга нисбатан миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган экологик талабларни бузганлар учун юридик тусдаги жазо санкциялари ўрнатилган ҳамда экологик муносабат қатнашчилари учун мажбурий кучга эга бўлган қоида ва меъёрлар мавжуд.



*Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик – киши ёки унинг уюшмасини давлат ёки давлатлар олдидаги юридик жавобгарлиги.*

Экологик-хуқуқий жавобгарлик миллий хуқуқда шахсларнинг давлат олдидаги бурчи ва мажбуриятидир. Шунинг учун ҳам у давлат томонидан ўрнатилган экологик-хуқуқий меъёр ва қоидаларни бузганлиги натижасида атроф-муҳитга зарар етказилгандан сўнг вужудга келади. Аниқроғи, экотизимларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва бузилганларини қайта тиклашга доир қонун ҳужжатларида ўрнатилган нормаларни бузувчи айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар учун қўлланилади.

***Экологик зарар икки кўринишда намоён бўлади:***

➤ *юзага келган оқибатлар характери*га кўра – атроф-муҳит, тўғрироғи, экотизимларнинг йўқ қилиниши, ифлосланиши ва бузилиши; табиий ресурсларнинг камайиши ва шикастланиши; экологик мувозанатнинг йўқотилиши ва экологик тизимдаги табиий объектларнинг боғланиш алоқаларининг бузилиши.

➤ *объектларга етказилган зарари* – экотизим ва унинг унсурлари; инсон саломатлиги; юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлатга етказилган зарар.

Экологик хуқуқбузарлик айбли– маъмурий, фуқаровий, интизомий ва жиноий экологик қилмиш тариқасида таснифланади. Шундай қилиб экологик-хуқуқий жавобгарлик, бошқа барча ижтимоий муносабатларда бўлгани каби, тўртта юридик жавобгарлик турини инобатга олади: интизомий, маъмурий, фуқаровий, жиноий.

*Экологик хуқуқбузарликлар объектига* табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик тартибот ва аҳолининг экологик хавфсизлигига доир экологик муносабатлар киради.

*Экологик хуқуқбузарлик предмети*га эса табиий муҳит ҳолати ёки унинг алоҳида бир объекти ҳамда инсон саломатлигига таъсири киради. Бунда инсон саломатлигига етказилган зарар атроф-муҳитнинг ёмонлашуви орқали юзага келади, яъни билвосита таъсир қилиши инобатга олинади.

Экологик хуқуқбузарларга юридик жавобгарликни қўллаш учун тўрт ***жавобгарлик элементи*** бўлиши керак, яъни:

1. *Экологик ҳуқуқбузарлик объекти* – кишиларнинг айбли ноқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги табиий объект, табиий ресурс, табиий комплекс ёки табиий-антропоген ҳудудларнинг экологик талабларига қаратилганлиги.

2. *Экологик ҳуқуқбузарликнинг объектив томони* – кишилар хатти-ҳаракатларининг ноқонунийлиги, экологик зарар етказилганлиги ёки етказиш хавфининг борлиги.

3. *Экологик ҳуқуқбузарлик субъекти* – ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг ким томонидан содир этилганлиги. Улар юридик шахс (корхона, ташкилот, муассаса, фирма, жамият ва б.) ёки жисмоний шахслар (фуқаро, фуқаролиги бўлмаган шахс, чет эл фуқароси, раҳбар) бўлиши мумкин.

4. *Экологик ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони* – ноқонуний хатти-ҳаракат қилган шахснинг айби. Ушбу айбнинг қасддан ёки эҳтиётсизликлар орқали содир этилиши.

Экологик жавобгарликда ҳуқуқбузарларга нисбатан, одатда, юридик жазолар қўлланилади. Жазо турлари ҳам, албатта, қонунларда акс эттирилган бўлиши шарт. Акс ҳолда у юридик тус олмайди. Хоҳлаган шахс ёки давлат органи қонунда белгиланган хоҳлаган жазо турини қўллашга ҳам ҳақли эмас. Уларнинг ваколат доираси (чегараси) белгиланиб қўйилгандир.

Экологик қонунчиликда, хусусан, Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 47-моддасига кўра қуйидаги ҳуқуқбузарликлар экологик тусдаги ҳуқуқбузарликлар тоифасига киради:

- *табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назаридан хавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сизимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда;*

- табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишида, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;
- табиий ресурслардан фойдаланганлик учун белгиланган тўловни, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишининг бошқа турлари учун компенсация тўловлари тўлашдан бош тортганликда;
- табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармасликда;
- атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда;
- табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;
- табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий режимини бузганликда;
- атроф табиий муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузганликда;
- чиқиндиларни, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;
- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўёбга чиқаришларига тўсқинлик қилганликда;
- атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.

**Экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарликларни қўллаш асослари.** Шундай қилиб, юқорида

санаб ўтилган экологик ҳуқуқбузарликлар учун тўртта юридик жавобгарлик, тўғрироғи жазо турлари қўлланилади:

- *интизомий,*
- *маъмурий,*
- *фуқаровий*
- *жиноий.*

**Интизомий жавобгарликда** жазо тури иш берувчи томонидан ходимга нисбатан қўлланилади, қачонки ходимнинг функционал вазифасига табиий ресурслардан фойдаланиш ёки уни муҳофаза қилиш мажбурияти юклатилган бўлса. Акс ҳолда у бошқа турдаги, яъни маъмурий, фуқаровий, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Шунинг учун ҳам Мактабгача таълим тизими Меҳнат шартномасига ёки унга илова қилинадиган ходимнинг хавфсизлик, жумладан экологик хавфсизлик бўйича функциясини акс эттирувчи таништирув ва розилик хатини илова тариқасида киритиш мақсадга мувофиқдир.



**Интизомий экологик жавобгарлик** – меҳнат муносабатлари юзага келган корхона, ташиқлот ва муассасаларда шахснинг ўз хизмат доирасида ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли экотизим ва унинг компонентларига зарар етказиш ёки унга зарар етказиш хавфини тугдириш орқали келиб чиқадиган юридик тусдаги салбий оқибатлар.

Интизомий жазони Меҳнат қонунчилиги (Меҳнат кодексининг 181-моддасида кўзда тутилган жазо турлари) бўйича амалга оширилади. Экологик ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қуйидаги интизомий жазо ҳар бир ножўя иши учун фақат бир маротаба қўлланилади:

- ёзма равишда ҳайфсан бериш;
- ўртача ойлик иш ҳақининг *30 фоиз*, айрим ҳолларда *50 фоиздан* ортиқ бўлмаган миқдорида жарима солиш;
- меҳнат шартномасини бекор қилиш, яъни ишдан бўшатиш.

Интизомий жазо бир йилгача бўлган муддатда амал қилади ва шу даврда ходимга рағбатлантириш методлари қўлланилмайди.

Меҳнат қонунчилигини бузган шахс атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаши керак бўлади. Агарда зарар юридик шахс томонидан етказилган бўлса, зарарни юридик шахс қоплайди ва у ўз ходимини моддий жавобгарликка тортиши мумкин. Моддий жавобгарлик мулкӣ жавобгарлик эмас, чунки унда ундириладиган зарарнинг миқдори белгиланиши ва зарарнинг фақат ходимнинг меҳнат муносабатлари натижасида вужудга келиши билан фарқ қилади. Ходимларнинг иш берувчи томонидан атроф-муҳитга етказилган моддий зарарни қоплаш масаласи махсус комиссиялар томонидан кўриб чиқилади ва унинг миқдори аниқланади. Ушбу миқдорга қараб моддий жавобгарлик ё иш берувчи ёки суд қарори асосида ундириб олинади.

**Маъмурий жавобгарлик** энг кўп қўлланиладиган экологик жавобгарлик тури бўлиб ҳисобланади. У давлат (маъмурий бошқарув органлари) томонидан ўрнатилган экологик тартиб-қоидаларни бузганлик учун қўлланилади.




**Маъмурий экологик жавобгарлик** – давлатнинг экологик муносабатларини тартибга солишидаги маъмурий бошқарув қоидаларини бузганлиги, яъни экотизим ва унинг компонентлари ҳолатига тажовуз қилувчи гайриҳуқуқий (ҳуқуққа қарши), айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар орқали келиб чиқадиган юридик тусдаги салбий оқибатлар.

Маъмурий жавобгарлик 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган ва кейинчалик унга бир қатор ўзгартиришлар киритилган «ЎзРнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс»да белгиланган тартибда амалга оширилади. Кодексда давлат органлари томонидан мансабдор шахсга алоҳида ва фуқароларга (тўғрироғи, жисмоний шахсга) нисбатан алоҳида жазо санкцияларини белгиланган.

Кодекснинг махсус VIII боб 65–96-моддалари «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик»да 32 хил турдаги ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланилади. Экологик-ҳуқуқий

муносабат объектларига қараб, ушбу *маъмурий ҳуқуқбузарликларни таснифлаш мумкин* (4.2.1-расм).



4.2.1-расм. *ЎзР Маъмурий жавобгарлик кодексидаги экологик ҳуқуқбузарликлар таснифи*



МТТда экологик ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жазо санкциясининг асосан жарима тури қўлланилади (4.2.1-жадвал). Бунда фуқаролар учун алоҳида ва мансабдор шахслар учун алоҳида жазо чоралари белгиланади. Кейинги 4 йил мобайнида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда давлат сиёсатида туб ислоҳатлар амалга оширилмоқда ва ЎзР Президентининг ташаббуси билан 2017 йилнинг 14 июнидан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жазо санкцияси деярли икки-уч баробаргача кучайтирилди.

4.2.1-жадвал

***МТТда маъмурий жазо санкцияси қўлланиши мумкин бўлган экологик ҳуқуқбузарликлар ва жарима миқдори***

ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс моддаси ва мазмуни		Жарима миқдори, энг кам иш ҳақи бараварида	
		Фуқарога	Мансабдор шахсга
65-м. Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш		1–3	3–5
67-м. Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаслик		1–3	
72-м.	Сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш	1–3	3–5
	Корхоналар, коммунал ва бошқа объектларни сувларнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки уларнинг зарарли оқибатлари олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш		
	Сув қудуқларини қозишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш, ишлатилаётган ва кузатув қудуқларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув ўзи чиқадиган қудуқларни уларни тартибга соладиган қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек ишлатишга яроқсиз қудуқларни консервациялаш ёки йўқ қилиш чораларини кўрмаслик	2/1–1	1–3
	Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса	5–7	7–10
74-м.	Табиий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар, ер ости сувли қатламлари) ва бошқа табиий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш	1–2	2–6
	Сунъий сув оқимлари (очик ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сув ҳавзалари (сув омборлари, сел	3/2–1	1–4

	сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) ҳамда бошқа сунъий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш		
	Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса	2–6	6–14
75-м.	Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш	–	1–3
	Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса	–	3–7
76-м.	Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш	3/1–1	
	Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш	–	1–3
79-м.	Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш	3/1–1	1–3
	Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса	1–3	3–7
85-м.	Ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш	–	3–7
86-м.	Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек ундан фойдаланмаслик	–	1–3
	Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса	–	3–7
88-м.	Қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмаларсиз очиқ аланга олдириб уларни ёқиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик	3/1–1	1–3
	Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса	1–3	3–7
	Дала ва аҳоли пунктларида анғиз, хазон ва шох-шаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса	3–5	5–10
89 <sup>1</sup> -м.	Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш		1–3
	Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса		3–7
91-м.	Саноат, рўзғор чиқиндилари ва бошқа чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш	1–3	3–5
	Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо	3–5	5–10

	чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса		
95-м.	Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик	1–3	3–7
96-м.	Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз ёхуд унга риоя қилмаган ҳолда рўёбга чиқариш, шунингдек бундай хулосаси бўлмайд туриб объектларни маблағ билан таъминлаш		1–3
	Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса		3–7

**Фуқаровий жавобгарлик.** Бозор иқтисодиёти ва демократик давлат қурилиши Ўзбекистонда фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг ролини аста-секин ошириб бормоқда. Фуқаровий ёки мулкӣ ва шахсий номулкӣ характерга эга бўлган жавобгарлик ЎЗР Фуқаролик кодексида қуйидаги экологик ҳуқуқбузарликка оид ҳолатларни инобатга олади. Авваламбор, Фуқаролик кодексининг 116-моддасига мувофиқ, агарда битимлар экологик қонун талабларига жавоб бермаса, улар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилади. Масалан, мулкдор ёки ердан фойдаланувчи ўз ер участкасини ноэкологик мақсадларда ижарага бериши, ижара шартномасини бекор қилишга ва ерга етказилган зарарни «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 51-моддасига кўра қоплашга мажбурдир.



**Фуқаровий экологик жавобгарлик** – экотизимларга нисбатан мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатларни қонуний тартибга солишида юзага келадиган ҳуқуқбузарликлар орқали келиб чиқадиган юридик тусдаги салбий оқибатлар.

Мулкӣ жавобгарликда асосий ўринни шартномаларда акс этмаган фаолиятни олиб бориш натижасида экотизимларга зарар етказиш эгаллайди. Ушбу зарар Фуқаролик кодекси 985-моддасига мувофиқ натура ёки пул билан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Лекин давлат ва шахсларнинг табиатга тегишли мулкига етказилган зарарни аниқ ҳисоблаш қийин. Бундай ҳолатда таксалар бўйича жавобгарлик юзага келади. **Такса** – мол-мулкка белгиланган аниқ

нарх, яъни зарарни қоплаш бўйича ўрнатилган ҳар бир мол-мулк ёки хизматга белгиланган нарх-наво.



ЎзР Жиноят кодексининг [202-моддаси](#) ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг [90-моддасида](#) жавобгарлик назарда тутилган ҳайвонот ёки ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш қоидалари ЎзР Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан белгиланади ва у ҳам доимий, ҳам вақтинчалик (мавсумий) характерга эга бўлиши мумкин.


Атроф табиий муҳитга етказилган зарар охир-оқибатда инсонларнинг мулки билан бир қаторда шахсий номулкий характерга, яъни саломатлигига ҳам зиён келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам Фуқаролик кодекси жисмоний ва юридик шахсларнинг инсонларни тоза атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳам инобатга олади.

**Жиноий жавобгарлик.** ЎзР Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) учун жазо қўллаш таҳдиди жиноят деб топилади. Жиноят кодекси билан қўриқладиган объектлар, жумладан, экологик муносабат объектларига зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли деб топилади (ЖКнинг 14-моддаси).

Жиноят кодексининг «Экология соҳасидаги жиноятлар» IV бўлим, «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар» XIV бобининг 12 та моддасида экологик жавобгарликлар белгиланган (4.2.2-расм).

Кейинги 25 йил давомида ЎзР Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари қайта кўриб чиқилди. Уларга бир қатор ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. ЎзР Жиноят кодексига экологик ҳуқуқбузарликлар учун иқтисодий жазо санкциялари кучайтирилди. Умуман олганда, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар энг кўп учрайдиган, лекин энг кам жавобгарликка тортиладиган жавобгарликлар тоифасига киритилган эди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> A.Nimatov. Ekologiya huquqi. Darslik. – T.: «Noshir», 2012. – 176–179-b.



4.2.2-расм. *ЎЗР Жиноят кодексидagi экология соҳасидagi ҳуқуқбузарликлар*

Жиноий жавобгарликлар ўз хусусиятига ва ижтимоий хавфлилигига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларга бўлинади. Экологик жавобгарлик эса, афсуски, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилган. Лекин атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши жамоа, давлат ва шахснинг хавфсизлигини белгиловчи омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам айрим экологик

жиноятларни оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига киритиш мақсадга мувофиқдир.



**Жиноий экологик жавобгарлик** – экотизимларга етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳуқуқбузарликлар орқали келиб чиқадиган юридик тусдаги салбий оқибатлар.

Экология соҳасида жиноятчиларга нисбатан Жиноят кодексининг 43-моддасида белгиланган 8 жазо туридан 4 тури (*энг кам ойлик иш ҳақи ҳисобидан жарима ундириш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд озодликни чеклаш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш*) қўлланилади. Мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган жисмоний шахслар учун 4.2.2-жадвалда акс эттирилган жазо тури ва санкциялари қўлланиши мумкин.

Жиноий жазо тури ва унинг оғирлиги ижтимоий хавфли қилмишнинг қайси бир табиий объектга қаратилганлиги, тирик организмлар ҳамда инсонларнинг ҳаёти ва муҳитига таъсир этганлик даражаси, зарарнинг миқдори ва кўлами, ким томонидан амалга оширилганлиги, қасдан ёки эҳтиётсизликлар орқали содир этилганлиги, хизмат мавқеидан фойдаланганлиги, уюшганлиги, техник ёки бошқа воситалардан фойдаланганлигига қараб ўрнатилади. Ушбу экологик тусдаги санкциялар қуйидагилардан иборат:

**Жарима** – айбдордан давлат ҳисобига пул ундириш мактабгача таълим тизимидаги ходимлар учун экология соҳасидаги жиноятда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 200 бараваригача қўлланилади.

**Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш** – айбдорнинг маълум бир муддатга корхона, муассаса ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашдан ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборат. Мактабгача таълим тизимидаги ходимларга тегишли бўлган экология соҳасидаги жиноятлар учун 3 йилдан то

**МТТда жиноий жазо санкцияси қўлланиши мумкин бўлган экологик ҳуқуқбузарликлар**

ЎЗР Жиноят кодекс моддаси ва мазмуни		Жазо тури ва санкцияси			
		Жарима, базовий ҳисоблаш миқдори	Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш	Мажбурий жамо-ат иши ёхуд ахлоқ тузатиш	Озодликни чек-9лаш ёки ундан маҳрум қилиш
193-м.	Мактабгача таълим объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш нормалари ва қоидаларининг мансабдор шахс томонидан бузилиши, ёхуд давлат комиссиясининг аъзолари томонидан бу объектларни норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузиб қабул қилиниши инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса	100–200	3 йилгача	360 соат ёхуд 3 йилгача	1–3 ёки 3 йилгача
194-м.	Махсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган ҳалокатлар ёки атроф табиий муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиғи, тирик табиат учун хавfli бўлган бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотларни қасддан яширилиши ёки бузиб тақдим этилиши аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонот дунёсининг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса	100–200	5 йилгача	360 соат ёхуд 3 йилгача	–
	Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса	–	Уму-ман	–	1–3 ёки 3 йилгача

195-м.	Мансабдор шахснинг экологияси (экотизими) ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлаши ёки бундай ишларни етарли даражада бажармаслиги одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонот дунёсининг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса	100–200	5 йилгача	360 соат ёхуд 3 йилгача	–
	Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса	–	умуман	–	1–3 ёки 3 йилгача
196-м.	Ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса	100–200	5 йилгача	360 соат ёхуд 3 йилгача	–
	Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса	–	Умуман	–	1–3 ёки 3 йилгача
199-м.	Ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш	50–100	5 йилгача	360 соат ёхуд 3 йилгача	1–3 ёки 3 йилгача
200-м.	Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш ҳайвонларнинг ёки паррандаларнинг эпидемик касалликлари (эпизоотиялар) тарқалишига, уларнинг ялпи қирилиб кетишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса	50–100	5 йилгача	360 соат ёхуд 3 йилгача	1–3 ёки 3 йилгача
201-м.	Хўжалик фаолиятида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, минерал ўғит, ўсиш биостимулятори ёки бошқа кимёвий дориларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса	50–100	5 йилгача	360 соат ёхуд 3 йилгача	1–3 йилгача
	Ўша ҳаракатлар одам ўлишига	–	Уму-ман	–	3–5 ёки



	сабаб бўлса				3–5 йилгача
202-м.	Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш	50 гача	–	300 соат ёхуд 2 йилгача	–
	а) ҳайвонлар, паррандалар, балиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг Қизил китобга киритилган бошқа турларини нобуд қилиш билан; б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса	50–70	–	300–360 ёки 2–3 йилгача а	3 ёки 3 йилгача
203-м.	Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса	50–100	–	360 соат ёхуд 3 йилгача	1–3 ёки 3 йилгача

доимий равишда, яъни умуман айбли қилмишга доир фаолият билан шуғулланишни, бекор қилишгача жазони суд томонидан белгиланади.

**Мажбурий жамоат ишлари** – маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборат. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади. Мактабгача таълим тизимдаги ходимларга тегишли бўлган экологик ҳуқуқбузарликлар учун 300 дан то 360 соатгача жамоат ишларига жалб қилинади.

**Ахлоқ тузатиш ишлари** – шахс иш ҳақининг 10–30 фоизгачасини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади. Экологик тусдаги жиноятлар учун ахлоқ тузатиш ишлари унинг ҳамма моддалари бўйича қўлланилади. Лекин жазо муддати барча экологик соҳадаги моддалар бўйича белгиланади ва Жиноят кодекси 46-моддасида кўрсатилган тарзда амалга оширилади. Мактабгача таълим тизими ходимлари учун тегишли

бўлган экологик жазо санкцияси 6 ойдан то 3 йилгача муддатга тайинланилади.

**Озодликни чеклаш** – маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат. Мактабгача таълим тизими ходимлари учун тегишли бўлган экологик жазо 1 йилдан 5 йилгача давом этиши мумкин.



Озодликни чеклашга: муайян жойларга бормаслик; оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик; муайян фаолият билан шуғулланмаслик; муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик; транспорт воситасини бошқармаслик; маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик; муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик; алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик; алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик каби чекловлар киради

**Озодликдан маҳрум қилиш** – маҳкумни жамиятдан ажратган ҳолда жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштириш. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун озодликдан маҳрум қилиш 204-моддадан ташқари Жиноят кодексининг барча моддаларида қўлланилади. Мактабгача таълим тизими ходимлари учун тегишли бўлган экологик жазо муддати жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига қараб беш йилгача бўлиши мумкин.

Жиноий жазо фақатгина суд ҳукми билан адо этилади. Жиноят кодексининг 198 ва 202-моддалари бўйича, агарда ҳуқуқбузар шахс табиат ва у орқали инсонларга етказилган *моддий зарарни уч карра миқдоридан қоплайдиган бўлса*, айбдорга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Жиноий жазога тортилишнинг умумий эътироф этилган қоидаларига алоҳида тўхталиб ўтмасдан, биз эътиборимизни айнан мактабгача таълим тизимида содир этилиши мумкин бўлган экологик жиноятларга қаратдик. Ўзбекистонда экология соҳасидаги жиноятларни мазмунига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Экология хавфсизлиги талабларини бузувчиларга белгиланган жазолар (ЖКнинг 193–196, 199–201-моддаларида акс эттирилган).

2. Алоҳида бир табиий объектлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш талабларини бузганлар учун белгиланган жазолар (ЖКнинг 197, 198, 202, 203, 204-моддаларида келтирилган).

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замонда кишилик жамиятининг экологик хавфсизлиги турли миқёсдаги экотизимларни муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш ва бузилганларини қайта тиклашда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солинганлигига тўғридан тўғри боғлиқдир. Тарбига солиш эса юқорида келтирилган талаблар асосида экологик бошқарувнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги билан ўлчанади.



### Қайтариш учун саволлар

1. «МТТни экологик жиҳатдан текширишдан мақсад нима?»
2. МТТни текшириш режаси қайси муддатдан кечикмасдан МТТга етказилиши лозим?
3. «Текширишларни рўйхатга олиш дафтари» нима учун тутилади?
4. Агарда текшириш далолатнома(маълумотнома)дан рози бўлмасангиз қандай иш тутишингиз керак?
5. Экологик жавобгарликни Сиз қандай тушинасиз?
6. Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун қандай санкциялар қўлланилади?
7. Экологик-ижтимоий билан экологик–иқтисодий жавобгарликларнинг нима фарқлари бор?



### Тест топшириқлари

1. МТТни экологик текширувга ваколатли ... орган олиб боради.

А) Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари

Б) Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

В) Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари

Г) Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари

**2. МТТ фаолиятини режали текширишда назоратчининг қўлида нималар бўлиши керак?**

А) режа-жадвалдан кўчирма, буйруғ, дастур ёки саволномадан нусха.

Б) йўриқнома, буйруғ, дастур ёки саволномадан нусха.

В) такдимномадан ва режа-жадвалдан кўчирма, буйруғ, дастурдан нусха.

Г) режа-жадвалдан кўчирма, далолотнома. буйруғ ва саволномадан нусха.

**3. «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун ... алоҳида жазо санкцияси белгиланади.**

А) фуқаролар ва фуқролиги бўлмаганлар учун

Б) фуқаролар ва мансабдор шахслар учун

В) жисмоний ва юридик шахслар учун

Г) мансабдор шахслар ва жисмоний шахслар учун.



## ГЛОССАРИЙ

**Бошқарув функцияси** – расмий тусдаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатларда белгиланган субъектларнинг тегишли йўналишдаги ижтимоий муносабатларни тарбига солишдаги бошқарув вазифалари.

**Жавобгарлик** – муайян шахс, жамоа ёки давлатнинг ўзга шахс, жамоатчилик, давлат, давлатлар ва халқаро ҳамжамият олдидаги бурчи ҳамда мажбурияти.

**Жарима** – айбдордан давлат ҳисобига пул ундириш.

**Жиноий экологик жавобгарлик** – экотизимларга етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳуқуқбузарликлар орқали келиб чиқадиган юридик тусдаги салбий оқибатлар.

**Индекс** – аτροφ-муҳит ҳолати кўрсаткичларининг умумлаштирилган рейтинги

**Инсон** – одамларнинг жамият ва табиат олдида муайян ҳуқуқ ҳамда мажбуриятга эга бўлган маданиятли қисми.

**Интизомий экологик жавобгарлик** – меҳнат муносабатлари юзага келган корхона, ташкилот ва муассасаларда шахснинг ўз хизмат доирасида ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли экотизим ва унинг компонентларига зарар етказиш ёки унга зарар етказиш хавфини туғдириш орқали келиб чиқадиган юридик тусдаги салбий оқибатлар.

**Илм** – борлиқни онгли равишда англаш, билиш ва тушиниш.

**Интерфаол инфографика** - ҳолат, жараён ва воқеаларга оид ахборотни ҳаракатдаги ва овозли расмлар, жумладан график, фото, чизма, карта, рўйхат, диаграмма, блок-схема, реестр, жадвал, рақамларни бир бетда баён этиш.

**Интизомий экологик жавобгарлик** – меҳнат муносабатлари юзага келган корхона, ташкилот ва муассасаларда шахснинг ўз хизмат доирасида ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли экотизим ва унинг компонентларига зарар етказиш ёки унга зарар етказиш хавфини туғдириш орқали келиб чиқадиган юридик тусдаги салбий оқибатлар.

**Инфографика** – бирон бир мавзуга тегишли ахборотларни график ҳолатда бериш.

**Инфографиканинг мақсади** – муайян ҳолат, жараён, ҳодиса ва воқеаларга оид ахборотларни графика, жумладан расм, чизма, карта, рўйхат, диаграмма, блок-схема, реестр, ёзув, жадвал, рақамлар ёрдамида бир бетда баён этиш орқали фойдаланувчига кўрғазмали қилиб етказиш.

**Мактабгача бўлган ёш** — болаларнинг туғилган пайтидан етти ёшгача, то уларга умумий ўрта таълим мактабларида таълим бериш бошланган пайтга қадар бўлган ёши.

**Мактабгача таълим ташкилоти (МТТ)** — мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим ва тарбия хизматлари кўрсатувчи давлат ва нодавлат ташкилоти

**Мактабгача таълим ва тарбия** — болаларга таълим ва тарбия беришга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган узлуксиз таълим тури;

**Мактабгача таълимда экологик тарбиянинг мақсади** – маҳаллий шароитда экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш учун МТТ тарбияланувчиларни юксак маърифатли инсон қилиб тайёрлашнинг бошланғич (базавий) таълимни йўлга қўйиш.

**Мактабгача таълимда экологик таълимнинг мақсади** – маҳаллий шароитда экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш учун уларни юксак маърифатли инсон қилиб тайёрлашнинг бошланғич (базавий) таълимни йўлга қўйиш.

**Маъмурий экологик жавобгарлик** – давлатнинг экологик муносабатларини тартибга солишдаги маъмурий бошқарув қоидаларини бузганлиги, яъни экотизим ва унинг компонентлари ҳолатига тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий (ҳуқуққа қарши), айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар орқали келиб чиқадиган юридик тусдаги салбий оқибатлар.

**Мактабгача таълимда экологик илм** – ходим ва тарбияланувчиларни ўраб турувчи атроф табиий муҳитни (экотизимларни) онгли равишда англай олиш, билиш ва тушинишлари.

**Мактабгача таълимда экологик маърифатнинг мақсади** – турли миқёсда экологик хавфсизликни таъминлаш учун

болажонларда дастлабки экологик билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш.

**Мактабгача таълим ривожлантириш концепцияси** – мактабгача таълимни ривожлантириш мақсади, вазифалари, устувор йўналишлари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичлари бўйича ривожлантириш дастур ва чора-тадбирларни белгилайдиган ғоялар тизими.

**Маъмурий экологик жавобгарлик** – давлатнинг экологик муносабатларини тартибга солишдаги маъмурий бошқарув қоидаларини бузганлиги, яъни экотизим ва унинг компонентлари ҳолатига тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий (ҳуқуққа қарши), айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар орқали келиб чиқадиган юридик тусдаги салбий оқибатлар.

**Менежмент** – корпоратив бошқарув, яъни турли нодавлат мулк шаклидаги ташкилот, корхона, муассаса, бирлашма каби жамоат уюшмаларни бошқариш

**Методология** – илмий билиш методларига оид таълимотлар тизими.

**Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш** – айбдорнинг маълум бир муддатга корхона, муассаса ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашдан ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборат.

**Назорат тартибида текшириш** – МТТ илгариги текширишда кўрсатилган қонун бузилишларини бартараф этиши устидан текширишга ваколатли органлар томонидан амалга оширадиган текшириш.

**Одам** – Ер пленетасида яшовчи, тирик мавжудотлар туркумига кирувчи, лекин мураккаб ҳаётий фаолият юритувчи индивид.

**Рақамли иқтисодиёт** - рақамли технологияларга таянган иқтисодий фаолият, яъни электрон бизнес ва коммерция билан боғлиқ бўлган рақамли товар ишлаб чиқиш ва хизматларни кўрсатиш.

**Режадан ташқари текшириш** – тизимида МТТ бўлган вазирликлар ва идоралар ёки уларнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари билан келишган ҳолда тасдиқланган текширишлар режа-жадвалида белгиланмаган ҳолда ўтказиладиган текшириш.

**Режали текшириш** – тизимида МТТ бўлган вазирликлар ва идоралар ёки уларнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари билан

келишган ҳолда тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига асосан ўтказиладиган текшириш;

**Табиат** – объектив борлиқ, яъни бизни ўраб турувчи олам ва унинг хилма-хил шакллари.

**Табиатшунослик** – табиатда содир бўлган, кечаётган ва кечиши мумкин бўлган нарса, ҳолат, жараён ва ҳодисаларни мустақил ҳамда уларни кишилар ҳаёти билан боғлиқ қонун ва қонуниятларини илмий билишга қаратилган ўқув курси.

**Текшириш** – ташкилот (жумладан МТТ), корхон, муассасалар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини текширишга ваколатли органларнинг бир марта назорат қилиши.

**Текширишга ваколатли органлар** — МТТ фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар, идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари;

**Таълим ва тарбиянинг муқобил шакли** — мактабгача таълим ва тарбия тизимидаги инновацион таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш модели.

**Фуқаровий экологик жавобгарлик** – экотизимларга нисбатан мулкӣ ва шахсий номулкий муносабатларни қонуний тартибга солишда юзага келадиган ҳуқуқбузарликлар орқали келиб чиқадиган юридик тусдаги салбий оқибатлар.

**Халқаро менежмент стандарти** – муайян корпоратив фолиятни сертификатловчи ҳамжамият томонидан умумэътироф этилган сифат даражаси.

**Экология** – *кенгайтирилган тарзда* муайян экотизимларда (тирик мавжудотларнинг яшаш маконида) организмлар ўзаро ва уларнинг атроф табиий муҳити ўртасидаги муносабатларнинг турли (сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, табиий каби) жиҳатларини тадқиқ қилувчи фан соҳаси, унга оид билим, кўникма ва малакаларни берувчи таълим ҳамда ахлоқ–одоб қоидаларини оммалаштирувчи тарбия йўналиши, ушбу муносабатларни оптималлаштирувчи амалиёт тармоғи.

**Экология** – *қисқартирилган тарзда* тирик мавжудотларнинг яшаш макони ҳақидаги таълимот.

**Экологик аудит** – экологик муносабат субъектларининг бухгалтерия китоблари, ҳисоботлари ва ҳужжатларини тафтиш қилиш.



**Экологик амалиёт** – экологик маънавиятли ва маърифатли шахс имкониятини унинг ҳаётда қўллай олишнинг мотивацияланганлик даражаси.

**Экологик бошқарув** – атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи ва экологик хавфсизликни таъминловчи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи органлар ваколатлари, функциялари ва уни амалга ошириш усуллари қўллаш механизми.

**Экологик бошқаришнинг мақсади** – ҳозирги ва келажак авлодлар учун барча тирик мавжудотлар яшаш ва фаолият юритиш муҳитининг экологик хавфсизлигини таъминлашдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш.

**Экологик жавобгарлик** – ахлоқий қадриятлар, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларида акс этган экотизимларни муҳофаза қилиш мақсадида ўрнатилган қоида ва меъёрларнинг бирон-бир давлат, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бузилиши оқибатида уларга нисбатан қўлланиладиган ноқулай кечинмалар.

**Экологик-ижтимоий жавобгарлик** – киши ёки унинг уюшмасини жамоатчилик олдидаги маънавий жавобгарлиги.

**Экологик-иқтисодий жавобгарлик** – киши ёки унинг уюшмасини табиат олдидаги молиявий жавобгарлиги.

**Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик** – киши ёки унинг уюшмасини давлат ёки давлатлар олдидаги юридик жавобгарлиги.

**Экологик кадастр** – экотизимларнинг жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдори, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган (ўзгарувчан) маълумотлар ва ҳужжатлар тизими.

**Экологиянинг мақсади** – ҳозирги ва келажак авлодларнинг барқарор ривожланишини таъминловчи экотизимлар хавфсизлигига эришиш учун экологик фан, таълим, тарбия ва амалиёт бирлигини таъминлаш.

**Экологик менежмент** – экотизимларда (корхона, ташкилот ва муассасалар каби жамоат уюшмаларида) атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат унсурларини қайта тиклашга қаратилган корпоратив бошқарув.

**Экологик менежментнинг вазифалари** – экологик менежментнинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган чора-тадбирларда.

**Экологик менежмент механизми** – корпоратив даражада экологик фаолият хавфсизлигини таъминлаш учун муайян муддатга мўлжалланган тактик ёки стратегик ривожланишнинг «йўл харитасини ишлаб чиқиш».

**Экологик мониторинг** – экологик назоратнинг биринчи босқичи бўлиб, у атроф-муҳит ҳолатининг даврий ўзгаришини кузатиб бориш, ҳисобга олиш, баҳо бериш ва истиқболни белгилаш тизими.

**Экологик назорат** – атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизими.

**Экологик тарбия** – кишини бутун умри давомида юксак экологик маънавиятли индивид қилиб шакллантириш воситаси.

**Экологик таълим** – кишини ҳаётга, жумладан меҳнатга тайёрлашнинг компетенциявий ёндошувга асосланган тегишли, расмий, тизимлашган, муддатли экологик билим, кўникма, малака бериш воситаси.

**Экологик таълимнинг мақсади** – экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун таълимда узлуксиз ва узвийлашган экология ва атроф-муҳит муҳофазасига тегишли кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш ва уни амалга жорий этиш.

**Экологик таълим концепцияси** – экологик таълим–тарбия муаммоларини аниқлаш ва уларнинг ечимини топишга доир ғоялар тизими.

**Экологик таълим, тарбия ва амалиёт моҳияти** – кишилик жамияти фаолиятини экотизимларни (табиий ва антропоген ўзгарган) муҳофаза қилиш; экотизимларнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш; бузилган экотизимларни қайта тиклашга йўналтириш.

**Экологик таълим методологияси** – реал ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, экологик вазиятда экотизимларда кечаётган табиий, ижтимоий-табиий ва табиий-ижтимоий реаллик, жараён ва ҳодисалар ҳақида билим, кўникма ва малака беришга қаратилган методларни танлаш ва тизимлаштириш.

**Экологик-ҳуқуқий рағбатлантириш** – экологик қонунчилик қоида ва талабларини доимий равишда бажариб келаётган ёки ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган атроф-муҳитни

ҳолатига кескин таъсир этувчи зарарнинг олдини олиш борасидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятлари учун халқаро ташкилот, давлат органлари ва жамоат уюшмалари томонидан қўлланиладиган юридик тусдаги ижобий оқибатлар мажмуи.

**Экологик экспертиза** – режалаштириладиган ёки амалга ошириладиган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини рўйбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш. Эколог мутахассис хулосаси.



## **ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА ТЕГИШЛИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси.
7. Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни.
9. Ўзбекистон Республикасининг Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуни.
10. Ўзбекистон Республикасининг Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонуни.
11. Ўзбекистон Республикасининг Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни.
12. Ўзбекистон Республикасининг Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонуни.
13. Ўзбекистон Республикасининг Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонуни.
14. Ўзбекистон Республикасининг Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуни.
15. Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон тўғрисидаги қонуни.
16. Ўзбекистон Республикасининг Экологик экспертиза тўғрисидаги қонуни.
17. Ўзбекистон Республикасининг Чиқиндилар тўғрисидаги қонуни.
18. Ўзбекистон Республикасининг Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонуни.
19. Ўзбекистон Республикасининг Давлат санитария назорати тўғрисидаги қонуни.

20. Ўзбекистон Республикасининг Экологик Назорат тўғрисидаги қонуни.

21. Ўзбекистон Республикасининг Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисидаги қонуни.

22. Ўзбекистон Республикасининг Стандартлаштириш тўғрисидаги қонуни.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3618-сон фармони.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сон қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги «Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3289-сон қарори.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3955-сон қарори.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4312-сон қарори.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 434-сон қарори.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 апрелдаги «Мактабгача ҳамда умумтаълим муассасалари

фаолиятини текшириш ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 352-сон қарори

31. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг 2018 йил 30 апрелдаги «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида низом». 20/1,10-ққ/1-сон қўшма қарори.

32. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг лавозим йўриқноманомалари ва ходимларнинг асосий лавозимларининг малака тавсифларини тасдиқлаш тўғрисидаги 2019 йил 1 июлдаги 109-сонли буйруғи.



## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

### Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: «Ўзбекистон», 2016.

2. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.- Т.: «Ўзбекистон», 2017.

3. Мирзиёев Ш. «Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади». 3 та жилд.–Т.: «Ўзбекистон», 2019.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. ЎЗА, <http://uza.uz/oz/> 25.01.2020.

5. Табиат. Жамият. Маънавият (Президент И. Каримов асарларида экология масалаларнинг ёритилиши). Тўлдирилган иккинчи нашри / Экологик таълим ва тарбия учун қўлланма // Сўз боши ва тузувчи А.Нигматов.- Т.: «Ўзбекистон», 2009.

### Махсус адабиётлар

1. Астровская И. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ахлоқий тарбияси. — Т., «Ўқитувчи». 1977.

2. Avzov Sh.M. Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi.- Т.: “Ilm ziyo”, 2013.

3. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти.–Т.: «Vorishashriyot», 2006
4. Ergashev A., Ergashev T. Ekologiya, biosfera va tabiatni muhofaza qilish.- Т., 2005.
5. ISO 14000 — Экологик менежмент тизимини яратиш бўйича халқаро стандарт.
6. Минчичова В. С. Экологический менеджмент как составляющая корпоративной социальной ответственности и системы менеджмента качества международного бизнеса в разрезе концепции устойчивого развития // Молодой ученый. –2016. № 9.– С. 654–657.
7. Международная организация по стандартизации, ИСО (international organization for standardization, ISO).
8. Nigmatov A. Ekologiyaning nazariy asoslari // O'quv qo'llanma.-Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти», 2013.
9. Нигматов А.Н., Абдуназаров Л.М., Мухамедов Ш.Н. Экологик таълим ва тарбия муаммолари .- Т.: «Navro'z», 2013.
10. Нигматов А.Н., Абдуназаров Л.М., Мухамедов Ш.Н. Касбий экологик таълим ва тарбия. Монография.– Т.: «Iqtisod–moliya», 2016.
11. Нигматов А., Мухамедов Ш., Камалов Б. Экологик бошқарув.– Т.:« Spektrum Media Group».- 2015.
12. Нигматов А. Экология нима?–Т.: «Faylasuflar” нашриёти», 2014.
13. Общественный Регистр сертификации систем экологического менеджмента РОО «Эколайн». [Электронный ресурс] // Справочно-информационный интернет-портал,2005. Режим доступа: <http://www.14000.ru>
14. Содикова Ш. Мактабгача педагогика. Дарслик. Тўлдирилган қайта нашр.– Т., 2017.
15. Справочник по Менеджменту словарь от А до Я. <https://spravochnick.ru/menedzhment>.
16. Популярная экологическая энциклопедия Республики Узбекистан.- Т.: «Chinor ENK», 2008-2009.
17. Реймерс Н.Ф. Природопользование / Словарь-справочник. –М.: «Мысль», 1990.
18. Реймерс Н. Ф. Надежды на выживание человечества: Концептуальная экология. - М.: Россия молодая. «Экология», 1992.
19. Салимов Х.В. Экология ва тароф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш бўйича атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати (ўзбек ва рус тилларида).–Т.«Fan va texnologiyalar», 2011.

20. Хайдарова Х., Боходирова З., Ёқубжонова Ш.. Экология ўқитиш методикаси.–Т., 2009.

21. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби / Красная книга Республики Узбекистан, 2 жилдли.-Т.: «Chinor ENK», 2009.

22. Экология. Юридический энциклопедический словарь. — М.: «Норма», 2001.

23. Экологический менеджмент. <https://ru.wikipedia.org/> Википедия. Свободная энциклопедия.

24. Экологик таълимдан барқарор ривожланиш таълими сари // А.Нигматовнинг масъул муҳаррилигида.-.- Т.: «Talqin», 2007.

25. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишдаги экологик талаблар / Методик тавсиялар// Тузувчилар Зацева И.И. ва бош.- Т.: «Mfgik print asia», 2011



1. [www.mdo.uz](http://www.mdo.uz). – ЎзР Мактабгача таълим вазирлиги сайти.

2. <http://mdomoi.uz> – Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти сайти.

3. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz). – ЎзР Халқ таълими вазирлиги сайти.

4. [www.lex.uz/](http://www.lex.uz/) – ЎзР Адлия вазирлиги сайти.

5. [www.nature.uz/](http://www.nature.uz/) – ЎзР Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси сайти.

6. [www.climate.uz/](http://www.climate.uz/) – «Ўзгидромет»нинг махсус иқлимга оид тармоғи сайти.

7. [www.unesco.org/](http://www.unesco.org/) – БМТнинг Маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти сайти.

8. [www.unep.org/](http://www.unep.org/) – БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури сайти.

9. [www.undp.org/](http://www.undp.org/) – БМТнинг Ривожланиш дастури.

10. [www.unfccc.int/](http://www.unfccc.int/) – БМТнинг Иқлим ўзгаришига оид Рамкали конвенция секретариати сайти.

11. [www.sgp.org/](http://www.sgp.org/) – Глобал экологик жамғарманинг кичик лойиҳалар дастури сайти.

12. [www.worldresources.org/](http://www.worldresources.org/) – Жаҳон табиий ресурслар дастури сайти.

13. [www.biodiv.org/](http://www.biodiv.org/) – Биологик хилма-хиллик бўйича сайт.



14. [www.carec.kz/](http://www.carec.kz/) – Марказий Осиё экологик минтақавий марказ сайти.
15. [www.eea.eu.dk/](http://www.eea.eu.dk/) – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Европа агентлиги.
16. [www.panda.org/](http://www.panda.org/) – Бутунжаҳон ёввойи табиат жамғармаси сайти.
17. <https://ru.wikipedia.org/Википедия>. Эркин энциклопедия.



## ДАМ ОЛИНГ ВА ТАБИАТДАН ЗАВҚЛАНИНГ !

«Гўзал табиат манзараси»га доир фотосуратларга  
ном бериб чиқинг  
(ном қисқа ва мазмунли бўлсин, масалан)



«Табиат санатаси»



«Гўзалманми»



«Яшаш макони»



«Она меҳри»



...



...



...



...



...



...



...



...



...



...



...



**«Уйқудаги хоним»**



...



...



...



...



...



...



...



...




...



...



...



...



**НИГМАТОВ  
АСҚАР  
НИГМАТУЛЛАЕВИЧ**  
г.ф.д., профессор

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
аълочиси (2002)**  
**Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус,  
касб-хунар таълими аълочиси (2007)**

А.Нигматов 1954 йил 26 сентябрда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топди. 1971 йил 144-мактабни, сўнгра 1976 йил ТошДУ География факультетини битириб, ЎзР ФА Тупроқшунослик ва агрокимё институтига ишга юборилди. 1976–1995 йиллар мобайнида у ТошДУ Биология-тупроқшунослик факультетида махсус фанлардан таълим олди, сўнгра Москва, Баку, Курск, Днепрпетровск шаҳарларининг илмий марказларида малакасини оширди.

1985 йили «Тошкент вилоятининг жарланган ерлари ва уларни мелиорация қилиш» мазусида қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича номзодлик диссертациясини, 1993 йили «Ўзбекистон ерларининг жарланиши ва техноген бузилиши: уларни мелиорация ва рекультивация қилишнинг географик жиҳатлари» докторлик диссертациясини ёқлади.

Унинг педагогик фаолияти ЎзР ИИВ Академияси Фуқаролик ҳуқуқий билимлар кафедраси профессори (1995–1999 йй.), ЎзР Адлия вазирлиги ТДЮИ Экология ва қишлоқ хўжалик ҳуқуқи кафедраси профессори (1999–2005 йй.), ЎзМУ География факультети Табиий география кафедраси мудири (2004–2006 йй.), ЎзМУ АЛ ва КХК билан ишлаш бўйича проректор (2005–2011 йй.), ЎзМУ Экология кафедраси мудири (2011–2012 йй.), Ботаника ва экология кафедраси профессори (2013–2014 йй.), ЎМКХТТКМОваУҚТ Инститuti Таълимда бошқарув кафедраси мудири (2015-2018 йй.) олиб борди.

Ўриндошлик асосида А.Нигматов ЎзР ВМ Ислон университети Ислон ҳуқуқи кафедраси профессори (2001–2005 йй.), ЎзР Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Bioekosan» таълим муассаси илмий консультанти (2001–2005 йй.), ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ТДАУ Ҳуқуқшунослик кафедраси мудири (2002–2004 йй.), ЎзР Адлия вазирлиги Судьяларни малакасини ошириш маркази профессори (2000–2004 йй.), ЎзМУ Табиий география ва география таълими методикаси кафедраси профессори (2004–2009 йй.), ТДПУ География таълими методикаси (2005–2007 йй. ва 2012-2015 йй.), ЎзМУ Олий педагогика институти (Минтақавий марказ) профессори (2006-2011 йй. ва 2013-2016 йй.), ТИМИ Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси кафедраси профессори (2015-2018йй.), Тошкент вилояти мактаб ўқитувчиларини малакасини ошириш ва

уларни қайта тайёрлаш институти Табиёт фанлари кафедраси профессори (2015 й.), ТошФИ профессори (2016–2017 йй.), НамДУ профессори (2015-2018 йй.), Қозоғистоннинг 3 та, Қирғизистоннинг 1 та университетлари профессори (2000–2008 йй.), ГулДУ ва ҚҚДУ Экология ва география кафедраси профессори (2018 йилдан буён) лавозимларида педагогик фаолиятини давом эттирди.

500 тадан зиёд ўқув, илмий, илмий оммабоп ишлар, жумладан, 13 та монография, 23 та дарслик, 28 та ўқув қўлланма, 29 та ўқув-методик ва методик қўлланма, 22 та китоб ва рисола, 1 та ихтирочилик патенти, 7 та муаллифлик гувоҳномаси, 3 та АКТ дастури, 1 та луғат, 14 та мавзули карта, 370 тадан зиёд илмий ва оммабоп мақола ҳамда тезисларни ўзи ҳамда ўқувчилари билан chop этган. Унинг ўзи ва раҳбарлигида яратилган 7 та дарслик ва ўқув қўлланмалари турли йилларда Истеъдод жамғармасининг «Энг яхши дарслик ва ўқув адабиётлар» Республика танлови ғолиблари қаторидан ўрин олган.

А.Нигматов илк бор республикада жарларнинг турли шароитларда пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятлари, ерларнинг техноген бузилишининг регионал хусусиятларини очиб берди. Жарланган ва техноген бузилган ерларни мелиорация ва рекультивация қилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқди. Республикада биринчилар қатори Экология ҳуқуқи, Ер ҳуқуқи, Экологиянинг назарий асослари, Геоэкология назарияси, Экотуризм, Геотуризм ва Агротуризм назарияси, Табиий географик фанлар назарияси, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги назарияси, Экология менежменти назарияси ва амалиёти каби фанларга оид монография ва ўқув адабиётларни яратди. Шогирдлари билан республикага География назарияси, Конструктив география, Экотуризм, Агротуризм, Геотуризм, Геоэкология, Экотерроризм, Экологик жавобгарликларга дифференциал географик ёндошув, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, Барқарор ривожланишнинг геоэкологик жиҳатлари, Экологик бошқарув, Барқарор ривожланиш индикаторлари, Муқобил энергиянинг географик хусусиятлари, Жаҳон мамлакатларининг табиий географик жиҳатлари каби илмий йўналишларни олиб кирди. У Касбий компетентциявий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари, Марказий Осиёда география назарияси ва тарихи фанини ривожлантириш зарурлиги ҳамда миллий географик таълимни ислоҳ қилиш ғоясини илгари сурди. Фанларнинг тааллуқлилиқ тизимини яратди ва уни глобал миқёсда оммалаштириш талабини қўйди.

Ҳозирги кунда А.Нигматов география, атроф-муҳит муҳофазаси, экология, педагогика бўйича Илмий Кенгаш ва семинарлар аъзоси, МДҲ давлатлари халқаро ёшлар танлови комиссияси аъзоси, «География жамияти ахборотномаси», «География: табиат ва жамият» электрон журнали ва бир қатор хорижий журналарининг таҳририят ҳайъати аъзоси. Унинг раҳбарлигида география, тупроқшунослик, юриспруденция, педагогика, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси фан йўналишларида бевосита 19 та фан номзоди, билвосита тарзда эса 7 та фан доктори ва номзоди етишиб чиқди.





**Нигматов Асқар Нигматуллаевич**

**МАКТАБГАЧА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ВА  
ТАРБИЯ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ УЧУН**

**Д А Р С Л И К**

Мухаррир                    И.С.Мусаев  
Саҳифаловчи                А.Н.Нигматов

«NAVRO'Z» нашриёти. Лицензия № АІ.170  
Нашриёт манзили: Тошкент, А.Темур кўчаси, 19 -уй.